

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИКТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

Хамроев Халим Розикович

"МАКРОИКТИСОДИЁТ"

фанидан маъруза матнлари.

Б 022000 "Иктисодиёт" йуналиши бўйича олий укув юрти
мутахассислиги учун


Бух.ДУ Иктисодиёт
факультетининг илмий кенгаши
томонидан тасдиқланган, № 9 -
мажлис баёни, 2000 йил 30
июль.

Такризчи: проф. Навруз-зода Б. Н.

Бухоро 2000 йил.

" Макроиктисодиёт " фанидан укув соатлари тақсимооти.

№	Мавзулар	Умумий соат	Шу жумладан		
			Маъ- руза	Ама- лиёт	Муста- қил с.
1.	Макроиктисодиётга кириш	4	2	2	
2.	Макроиктисодиётдаги доиравий айланиш	6	2	2	2
3.	Миллий иктисодиёт ҳажми, таркиби ва динамикасини улчаш	8	4	2	2
4.	Иктисодиётда мувозанат ва барқарорлик	4	2		2
5.	Ялпи талаб эгрилиги	4	2	2	
6.	Классик ва кейнсча даромад модели	4	2	2	
7.	Даромадлар ва харажатлар мувозанати модели	4	2	2	
8.	Рақобат ва бозор устидан назорат	2	2		
9.	Миллий иктисодиёт ва давлат	6	2	2	2
10	Иктисодиётни давлат томонидан тартиблаш	6	2	2	2
11	Молия ва солиқ солиш тизимлари	6	2	2	2
12	Фискаль сиёсат	4	2		2
13	Бюджет қамоматлиги ва давлат қарзи	2	2		
14	Макроқуламда пул бозори ва кредит тизими	4	2	2	
15	Қимматли қозғалар бозори ва уни тартибга солиш	4	2	2	
16	Иқтисодий беқарорлик ва инфляция	6	2	2	2
17	Меҳнат бозори ва ишсизлик	6	2	2	2
18	Миллий даромадни тақсимлаш ва истеъмол қилиш	4	2	2	
19	Иқтисодий усиш.	6	2	2	2
20	Очиқ иқтисодиётда макроиктисодий сиёсат	4	2		2
	ЖАМИ:	94	42	30	22



МАКРОИКТИСОДИЁТГА КИРИШ. (2 соат)

РЕЖА:

1. Фанни урганиш мақсад ва вазифалари.
2. Макроиктисодиётнинг муаммолари. Макроиктисодий сиёсат.
3. Барқарорлик ва фаровонлик йулларини излаш.

АДАБИЁТЛАР:

1. З. Долан, Е. Дейвид. Макроэкономика. Санкт - Петербург. 1994 г.
2. К.Макконнелл, С. Брю. Экономикс. М. 1993 г.
3. З.Йулдошев, М.Косимов. Макроиктисодиёт асослари. Т. 1994 г.
4. Экономика. Под ред. Булатова А. М. 1994 г.
5. Самуэльсон., Нердхаус. Экономика. М. 1992 г.
6. Бункина М.Е. Семенов В.А.. Макроэкономика. М. 1996 г.
7. Фишер С. и др. Экономика. М. 1993 г.
8. Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. М. 1994 г.


1- саволга жавоб

«Хақиқий иктисодчи келажак учун ҳозирги замонни урганиши керак. Бирор бир инсон табиатнинг ёки инсон яратган институтлардан бирортаси ҳам уз эътиборидан четда қолдириши керак эмас.»

Ж.М.Кейнс.

Макроиктисодиёт XVII - XIX асрларда яратилган иктисодиёт назариясига таяниб, иктисодий билимлар тарихида буюк бир босқич сифатида XX асрда пайдо бўлди. Агар иктисодиёт назарияси фанининг пайдо бўлиши Адам Смитнинг 1776 йилда чиққан «Халқлар бойлиги» асари билан боғланса, макроиктисодиёт фанининг тугилиши йилини 1936 йил, яъни Ж.М.Кейнснинг «Бандлик, фойз ва пулнинг умумий назарияси» китоби чиққан йил деб ҳисобланади.

Куйида иктисодий фанларнинг тахминий шажарасини берамиз:



Макроиқтисодиёт - бу мамлакат иқтисодиётини бир бутун тизим сифатида урганадиган фандир. У ишлаб чиқаришнинг циклик тебраниш сабабларини, инфляция билан бандликнинг боғлиқлигини, иқтисодий ўсиш динамикасининг нималарга боғлиқлигини урганади.

Иқтисодиётда катта тизим – бу куплаб кичик тизимлар (фирма, тармок...) нинг оддий йигиндисидан иборат эмас, балки у янги сифатдир. Макротизимларни микроиқтисодиёт категориялари билан тушунтириб булмайди. Шунинг учун ҳам макроиқтисодиётни урганишда узига хос макрокурсаткичлар, янги услубиет, инструментлар ишлатилади.

Бундан ташқари, давлат иқтисодий сиёсатининг асоси ҳам, бошланиши ҳам, якуни ҳам макроиқтисодий таҳлилдир.

Фанни урганишдан мақсад:

Талабаларда иқтисодий тизимларни урганишда макроендошув хақида тасаввурни шакллантириш, миллий бозор улчамлари тенденциясини анализ қилиш, иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда макроиқтисодий қарорлар қабул қилиш қуникмаларини яратишдир.

Бундан қуйидаги вазифалар қелиб чиқади:

- макроиктисодиётнинг асосий тушунчаларини билиш;
- макроиктисодий жараёнларни таҳлил қилишда ва иктисодий сиёсатни юритишда амалий қуникмаларни шакллантириш;
- макромоделларни яратиш принциплари, уларни таҳлил қилиш ва синтезлашни урганиш;
- Ўзбекистон иктисодиётидаги макроиктисодий муаммоларни урганиш;
- Иктисодиётни тартибга солиш механизмларини урганиш;

2-саволга жавоб.

Асосий макроиктисодий муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- А) инфляция;
- Б) ишсизлик;
- В) ишлаб чиқаришнинг цикллилиги ва иктисодий кризислар;
- Г) иктисодий ривожлашнишдаги мутаносиблик;
- Д) жамиятда аҳоли даромадларининг нотекис таксимланиши;
- Е) иктисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви еки усувининг йуклиги.

Бу муаммоларни ҳал этишнинг йуллари қуп эмас ҳамда улар давлатнинг сиёсати билан боглик. Шунинг учун макроиктисодиётнинг энг мухим субъекти давлатдир.

Давлат шу муаммоларни ҳал қилиш учун умуман иктисодиётга таъсир этади, буни макроиктисодий сиёсат дейилади.

Ҳукумат макроиктисодий сиёсатни амалга оширишда қуллайдиган, узгартирадиган параметрлар сиесий инструментлар деб айтилади (масалан, солиқ даражасини ошириш, субсидияни камайитириш..). Макроиктисодий сиёсат атрофида доимо қучли тортишувлар булади, чунки бу қишилардаги ижтимоий – фалсафий, ахлоқ -маънавий кадр қийматлар ҳар қиллигига бориб такалади ҳамда қишилар, гуруҳлар, синфлар, партияларнинг иктисодий манфаати билан богликдир.

3-саволга жавоб.

Макроиктисодий фаолиятнинг натижасини қурсатувчи 3 қурсатқич мавжуд:

А) инфляция суръати – маълум вақт давомида баҳоларнинг уртача жами ўсишини фоишларда ифодаланиши.

Б) ишсизлик нормаси - меҳнатга лаекатли аҳоли ичида неча фоиш қиши ишсиз бўлиб, иш излаётганлар.

В) Иктисодий ўсиш суръати – маълум вақт давомида ЯММнинг реал ўсишининг фоишларда ифодаланишидир.

Ривожланган мамлакатларда сиёсатчилар фаолияти, ҳукумат фаолияти шу курсаткичлар даражасига қараб баҳоланади

Баҳо даражасининг барқарорлиги - бу шундай ҳолатга эришишки, инфляция даражаси шундай пастки, тадбиркорлар ва оила хужаликлари уз қарорларини қабул қилишда унга умуман эътибор бермайдилар.

Инфляция даражасини улғаш учун истеъмол товарлар баҳоси индекси фойдаланилади. У ривожланган мамлакатлар матбуотида эълон қилиб борилади ҳамда типик шаҳар оиласи сотиб оладиган энг асосий товар ва хизматлар нархининг уртача даражаси ҳисобланади. Инфляция ҳаммага бир хил таъсир этмайди, бу аввалом - бор, қанча ва қайси шаклда даромад олади, қарздорми еки кредиторми, бойлиги ҳажмига боглиқ. Биринчи навбатда ойликхур ва нафақахурлар зарар қуради. Агар ойлик ва нафақа индексация қилинса ва у инфляциядан қуп орқа қолмаса, нафақа, пособиялар АҚШда туликлигича индексация қилинади, яъни истеъмол товарларига баҳо усьиши билан автоматик тарзда нафақалар оширилади. Одатда инфляциядан кредиторлар ютқизади, қарздорлар ютади. Шунинг учун қарз номинал даража билан берилади. У эса реал даражада қайтариб олинади. Мисол: инфляция 10% булса, номинал фойз 15%, реал эса 5%.

Инфляцион муҳитнинг ёмон оқибатларидан бири - оилалар, тадбиркорлар олдида ечиш қийин булган вазифани қуяди: нархлар нисбий усьиши билан умумий нарх даражасидаги фарқни ажратиш.

Инвестиция проектлари ишлаб чиқариш еки маркетинг фаолияти даражасидан эмас, қупрок иш ҳаққи даражасининг узғариши, фойз ставкаси, хом-аше ва ресурслар нархи даражасига боглиқ булади (масалан, атом электр станцияси).

Ишсизлиқ. Қушимча иш жойи бу - қушимча яратилган маҳсулот ва эҳтиёжларни қондиришнинг юқориқок даражасидир. Чунки ишсизлиқ — бу олинмаган маҳсулот. Иккинчи томондан, қишилар ҳаётий манфаатларига зарар (жамият учун кераксизлиқ, уз қобилиятларини ишлата олмаслиқ, уз ишлари билан мағрурлана олмаслиқ). Натижа: оилалар бузилиши қасаллиқ қупайиши, жинойтлар ошиши ва ҳ.қ.

Ишсизлар сони, даражасини аниқлаш учун АҚШда суровдан (50 минг қишидан ҳар ой) фойдаланилади. Ишловчилар сонини аниқлашда 1 қи навбатда 16 ешга қирмаганлар, қамокҳона ва маҳсус қасалҳонадагилар ишлашни хоҳламайдиганлар, қундузғи булим талабалари, пенсионерлар, уй беқалари қиритилмайди. Ҳарбий хизмат алоҳида ҳисобга олинади. Граждан секторини аниқламоққи булсалар, уларни айирилади. Шунга қараб умумий ишсизлиқ нормаси граждан секторидаги ишсизлиқ нормасидан паст булади. Одатда матбуотда граждан секторидаги ишсизлиқ нормаси қурсатилади. Аммо умумий ишсизлиқ нормаси меҳнат бозоридаги ҳолатни тузукрок ифода этади. Иқтисодий тизим учун «идеал» ишсизлиқ нормаси бор деб булмайди. Ишсизлиқ нормасини

аниклашда «ишсиз» ва «ишламаётган» категориялар фаркига бориш керак. Хатда булар бир хил эмас. Чунки айрим ишловчилар (яширинча ишловчилар еки 16 ешга кирмаганлар) бандларга киритилмайди ехуд айрим ишламайдиганлар кишилар иш изламайди, ишлашни хохламайди, иш жойида йук (касалиги туфайли, рахбари билан келишмаган ва х.к.). Туликсиз иш куни ишлайдиганлар хам бир талай.


«Ишсиз» ва «ишни топишга нолойиклар» хам фарк килади. Яъни шундайлар борки ишдан вактинча кетган, еки тузукрок иш топиш ниятида ишламай юрибди. Ишсизлик нормасини аниклашда хар хил манбалардан олинган маълумотлар (тадбиркорлар маълумоти, биржалар маълумоти ва х.к.) хар хил натижа бериши мумкин. Бунинг бир сабаби кишилар 2 ва ундан куп жойда хам ишлайдилар. Ишсизлик нормаси билан бирга ахолининг ишловчилар кисми (фоизда аникланади) хам мухим курсаткич сифатида ишлатилади. Масалан, бу курсаткич АКШда 1969 й – 59 %, 1989й – 63 %, Германияда 1959 й – 59 % , 1988 й – 52 %, Буюк Британияда шу даврда 60 % дан 58 % га тушган. Агар ишсизлар каторига келиб кушиладиганлар чикиб кетадиганлардан ошса ишсизлик нормаси ортади ва тескариси.

Уртача ишсиз булиш муддати АКШда 1969 йил 7-8 хафта, 1989 йил 20 хафта булган. Ишсизлик типлари: а) фрикцион, б) структуравий ва в) циклик. Ишсизликнинг табиий нормаси.

Иктисодий усиш. Иктисодий усиш халк фаровонлигини ошириш, ишсизларни камайтириш учун зарур. Иктисодий усиш одатда ЯММ нинг нисбий жихатдан усганлиги билан улчанади. Хакикий иктисодий усишга эга булиш учун ЯММ ни реалини, яъни инфляциядан холи булганини хисобга олиш керак.

Реал ЯММ симоним сифатида реал ишлаб чикариш хажми термини ишлатилади.

Иктисодий усишнинг энг аник натижаси - хаёт даражасининг усиши, ундан кйин касб танлаш имконини оширади, кашшоклик ва иктисодий адолатсизликдан кутулишнинг бирдан бир чорасидир. Иктисодий усишнинг салбий окибати – атроф-мухитнинг ифлосланиши, глобаль иклим катастрофалар хавфи. Аммо иктисодий усиш бошка, унинг йуналиши бошка масала



Дипрессия АКШ каби ривожланган мамлакатлар учун тарих булиб қолиб кетди. ОУКЕН конуни буйича реал ишлаб чиқариш 2% ушганда ишсизлик нормаси 1 % га қамаяди. Артур Оукен – Джон Кеннеди президенти даврида иқтисодий маслаҳатчилар комитети аъзоси. Оукен конуни сабаблари: янги иш жойи ташкил қилгандан меҳнат унумдорлигини ошириш маъқул, ишсизлик нормаси ҳисоблашдаги қамчиликлар.

Иш цикли билан инфляция уртасида классик даврда (XX аср биринчи ярмигача) қуйидагича бўлган: қисқариш пайтида инфляция суръати тушади, қутарилиш пайтида эса қутарилади. Ҳозирги замонда аниқ бир боғлиқлик йук, улар уртасидаги боғлиқлик жуда мураккаб ва айрим ҳолда қарама - қаршидир.

Иқтисодий усиш билан иқтисодий ривожланишнинг фарқига бора билиш қерак. Усиш – бу ишлаб чиқариш омиллари (иш қучи, ер, қаптал) нинг қупайишидир. Ривожланиш - бу аҳоли жон бошига тугри қеладиған ЯММ нинг қупайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошишидир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун:

- а) меҳнат бирлиги қайтимини ошириш (А.Смитгача маълум бўлган);
- б) ихтисослашув (А.Смит аниқлаган);
- в) халқаро савдода абсолют устунликдан фойдаланиш (А.Смит аниқлаган);
- г) халқаро нисбий устунликдан фойдаланиш (Д.Рикардо қашф қилган);
- д) инновациядан фойдаланиш (Йозеф Шумпетер аниқлаган).

Буларни билиш жуда муҳимдир. Масалан, Лотин Америкаси мамлакатлари нисбий устунликка эътибор бермай 30 йил (1950-80 й) узини алоҳида қилиб, қолоқ бўлиб қолдилар. Ҳозир 50 дан ортиқ давлат буни тушунмай улар уз таракқиетини 10 йилликларга орқага қолиб қетишга сабаб бўлмоқдалар. Ҳозир жаҳон савдосининг 40 фоизи мамлакатлар нисбий устунликдан фойдаланиши орқали содир бўлмоқда.

Инновация – бу шундай қараенки, бунда янги гоё натижани ошириш учун ресурсларнинг янги қомбинациясини яратиш учун хизмат қилади.

Макроиктисодий анализда информациянинг роли жуда ошади, бунда:


- а) информацияни қадрдан ола билиш;
- б) уни тушуна билиш;
- в) информацияга танқидий ендаша билиш;
- г) нисбий танқидий таҳлил қила билиш;
- д) уз ҳулоса ва гоёларини бера билиш муҳимдир.

Макроиктисодиётни бошқа фанлар билан боғлиқлигини қурганда, математик, статистик фанлар билан боғлиқлигини таъқидлаш зарур.

Макроиктисодиёт фанининг бунедга қелишида 20 асрнинг буюқ иқтисодчиларидан уқтасини алоҳида таъқидлаш қерак: Ж.М.Кейнс, Й. Шумпетер, М.Фридман.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Макроиктисодиёт деганда нимани тушунаси?
2. Макроиктисодиёт фани нимани урганади?
3. Макроиктисодиётнинг асосий муаммолари кайсилар?
4. Макроиктисодий тахлилнинг хусусияти нимада?
5. Макроиктисодий сиёсат нима?



МАКРОИКТИСОДИЁТДАГИ ДОИРАВИЙ АЙЛАНИШ. (2соат)

РЕЖА:


1. Доиравий айланиш моделининг моҳияти.
2. Доиравий айланишда давлатнинг урни.
3. Доиравий айланиш ва ташки сектор.

АДАБИЁТЛАР:

1. Долан Э., Дейвид Е. Макроэкономика. Санкт-Петербург. 1994 г. гл. 2.
2. Фишер С. и др. Экономика. М. 1993 г. гл.23
3. Макконнелл К., Брю С. Экономикс. 1993 г. М.Т 1. гл.9.
4. Войтов Л. Экономика. М. 1999 г.
5. Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. М. 1994 г.гл.1,2.
6. Хейнс П. Экономический обзор мышления. Гл. 16.

1-саволга жавоб.

Иктисодиёт куплаб иктисодий жихатдан алоҳида булган бирликлардан: миллионлаб уй хужаликлари ва корхоналардан иборат. Уй хужаликлари канча сотиб олиш ва канча ишлашни хал киладилар. Фирма (корхона) лар уй хужаликларининг мулки була туриб, хужайин сифатида канча ишлаб чиқариш, канча сотиш, канча кишиларни ишга олишни хал киладилар. Умуман олганда макроиктисодиёт бир-бири билан сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ булган уй хужаликлари ва фирмаларнинг умумий йигиндиси эмас, балки жуда мураккаб узаро боғлиқлигидан иборат, бунини содда схемада куйидагича тасвирлаш мумкин:



товар ва ресурслар диаграммада бозор оркали соат стрелкаси буйича, пул туловлари унга тескари ҳаракат қилади. Стрелка билан курсатилган жараёнларни оқимлар дейилади, чунки улар тухтовсиз, узок муддатлидир. Оқимлар захиралардан фарқ қилади. Захиралар статик ҳолатда тухтаб қолган, оқимлар эса динамик ҳолатдадир.

Иқтисодий тизимни ҳаракатлантирувчи, ишлатувчи, керакли жойлардан оқишни таъминловчи – пулдир. Пул ҳаракатсиз туриши керак эмас, у шу доиравий айланиш «трубаларидан» тухтовсиз оқиши керак.

Пул ҳаракати тезлигини курсатувчи, иқтисодий оқимлар динамикаси курсатувчи – даромадлар ва харажатлардир. Пулни купайиши даромадлар оқимининг тезлигини оширмайди, агар улар банкларда, кишилар чунтакларида қолиб кетса. Иккинчи томондан, пулни купайтирмай ҳам оқимни тезлатиш мумкин.

Иқтисодий системада пулнинг статик миқдори билан даромадлар оқими уртасидаги узаро алоқа макроиқтисодиётнинг муҳим нарсаларидан бири.

Миллий даромад - бу мамлакат микесида иш хаки, рента, фойиз ва фойданинг умумий йигиндисидир.

Миллий маҳсулот – иқтисодий тизимда ишлаб чиқарилган ҳамма товар ва хизматлар қийматининг мажмуасидир.

Миллий маҳсулотга қилинадиган умумий харажатлар – бозорлардан утувчи пулли туловлар оқимидир.


Биз қураётган бу содда иқтисодий системада миллий даромад ва миллий маҳсулот бир-бирига тенгдир.

Энди моделни сал мураккаблантирамиз унга жамгарма, инвестиция ва молия бозорини кушамиз.

Жамгарма – бу оила харажатларининг даромадларидан кам булиши натижасида тупланган пулдир. У банкка куйилади еки акция, облигацияга кетади.

Инвестиция - бу умумий капитал хажмини усишга ердлашувчи хамма харажатлардир.

Инвестиция 2 хил булади: а) асосий капиталга инвестиция; б) товар - моддий захираларга инвестиция.



Иктисодий маънода олдин ишлатилган моддий бойлик, кучмас мулк сотиб олинса инвестиция хисобланмайди, янгисини сотиб олишгина инвестициядир.

Молия бозорлари - бу оила хужаликларида жамгариш оркали фирмаларга пул оқимларини утказиш билан шугулланувчи иктисодий институтдир. Уларга банклар ва молиявий орага кирувчилар (сугурта компания, пенсия фонди...) киради. Булар пул жамгармаларининг ярмини узидан уткази, иккинчи ярми оила хужаликлари акция, облигация ва бошка кимматбаҳо коғозлар сотиб олиш оркали утади.

Жами таклиф – иктисодий тизимда ишлаб чиқарилган бутун товар ва хизматлар кийматининг йигиндиси.

Жами талаб – харидорлар томонидан мулжалланган янгидан ишлаб чиқарилган бутун харидлар йигиндиси. Бу иккаласи бир-бирига тенг булади, агар камрок сотилса, шунга мос товар запаслари усади ва баробарлик тикланади.

Агар бозорларда товарлар сотилмай колса, фирмалар ё ишлаб чиқаришни камайтиради ёки товарлар нархини туширади. Тескарсини содир булиб, товарлар

керагидан ортикча сотилса, товар запаслари ейилади, натижада эса нарх кутарилади еки ишлаб чикариш купайтирилади. Шундай килиб:

$$\boxed{\text{Миллий махсулот}} = \boxed{\text{Мулжалланган жами харажатлар}} +$$

$$\boxed{\text{Товар моддий захираларда мулжалланмаган инвестиция}} = \boxed{\text{Жами амалга оширилган харажат}}$$

бошкача килиб айтганда:


$$\boxed{\text{Жами таклиф}} = \boxed{\text{Жами талаб}} + \boxed{\text{Мулжалланмаган моддий товар захираларидаги инвестиция}}$$


Шундай килиб, уй хужаликлари фирмаларни ишлаб чикариш омиллари билан таъминлаб турадилар, улар эса бу омиллардан фойдаланиб товар ва хизматлар ишлаб чикарадилар. Бунга айирбош сифатида корхоналар уй хужалиklarини даромадлар билан таъминлаб борадилар, бунга эса уй хужаликлари фирмалар томонидан ишлаб чикарилган товар ва хизматларни сотиб оладилар.

Агар уй хужаликлари сотиб олишга камрок сарф килсалар, фирмалар ишлаб чикаришни кискартиришга, ишловчиларни кучага хайдашга мажбур буладилар. Бунинг окибатида уй хужалиklarининг даромади янада камайиб кетади, уларнинг сотиб олиш имкониятлари пасаяди. Демак, макроиктисодиёт мана шу харажатларни озгина камайиши мамлакатда катта муаммоларни келтириб чикаришга йул куймаслик чораларини кидиради.

2-саволга жавоб.

Биз хозиргача, доиравий айланишнинг давлатсиз тахлил килдик. Энди бу доиравий айланишга давлат блокининг кушиб куриб чикамиз. Хозирги замон иктисодиётида давлатнинг роли жуда катта ва у доиравий айланишга жуда кучли таъсир киладиган элементдир. Давлат секторини ролини инобатга олиб, доиравий модел куйидагича булади:





Бу моделдаги янги блокларнинг ва оқимларни куриб чикамиз:

а) ҳукумат (еки давлат) иктисодиётнинг энг кучли таъсир этувчи элементларидан булиб, ривожланган бозор иктисодиёти шароитида иктисодий тизимнинг бошқа элементлари билан асосан 3 йул билан боғланган:

- солиқлар орқали;
- давлат харидлари орқали;
- давлат қарзлари орқали.

Қолоқ иктисодиётда давлатнинг доиравий айланишда аҳамияти, мавқеи жуда катта булиб, унга анча нарса боғлиқ булади. У орқали утадиган оқимлар нисбатан жуда катта булади. Ҳукумат уй ҳужаликлари билан солиқ ҳамда трансферт туловлари орқали боғланган. Аҳоли уз даромадларининг бир қисмини давлатга ажратади, бу солиқ ҳисобланади. Ҳукумат уз навбатида давлат бюджетидан аҳолига хилма-хил ижтимоий ердамлар қурсатади (нафақа, стипендия, пособия). Буларни трансферт туловлари дейилади. Соф солиқлар деганда, бутун солиқлардан давлатнинг аҳолига қайтариладиган трансферт туловларини айириб, қолган қолдиққа айтилади.

Ҳукумат молия бозорлари билан давлат қарзи орқали боғланган. Агар бюджет дефицитли бўлса, ҳукумат аҳолидан, фирмалардан молия бозори орқали қарз олади. Агар бюджет ижобий сальдога эга бўлса, ҳукумат аҳолига,

корхоналарга, молия бозори оркали уз карзларини кайтаради. Шунинг учун оким икки томонлама характерга эга. Хатда иккала томондан ҳам окиб туради.

Хукумат махсулот бозорлари билан давлат харидлари оркали боғланган. Хукумат уз олдида куйилган вазифаларни бажариш учун унга моддий ресурслар керак. Буларни у бюджет хисобидан махсулот бозоридан харид килади. Хукумат фирмалар билан дотация еки субсидия оркали боғланган бўлади. Колок иктисодиётда хукумат билан фирмалар уртасидаги оким катталиги билан фарк килади.

Хукумат давлат секторига эга бўлганлиги учун, у ресурслар бозори билан ҳам алоқа қилиб туради.

Аҳолининг истеъмол бозорида пулини ишлатмайдиган қисми - бу,

а) соф солиқлар, улар давлат ихтиерига қелиб тушади ва б) молия бозорига ишлатиладиган жамғармалардир. Булар махсулот ва даромадлар доиравий оборотидан «окиб кетувчи» (утечка) дейилади. «Утечка» ва истеъмолга кетадиган харажатлар миллий даромадга баробар бўлади.

Бундан ташқари, оила харажатлари бўлмаган 2 тур товар ва хизматларга қилинадиган харажатлар бор. Булар инвестиция ва давлат харидларидир. Бу оқимлар доиравий оборотга қилинадиган «инъекция» лар дейилади. Истеъмолга қилинадиган бутун харажатлар ва «инъекция» доим миллий даромадга тенг.

$$\begin{array}{ccccccc} \text{Миллий} & & \text{истеъмол} & & & \text{давлат} & & \text{истеъмол} \\ \text{махсулот} & = & \text{харажати} & + & \text{инвестиция} & + & \text{хариди} & = & \text{харажарлари} & + \end{array}$$

$$\text{жамғармалар} + \text{соф солиқлар} = \text{Миллий даромад.}$$

Бу нисбат иктисодий тизим мувозанат ҳолатда бўлганда ҳам, мувозанат бўзилганда ҳам тугриkdir.

Давлат доиравий айланишга 3 хил йул билан таъсир килади:

- а) солиқларни манипуляция қилиб (бевосита таъсир);
- б) давлат харидларини қупайтириш еки қамайтириш йули билан (бевосита таъсир);
- в) пул миқдорини узгартириш оркали (билвосита таъсир).

3- саволга жавоб.


Чет эл сектори ҳам иктисодий тизим билан уч усул билан боғланган:

- а) товар ва хизматлар импорти;

б) товар ва хизматлар экспорти;

в) хар хил халкаро молиявий операциялар (карз олиш ва карз бериш, реал ва молиявий активларни олди - сотдиси...).

Капитал хам, товар экспорти хам мусбат ва манфий булиши мумкин...



Миллий истеъмол инвестиция давлат
Махсулот = харажатлари + харажатлари + хариди + экспорт

– импорт = Истеъмол + жамгарма + соф солик = миллий даромад.

Агар истеъмол харажатларини чикариб ташласак, куйидаги холат булади:
Инвестиция + давлат + экспорт = жамгарма + соф солик + импорт

Харажати хариди

Бу тенглик шуни курсатадики «инъекция» нинг бутун суммаси «утечка» нинг умумий суммасига тенг. Айланма окимлар моделининг асосий хулосаси куйидагича: реал пуллик окимлар, уй хужаликларининг, фирмаларнинг, давлатнинг ва колган дуне ишлаб чикаришнинг ички тизимга боглик булган хиссасининг умумий хажмининг харажатларини умумий хажмига тенглиги асосида амалга оширилади. Агар ялпи талабни характерлайдиган умумий харажатлар камайса, унда бандлик ва ишлаб чикаришнинг умумий хажми тушади, бу эса умумий даромадни хам камайтиради, уз навбатида ялпи талабни камайтиради. Шунинг учун макроиктисодий сиёсатнинг бош масаласи ялпи талабнинг мувозанатини саклашдир.

Бу масалани хал килишда макроиктисодиёт фанининг хар хил йуналишлари вакилларининг фикрлари хар хил. Кейнс йуналиши вакиллари умумий харажатларни давлатнинг харажатлари, соликлари ва пул таклифини мувозанатга солиш оркали мувозанатни тиклашни тугри деб хисоблайдилар. Монитаристлар эса факат пул массасини узгартириш бу иктисодий мувозанатга келтиришнинг энг кулай воситаси деб хисоблайдилар.

Неоклассик йуналиш вакиллари макроиктисодий бошкаришни аста – секинлик билан маош ва нархларнинг тенденциясини узгартириш билан олиб боришини таклиф килишади. Неоклассик моделда нархлар ва маошлар бозор конъюктурасига караб узгаради. Неоклассиклар иложи борича «инъекция» ва «утечка» ларни минумимга келтириш тарафдорларидирлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Доиравий айланишни кандай тушунаси?
2. Доиравий айланишнинг асосий блоклари кайсилар?
3. Доирвай айланишда оким ва захира тушунчаси нимани билдиради?
4. Доиравий айланишда давлат кандай роль уйнайди?
5. Доиравий айланиш ташки секторсиз була оладими?
6. Соф солик деганда нимани тушунаси?



МИЛЛИЙ ИКТИСОДЁТ ХАЖМИ, ТАРКИБИ ВА ДИНАМИКАСИНИ УЛЧАШ.

(2 соат)

РЕЖА:

1. Миллий махсулот ва унинг курсатгичлари.
2. ЯММни улчаш усуллари:
 - А) пировард фойдаланиш буйича;
 - Б) ишлаб чиқариш буйича;
 - В) таксимлаш усули буйича.
3. ЯММ дефлятори.
4. ММ ҳисобларидаги камчиликлар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Долан Э., Дейвид Е. Макроэкономика. Санкт-Петербург. 1994 г. гл. 23.
2. Долан Э., Кемпбелл К., Кемпбелл Р., . Деньги банковское дело и денежно-кредитная политика. М. Гл.1.
3. Фишер С. Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. М. 1993 г. гл.24
4. Макконнелл К., Брю С.. Экономикс. 1992 г. М. Т1.гл.9.
5. Войтов Л. Экономика. М. 1999 г.
6. Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. М. 1994 г. гл.2., 3.

1-саволга жавоб

Мамлакат микесида ишлаб чиқариш ҳажмини номинал жихатдан ўлчовчи энг кулай курсаткич – бу ялпи миллий махсулот (ЯММ). Адабиётларда инглиз тилида QNP – gross national product.

Назарий жихатдан ЯММ маълум вақт давомида (одатда бир йил олинади) мамлакатнинг ички ресурсларини фойдаланиб ишлаб чиқарилган пировард товар ва хизматларнинг бозор қийматининг умумий суммасидир. Масалан Ўзбекистоннинг ЯММи 50 млрд. доллар, АКШники 7 триллион доллар, Японияники 5 триллион долларни ташкил этади. Бу мамлакатнинг иқтисодий қудратини курсатувчи асосий курсаткичдир.

ЯММни аниқлашда асосий ролни пировард товар ва хизмат тушунчаси ўйнайди. Мақсадга эришиш учун факат пировард истеъмолчига сотилган товар ва хизматларнинг хисобга олиш керак. Пировард истеъмолчи деганда е ички истеъмол учун, ё инвестиция учун, ёки давлат харидини амалга ошириш учун ёхуд экспорт учун ишлатилиши тушунилади.

Оралик товарлар – кейинчалик ишлаб чиқариш ресурси сифатида ишлатиш учун сотиб олинган товарлардир, улар ЯММга қушилмайди. Бошқача қилиб айтганда, ЯММни ҳисоблашда қушилган қиймат категориясини билиш керак. Қушилган қиймат корхона сотиш ҳажмидан ишлаб чиқаришни олиб бориш учун сотиб олинган материаллар қиймати айирмасидан иборат.

Мисол автомобиль ишлаб чиқариш учун: ишлаб чиқарилган товар -10 млрд. доллар. Минус: ишлаб чиқариш омиллари сотиб олиш харажатлари (шиша, покрывка, электр ускуналар, буюк ...) - 4 млрд. доллар. Жами: қушилган қиймат 6 млрд. долларни ташкил этади.

ЯММ ни ҳисоблашда қуйидагиларни инобатга олиш керак:

а) Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисми товар шаклига айланмайди, яъни ички истеъмолга кетади , бунини инобатга олиш керак.

б) ЯММга шу йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот қушилади. Айрим товарлар эса 2 ва ундан ортиқ йилда ишлаб чиқилиши мумкин, аммо охириги йилдагина ЯММга қушилади. Масалан, бино, катта кема неча йиллар қурилиши мумкин. Ҳисоблашда эса топширилган, яъни ишлаб чиқариш тугалланган йилда ҳисобга олинади.

в) ЯММ маълум мамлакат фуқароларининг мулки бўлган ички омил ҳисобида ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатида ҳисобланади. ЯММнинг бир қисми чет элда чиқарилиши мумкин ва тесқариси. Масалан, Москвада ишловчи Ўзбекистонлик қурадиган даромад Ўзбекистон ЯММга қушилади. Шу билан бирга Ўзбекистонда ишловчи америкалик қурадиган даромад АКШнинг ЯММга қушилади.

Шунинг учун ЯММ билан бирга ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) курсаткичи ҳам ҳисобланади. Инглиз тилида QDP- - gross demand product. Демак, ЯММ – ушбу мамлакат фуқароларининг даромади, бунга ушбу давлат фуқароларининг чет элда қулга қиритган даромадлари ҳам қиради, аммо ушбу давлатда бўлган чет элликларга мансуб бўлган ишлаб чиқариш омиллари туфайли қуриладиган даромадлар қирмайди.

ЯИМ – давлат территорияси ичида олган даромадлари қиради, лекин ушбу давлат фуқароларининг чет элда қулга қиритган даромади қирмайди.

ЯИМ билан ЯММ уртасида фарқ кам. Олдинги пайтларда дунёда ЯММ курсаткичи қуп ишлатилар эди, ҳозир эса ЯИМ. Сабаби, ЯММ учун материал йигин қийин, ЯИМ бўйича эса нисбатан осон. Шунинг учун иккинчиси қупрок ишлатилади.

2-саволга жавоб.

Макроиктисодиётнинг асосий курсаткичи бўлган ялпи ички маҳсулот уч хил усулда ҳисоблаш мумкин:

- а) харажатлар буйича (пировард фойдаланиш усули);
- б) ишлаб чиқариш буйича (ишлаб чиқариш усули)
- в) даромадлар буйича (таксимлаш усули).

ЯММ харажатлар буйича ҳисоблашда ҳамма иқтисодий агентларнинг харажатлари мажмуаси сифатида яъни, уй хужаликлари, инвесторлар, давлат (ҳукумат тимсолида) ва чет эл харидорлари (мамлакат иқтисодиёти товар ва хизматларидан сотиб олинган қисми) нинг суммаси сифатида ҳисобланади.

Буни формула жихатдан қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$QDP = C + I + G + X_n, \text{ бу ерда}$$

C - (consumption – истеъмолчи) – шахсий истеъмол харажатлари.

I – (investment- инвестиция) – ялпи инвестициялар.

G – (government – ҳукумат) - давлат харажатлари

X_n – (net export – соф экспорт) – товар ва хизматларнинг чет элга соф экспорти.

Шахсий истеъмол харажатлари уч қисмга ажратилиб ҳисобланади:

- а) узок муддатда фойдаланиладиган товарлар;
- б) қисқа муддатда фойдаланиладиган товарлар;
- в) хизматлар;

Хусусий сектор инвестицияси эса икки қисмга ажратилиб ҳисобланади:

- а) асосий капиталга инвестиция;
- б) тижорат товар захиралар микдоридаги узгаришлар;

Товар ва хизматларнинг давлат хариди эса ҳукумат структураси нуктаи назаридан ажратиб ҳисобланади:

- а) марказий ҳукумат харидлари;
- б) маҳаллий ҳукумат харидлари;

Товар ва хизматларнинг соф экспорти, одатда қуйидаги икки нарсанинг айирмаси сифатида аниқланади – экспорт, яъни чет эллик фуқароларнинг ушбу давлатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларининг ҳажмидаги улуши ҳамда импорт, яъни ушбу давлат фуқароларининг чет эл мамлакатларининг товар ва хизматларидаги улушининг ҳажми.

Шуни айтиб ўтиш керакки, соф экспортнинг улчами мусбат бўлиши ҳам, манфий бўлиши ҳам мумкин. Агар экспорт импортдан куп бўлса мусбат, импорт экспортдан куп бўлса манфий бўлади. Шундай қилиб, шу усул билан ҳисобланган ЯММдан асосий капитал истеъмоли билан боғлиқ бўлган ажратмаларни чиғириб ташласак, соф миллий маҳсулот (СММ) қолади. Инглиз тилида NNP (net national product) ёки NDP (net demand product). Бизга маълумки инвестиция ялпи ва соф инвестицияларга фарқланади. Соф инвестиция асосий капитални усишига олиб келади. Инвестициянинг анчагина қисми эскирган капитални урнини қоплашга кетади. Амалда буни аниқлаш қийин. Шунинг учун соф миллий маҳсулотни

хисоблашда «асосий капитални истеъмоли билан боглик булган ажратмалар» категорияси киритилган.

№	Секторлар	Компонент-лар	Символ	1986 йил, АҚШ буйича ЯММда хиссалар
1	Уй хужаликлари	истеъмол	С	65,6%
2	бизнес	инвестиция	I	16,3 %
3	давлат	хукумат	G	20,6%
4	Бошка дуне	Соф экспорт	Nx	-2,5%
		жами	QNP	100,0%

«Соф экспорт» смети мамлакат экономикасининг ташки дуне билан алокалари тугрисида тушунча беради. Кейинги 10 йилликларда бу алокалар дуне микесиди кенгайиб бормокда. Масалан, АҚШ 1960 йилда экспорт ЯММнинг 6% микдорига, импорт 5% ига баробар булган булса, 1990 йилда эса экспорт 12 %, импорт 13% ташкил этди.

Ташки тулов билан боглик операциялар факат товарлар экспорти – импорт операцияларини уз ичига олмайди, ундан ташкари, киска ва узок муддатли карзга товарлар экспорт – импорти, реал ва молиявий активларни сотиб олиш билан боглик операциялар (кучмас мулк еки киматбахо когозларни сотиб олиш), хар хил давлатларнинг хукуматлари, хусусий шахслар маблагларни халкаро кучиришлари (гуманитар ердам, чет элга кучиб кетишларига пенсия бериш, колок мамлакатлара ердам), марказий банк, хукумат органлари официал резервларни ташкил этиш учун пул кучиришларни уз ичига олади.

Назарий жихатдан жорий смети ва капитал маблаглар харакати смети микдоридан бир-бирига тенг булиши керак, бири мусбат булса, иккинчиси манфий булиши керак. Халкаро хисобларда фойдаланилган хар бир сум албатта уз манбаига эга булиши керак, шунинг учун тушган хар бир сум (+) ва унинг ишлатилиши (-) умуман олганда нолга тенг булиши керак.

ЯИМни ишлаб чикариш усулида хисоблаш учун мамлакат микесиди барча ишлаб чикарувчиларнинг ишлаб чикариш жараенига кушилган кийматлари хисобида аникланади. Бунда хар бир корхона ва тармокнинг хиссасини аниклаш мумкин. Бу усул билан хисоблаганда кейинги 8 йил ичиди Узбекистондан ЯИМ да тармокларнинг хиссаси куйидагича булган:

№	Тармок	1990	1995	1998
1	Саноат	22,4	20,0	18,0

2	Шу жумладан енилки энергетика мажмуаси	6,0	6,0	5,3
3	Металлургия комплекси	1,0	3,0	2,0
4	Машинасозлик	6,6	1,5	2,2
5	Енгил саноат	2,5	4,5	3,8
6	Озик-овкат саноати	0,5	1,0	1,0
7	Кишлок хужалиги	32,8	32,3	25,6
8	Савдо	3,0	5,2	8,3

ЯИМни даромадлар буйича хисоблашда барча субъектларнинг бандлиги туфайли оладиган даромадлари йигиндиси сифатида хисобланади. У куйидагилардан иборат:

- аҳолининг уй хужаликлари уртасида таксимланадиган ялпи меҳнат даромадлари (иш хаки - wages);
- хусусий ва тадбиркорлар уз фаолиятлари туфайли курадиган даромад (фойда – profit, рента – rent, фоиз – payment).

Кенгрок килиб олсак, куйидагича булади:

I. ишловчиларга туланадиган ҳақ.

а) иш хаки ва хизмат хаки;

б) кушимча туловлар.

II. Индивидларнинг пулли рента даромади.

III. Соф фоиз.

IV. Фирмалар фойдаси.

а) дивиденд;

б) корхонанинг фойдадан олинадиган солиги;

в) таксимланмаган фойда;

г) товар захиралар кийматидаги узгаришлар ҳисоби ва асосий капитал қарзсизланиши ҳисоби.

V. Мустакил банд булганларнинг даромади.

Соф фоиз деганда, умумий фоиз билан пулни аккумуляция қилиш учун туланадиган фоиз уртасидаги фарқ тушунилади.

Формула жихатдан куйидагича езиш мумкин:

$$ODP = W + RENT + P + S + D + IBT$$

Бунда, W – иш хаки, RENT - рента, P – фойда, S – фоиз, D – (depreciation) – амортизация ажратмалари, iBT – (indirect business taxes) – бизнесга эгри соликлар.

ЯИМдан амортизацияни ажратсак, СММ келиб чиқади, ундан эгри соликлар (iBT) ва унчалик аҳамият қасб этмайдиган статистик фарқлар олиб ташласак миллий даромад (Ni- national income) келиб чиқади.

Шундай қилиб, миллий даромад формуласини куйидагича езиш мумкин:

$$Ni = W + Rent + P + S$$

Ёки

$$N_i = NDP - iBT$$

Эгри соликлар – бу ишлаб чиқарувчилардан давлат томонидан, уларнинг даромадига киритмасдан (товар баҳосига қўшилган бўлса ҳам) олинадиган хар хил соликлардир. Бу: НДС (қўшимча қиймат солиғи), акциз, мулкдан олинадиган соликлардир.

«Статистик фарк» – бунинг сабаби ЯММ пипровард фойдаланиш бўйича ҳисобланади, миллий даромад эса тақсимот принципи асосида ҳисобланади, шунинг учун ҳисоб- китоб канчалик аниқ бўлмасин улар уртасида фарк бўлади. АКШ дек ҳисоб- китоб яхши йулга қўйилган, мамлакатда одатда бу ЯММнинг 1 фойизидан кам миқдорни ташкил этади.

Миллий дармад - оила ҳужаликларининг даромадини курсатувчи курсаткич ҳисобланади. Аммо даромаднинг бир қисми оилаларга етиб келмайди. Масалан, табиий ресурслар ва капиталдан қўриладиган даромаднинг бир қисми корхоналар узида йиғилади, яъни фойда еки дивидент сифатида тақсимланмайди. Миллий дармаддан ижтимоий сугурта фондига туловларни, корпорация фойдасига қилинадиган солиқ, тақсимланмаган фойда ва трансферт туловларини қиғириб ташласак шахсий даромад қолади. Шахсий даромад уй ҳужаликларининг хақиқий даромади сифатида қиқадиған категориядир.

3-саволга жавоб

Баҳолар хар хил динамиқага эға, оқибатда вақт утиши билан йиллар бўйича ҳисобланған ЯММ бир биридан узоклашаверади. Шу фарқни қамайтириш учун дефлятордан фойдаланилади.

ЯММ дефлятори – бу қўплаб товарлар нархидан узғаришларни инобатга олувчи, инфляция таъсирини (номинал ЯММга) ҳисобга олувчи курсаткичдир. Баҳо узғаришини аниқлаш учун одатда базис йил танлаб олинади (АКШда 1972, 1982 й танлаб олинған).

Уртача баҳо даражасини аниқлашнинг 2 усули бор:

а) базис йил 1 деб олинади, шунга қараб баҳо даражаси аниқланади (мас.1,263).

б) базис йил курсаткичи 100 деб олинади, шунга қараб баҳо индекси аниқланади (мас.126,3%).

ЯММ дефляторидан фойдаланиш. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$\text{Жорий йилнинг реал ЯММ курсаткичи} = \frac{\text{Жорий йилнинг номинал ЯММ}}{\text{Дефлятор}}$$

Жорий йилнинг баҳо даражаси

ЯММ дефлятори кенг товарлар нархининг уртача индекси булса ҳам, практикада истеъмол товарлар баҳоси индекси машҳурдир. Бунда одатдаги шаҳар хужалиги сотиб оладиган «истеъмол халтаси» инобатга олинади. Бу курсаткич амалиётда (иш хакини, нафакани индекслаштиришда) кенг кулланилади. Амалиётда яна ишлаб чиқарувчилар баҳолари индекси кулланилади. Бунда хом-аше, материаллар, ярим фабрикатлар баҳоси индекси олинади. Бу фирмаларнинг узаро ҳисоб китобида, прогнозларда кулланилади.

«Миллий даромад счетлари канчалик ишончли ?» деган савол тугилади. Бунда 4 та муаммони куриб чиқиш керак:

- 1) счетларда берилган маълумотларнинг аниқлиги ва уз вақтидалиги муаммоси.
- 2) Расмий маълумотларда яширин иқтисодиётдаги фаолиятни ҳисобга олиш муаммоси.
- 3) Баҳолар индексини аниқлашда систематик хатолар муаммоси.
- 4) Ҳаёт даражасини номоддий томонларини ҳисобга олиш муаммоси.

1. Афсуски, одатда ЯММ микдорини аниқлашда аниқлик билан уз вақтидалиқдан бирини танлашда тугри келади, яъни агар маълумот аниқ булсин десангиз, у кечикиб кетади, уз вақтида булсин десангиз аниқлиги камайиб кетади. Маълумот аниқ булмаса, еки кечикса ҳукумат раҳбарларининг мос иқтисодий фаолият олиб боришига ҳалакит беради.
2. Иқтисодий активлик даражасини аниқлашда, официал ҳисобларда иқтисодиётнинг қуринар қисми ҳисобланади. Аммо жуда катта қуринас сектор ҳам мавжуд, бунда ишлаб чиқариш жараени, истеъмол, инвестиция содир буладию, маълумотларда бу булмайди (нарқобизнес, уйин бизнеси, уй бекаларининг ишлаши, натурал хужалик ишловлари, водопроводчининг чапга ишлаши...). АКШдек энг ривожланган мамлакатда яширин иқтисодиёт ҳиссаси тахминан 10%, Францияда 30%, Италияда 40%, қолоқ мамлакатларда ундан ҳам қуп, аниқ бир нарса дейиш қийин.
3. 20 асрнинг 70 йилларидан иш хақи, пенсиялар индексация қилина бошлаши билан баҳолар индексини аниқлашдаги қатоликлар қупайди. Бу индексни реал ҳолатдан юқори олинганми, пастми буни аниқлаш, кейин уни қорректуровка қилиш қатта муаммодир.
«Истеъмол халтаси» (Потребительская корзина)га олинандиган товарлар структураси, аҳамияти вақт утиши билан узғариб боради (масалан, олдин АКШда гушт қуп истеъмол қилинар эди, ҳозир денгиз маҳсулотлари ва х.к.) бу узғаришларни баҳолар индексиде ҳисобга олиш эса қийин. Одатда аҳоли нархи тез усадиган маҳсулотларни қамрок олади, секин


усадиганларни купрок олади. Яна бир хато истеъмол товарлар бахосини аниқлашда товар сифатидаги узгаришлар ҳисобга олинмайди. Масалан, 1990 йил автомобили, 1970 йилникига нисбатан 3 марта қиммат деб бўлмайди, чунки уларнинг сифати анча фарқ қилади. 1960 йил, масалан калькулятор 1000 доллар бўлган, 1990 йилга 1000 долларга компьютер сотиб оласиз, калькулятор эса 5 доллар.

4. ЯММ ни курсаткичларини ҳисоблашдаги охириги муаммо, бу шуки у факат ҳаётнинг моддий томонларини ҳисобга олади, номоддий томони ҳисобга олинмайди. Атроф - муҳит сифати, миллат саломатлиги ва бошқалар (номоддий курсаткичларнинг чеки йук десак бўлади) уз ишидан қониқиш, дустлик муносабатлари, қариндош уруғчилик, социал адолат, иқтисодий тенглик, озодлик ва ҳ.к. афсуски буларни миқдоран улчаб бўлмайди. Шунинг учун ЯММни халқ фаровонлигининг ҳақиқий курсаткичи дейишга ишонмаслик керак, айрим даврлар, айрим регионлар, айрим давлатларда ҳаётнинг номоддий томонининг аҳамияти ва урни ҳар хил.

ЯММ ва бошқа макроиқтисодий курсаткичларни ҳисоблашни америкалик олим Сойман Кузнец (1972 йил Нобель мукофоти лауреати) таклиф қилган методика бўйича ишлаб чиқилган.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ялпи миллий маҳсулот билан ялпи миллий маҳсулот фарқи нимада?
2. ЯММ ни ҳисоблашнинг неча ва қандай усуллари бор?
3. ЯММ ҳисоблашнинг нега куп усуллари қулланилади?
4. Миллий ҳисоблаш тизимининг ҳисоблари қанчалик ишониб бўлади?
5. Соф миллий маҳсулот қаттами миллий даромад қаттами?
6. Макроиқтисодий курсаткичларни методикасини қим ишлаб чиққан?



ИҚТИСОДИЁТДА МУВОЗАНАТ ВА БАҲАҚАРОРЛИК.

(2 соат)

РЕЖА:

1. Мувозанат хакида тушунча. Мувозанат турлари.
2. Макроиктисодий баркарорлаштириш ва ундаги ендошувлар.
3. Макроиктисодий баркарорлаштириш сиёсати.
4. Узбекситонда иктисодиётни баркарорлаштириш.

А Д А Б И Ё Т Л А Р :

1. Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. М. 1994 г. ГЛ. 12,16.
2. К.Макконнелл, С. Брю. Экономикс. 1993 г. М. Т.1. ГЛ. 14,17,18,20.
3. Фишер С. , Дорнбуш, Шмалензи Р. . Экономика. М. 1994 г. гл. 29,31,34.
4. Э. Долан, Е.. Макроэкономика. Санкт-Петербург. 1994 г. Гл. 15.
5. Э.Долан, Кемпбелл, Р.Кемпбелл Деньги, банковское дело и денежно кредитная политика. Гл. 17,20.
6. Хейне П. Экономический образ мышления гл 22.
7. З.Йулдошев, М.Косимов. Макроиктисодиёт асослари. Т. 1994 йил. 6,7,8 бетлар.

1- саволга жавоб

Мувозанат – бу шундай ҳолатки, иктисодий қарор қабул қилувчилар ўз режаларини ўзгартиришда ҳеч қандай мотивга эга эмаслар.

Иктисодий мувозанат 2 хил усул билан урганилади. Биринчи усулда хусусий мувозанат урганилади. Бунда бир, икки, еки бир неча бозорлар бошқа иктисодиётдан ажралган ҳолатда иктисодий таҳлил қилинади.

Иккинчи усул ердамида умумий мувозанат урганилади. Унда барча иктисодиёт унинг барча иктисодий алоқалари билан ўзвий бирликда, кенг қуламда тадқиқ қилинади.

Ўшбу икки усулнинг қайси биридан фойдаланиш изланиш мақсадига, урганилаётган аниқ бозор ҳолатига боғлиқдир.

Мисол учун, қандайдир сабабларга қура картошканинг нархи ошган бўлсин. Ў ҳолда хусусий мувозанат нуқтаи назаридан картошкага талаб қамаяди. Агар бошқа озик - овқат маҳсулотларининг баҳоси картошканинг баҳосидан қупрок ошадиган бўлса, картошкага бўлган талаб янада ошади. Ер эгалари эса ерларига қандай маҳсулотдан қуп фойда олинадиган бўлса ўша маҳсулотни эқадилар.

Картошка етиштирувчи ҳужалиқлар даромадларининг қупайиши ўларнинг ишлаб чиқариш ресурсларига (трактор, қомбайн қабиларга) бўлган эҳтиёжларини ҳамда истеъмол товарларига (мебель, қийим қабиларга) бўлган эҳтиёжни оширади. Натижада юқорида қурсатилган товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига бўлган талаб ҳам қупаяди, мос равишда тақлиф ва ўларнинг даромади ҳам қупаяди.

Бундай мураккаб жараенларнинг ижтимоий - иктисодий окибатларини умумий иктисодий мувозанатни таҳлил қилиш билан урганиши мумкин.

Умумий иктисодий мувозанатни урганиш билан биргаликда аниқ бир бозорнинг хусусий мувозанатини урганиш ҳам зарурдир. Умумий иктисодий мувозанатни урганиш макроиктисодиётнинг асосий вазифаларидан биридир. Макрокуламда ташкил этилган мувозанат республика иктисодиётининг барқарорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Иктисодиётнинг барқарорлиги уз навбатида иктисодий узиш суръатларини жадаллаштиришга шарт - шароит яратади. Шу сабабли макрокуламда мувозанатга эришиш барқарорлаштириш муаммоси биргаликда урганилади.

Иктисодиётнинг соҳалари уртасида мувозанат борлигини исботлашга биринчи бўлиб XVIII аср Франция (авваломбор, Француа Кенэ) иктисодчилари уриниб қурганлар. Уларнинг гоёларини Карл Маркс давом эттирган («Ижтимоий капитални такрор ишлаб чиқариш» схемалари).

Умумий мувозанат назариясининг яратилишида Леон Вальрас (1834 - 1910) маржинализм асосчиларидан бири, Француз иктисодчиси, жуда катта роль уйнаган. У меҳнат - харажат курсаткичларидан ишлаб чиқариш омилларини ажратиб олди. У меҳнатнинг қиймат назариясини танқид қилиб, ҳамма омилларни бир курсаткичга келтириб бўлмади. Хар бир омил уз кадрига, уз фойдалигига ва ноеблигига эга дейди.

Мувозанатда ялпи маҳсулот (ялпи тақлиф) ялпи талабга мос келади. Мос келмаслик мувозанатни бузилганлигини бирдиради, уни эса тузатса бўлади деб ҳисоблайди Вальрас. У хар бир товар бўйича мувозанат нуктаси нафликнинг максимумига тенг деб ҳисоблайди. Вальрас епик, идеал ҳужаликда иктисодий тизимнинг мувозанат ҳолатини «Вальрас тенглиги» орқали математик усулда ҳисоблашга ҳаракат қилган.

Энди макроиктисодий мувозанат хусусиятларини қуриб чиқамиз:

1. Инфляция ялпи тақлифнинг ялпи талабга нисбатан кам бўлиши туфайли содир бўлади, чунки ялпи талаб ошмаса нарх узишига асос йук. Аммо ялпи талабнинг ортикча бўлиши бошқа сабаблар туфайли ҳам содир бўлиши мумкин, жумладан, давлат бюджетининг камомадлиги еки пул экспансияси.
2. Макроиктисодий мувозанат тулик бандликни кафолатлай олмайди.
3. Макроиктисодий мувозанатда импорт ҳажми экспорт ҳажмидан ортик бўлиши мумкин, демак давлат ташки қарзни ошира бошлайди. Бунга тесқари ҳолатда эса валюта захиралари солиқ тушумларидан ошиб тушса, давлат бюджетининг дефицитлиги еки ташки қарз ҳисобидан ехуд қушимча пул эммисияси орқали молиялаштирилади.

2- саволга жавоб

Бозордаги мувозанатни баркарорлаштириш нафакат ишлаб чиқарувчиларни ва харидорларнинг манфаатига жавоб беради. Баркарор мувозанатни таъминлаш давлатнинг ҳам иктисодий сиёсати ҳисобланади, чунки у миллий иктисодиётнинг усиш суръатларини баркарорлиги учун шароитни ҳам таъминлайди.

Давлат иктисодиётни мувозанатлаштириш учун турли иктисодий, ҳукукий, ташкилий механизмларидан фойдаланади. Мисол учун товарни баҳоси паст бўлган даврда уни улгуржи нархда ишлаб чиқарувчилардан сотиб олади. Демак, талаб купаяди ва натижада унинг баҳоси кутарилади. Товар нархи ошган даврда эса давлат шу товар таклиф ҳажмини кенгайтиришга ҳаракат қилади, натижада бозордаги товарнинг баҳоси маълум кийматга арзонлашади.

Баркарорлаштириш сиёсати – бу макроиктисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига, оммавий ишсизликка ва юқори суръатлардаги инфляцияга йул қуймасликдир.

Баркарорлаштириш сиёсатининг максади бошқариб бўлмайдиган ички ва ташқи мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тугрилашдан иборат. Баркарорлаштириш жуда мураккаб ва ҳар доим актуал вазифадир. Агар давлат бунга кам эътибор берса, оқибати яхши бўлмайди.

Собик СССРда танглик йук, иктисодиёт доим баркарор, агар баркарорлик бузилса, «доно» давлат план кумитаси, марказком дарров изга солади деб уйланад эди. Ишлаб чиқарилган ҳар қандай нарса ижтимоий фойдалидир, деб ҳисобланад эди. Натижада эса ҳеч қимга кераксиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилад эди. Албатта СССРнинг хонавайрон бўлишига куп омиллар таъсир қилган, жумладан ҳал қилувчи ролни моддий манфаатдорлиги йуклиги уйнаган. Аммо макроиктисодий сиёсатга эътибор бермаслик ҳам жуда катта роль уйнаган.

Шу уринда собик СССРнинг нисбатан жадал усишига ердам берган 3 та омилни санаш мумкин: а) катта капитал маблағлар; б) фан ва маорифга ривожланган давлатларига қараганда куп капитал ажратганлиги; в) каттик эксплуатация қилинган меҳнатсевар ҳалқ. Буларсиз аҳвол янада тангрок , давлатнинг умри янада қалтарок булар эди.

3-саволга жавоб

Макроиктисодий сиёсатда биринчи навбатда 2 хил ендошувни ажратадилар:

А) Классик ендошув

Б) Кейнсча ендошув.

Классик йуналиш вакиллари пассив макроиктисодий сиёсат тарафдорларидирлар.

Кейнс йуналиш вакиллари эса актив макроиктисодий сиёсат тарафдорларидирлар.

Кейнсча қараш ҳозирги замон макроиктисодиёт тугилган вақтдан (20 асрнинг 30 йилларидан) то 20 асрнинг 70 йилларигача куплаб мамлакатларда устунлик

килар эди. Хозирги замон кейнсчилари : Нобель мукофоти лауреатлари – Поль Самуэльсон, Франко Медильяни, Роберт Солоу (Массачуста технология институтиди), Джейн Тобин (Йеллдан) ва Лоуренс Клейп (Пенсильваниядан).

Кейнсчилар эркин бозор тугма касалликларига эса, у иктисодий баркарорликни таъминлайдиган механизмга эга эмас. Шунинг учун давлат иктисодиётни баркарорлаштиришда актив роль уйнаши керак. Тез кутарилиш ва тез тушишларга карши дискрет фискал ва пул кредит сиёсатларини олиб бориши керак, деб хисоблайдилар. Давлат тадбиркорликни куллаб - кувватлаши ва иктисодиётни таркибий кайта куришни ташкил килиш ишларини амалга оширишга кумаклашиши керак , деб хисоблайдилар.

Классик йуналишга нобель мукофоти лауреатлари Мильтон Фридман (1976 йил, Чикаго университети) ва Фридрих фон Хойск (1977 йил, Лондон университети) ни курсатиш мумкин. Классиклар бозор ракобати системаси юкори даражадаги макроиктисодий баркарорликни таъминлаб бера олади, агарки унга давлат аралашмаса деб карайдилар. Давлат аралашуви бозор иктисодиётининг макроиктисодий баркарорлик кобилиятини йукотади. Бундан ташкари давлат чукур уйланмасдан килинадиган чора - тадбирлари бозор системанинг бекарорлигини кучайтиради. Давлат бошқаруви – бюрократик, самарасиз, зарarli индивидуал ташаббус, хатто сиесий хатолардан холи эмас, у бекарорликни кучайтиради. Давлат секторига кейнсчилар ва классикларнинг карашлари диаметрал бир-бирига карама - карши. Кейнсчилар давлат тадбиркорлиги тарафдори. классиклар эса давлат тадбиркорлигига каршидирлар.

Кейнсчилар назарияси асосий эътиборни жами харажатлар ва уларнинг компонентларига каратади ($CMM = Ca + In + Q + Xn$)

Классиклар эса алмашув тенглигига каратади: ($MV = PQ$, бунда M – пул таклифи, V - пул харакатининг тезлиги, P – бахо даражаси Q - ишлаб чиқаришнинг жисмоний хажми). Классик йуналишнинг бир мактаби монетаристлар пул таклифини ишлаб чиқариш даражаси, бандлик ва бахони аниқловчи ягона омил деб хисоблайдилар. Монетаристлар пул муомаласи тезлиги баркарор, унга таъсир этувчи омиллар секин - аста узгаради, уни олдиндан куриб билиб булади , дейдилар. Аҳолига зарур пул ЯММ нинг номинал хажми билан аникланади. Кейнсчилар V ни бекарор хисоблайдилар. Улар асосий эътиборни фискаль сиёсатга каратадилар. Монетаристлар эса фискаль сиёсатни натижаси кам сиёсат деб карайдилар. Монетаристлар кейнсчилар куллайдиган «арзон» ва «киммат» пул-кредит ситесатини олиб бормасликни маслахат берадилар. Унинг урнига монетарча коидани : ЯММ нинг реал йиллик усишига мос пул таклифини килиш керак дейдилар. Аммо хозирча бирор банк (давлат банки) хали кулламапти.

Монетаристларга нисбатан, янги классик йуналишнинг куйидаги 2 назарияси алохида ажралиб туради: бу таклиф иктисодиёти назарияси ва рационал кутиш назариясидир.

70 йилларнинг урталаридан рационал кутиш назарияси кенг таркала бошлади. Рационал кутиш назарияси (РКН) янги классик мактабининг йуналишларидан биридир. Унинг вакиллари Роберт Льюкас (Чикаго), Томас Сарджей ва Нейл Уоллес (Миннессотидан) лардир. РКН си тарафдорлари кишилар узларини доимо окилона тутадилар деб хисоблайдилар. Бозор субъектлари нарсаларга нисбатан маълумотларни йигадилар ва маъносига етишга ҳаракат киладилар, шунга қараб уз ҳаракатларини киладилар. «Окил» одамлар ҳар қандай информацияни, ҳатто давлат қандай иқтисодий сиёсатни олиб борапти шуни ҳам фойдаланадилар. Бу эса иқтисодиётдаги узгаришларнинг оқибатини олдиндан кура билиш имконини беради. Чунки «окил» одамлар уз фаровонлигини максимумлаштирадиган қарор қабул киладилар. РКН ҳар қандай янги информация жуда тез талаб ва таклиф эгрилигига таъсир қилиб, мувозанатни тиклайди, улар дискрет барқарорлаштириш сиёсатини фойдасиз деб хисоблайдилар.

Қуп иқтисодчилар РКН қушилмайдилар, уларнинг аргументлари :

- а) кишилар (истеъмомчилар, ишлаб чиқарувчилар, ишчилар) экономика функция қилиши билан боглиқ бўлган ҳар бир маълумотнинг маъносига чуқур етмайдилар.
- Б) қуплаб бозорлар соф рақобатли эмас, улар дарров шароитга мослаша олмайди.
- В) кредит – пул ва фискаль сиёсат ҳақиқатдан ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлиқ даражасини узгартира олади.

Кейинги 10 йилликда иқтисодчиларнинг классик иқтисодий тарафдорлари иқтисодиёт ишлашининг ва стагфляциянинг асосий сабаби меҳнат унумдорлигининг ва реал ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг паст даражада бўлаётганлиги деб қарайдилар.


Таклиф иқтисодиёти назариясининг кейнсча назария стагфляция билан беллаша олмайди, чунки уларнинг назарияси марказида жами талаб турибди. Кейнс уз назариясини 30 йилларда яратган ва асосий эътиборни ишсизлик ва ортиқча қувватлар муаммоларига қаратган. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва жами таклиф Кейнс моделида пассив роль ўйнайди.

(Артур Лаффер – таклиф иқтисодиёти назарияси вакилларидан бири). Таклиф иқтисодиёти назарияси тарафдорлари инфляция ва ишсизлик даражасини аниқлашда жами таклиф актив роль ўйнайди деб хисоблайдилар. Иқтисодий узгаришлар талаб томонидан ҳам, таклиф томонидаги узгаришлар туфайли ҳам қилиши мумкин дейдилар. Улар солиқларнинг қатта қисми охири - оқибат тадбиркорларнинг ҳаражатларига айланади ва нисбатан юқори баҳо сифатида истеъмомчилар бўйнига қуйилади. Солиқлар ҳаражатлар инфляциясини қучайтириш эффектини қилтириб қиради. Улар солиқлар меҳнат қилиш, инвестиция, ишлаб чиқаришни янгилаш ва тадбиркорлик таваққилини ўзига олиш стимулига салбий таъсир этади. Меҳнат интенсивлиги ва унинг ўзққ муддат давомида бўлиши солиқлар тулангандан кейин қоладиган даромадга боглиқ. Хилма – хил трансферт туловлар (пенсия, нафақа, стипендия) меҳнат қилиш стимулини қадрсизлантиради. Инвестиция (жамғариш) ҳам худди шундай.

Таклиф иктисодиёти назарияси тарафдорлари тартибга солиш шаклидаги давлатнинг иктисодиётга аралашуви меҳнат унумдорлиги ва харажатларига салбий таъсир этади. Структуравий тартибга солиш айрим тармоқларга (масалан, алоқа, транспорт...) легал монополия ҳуқуқини беради. «Умумсоциал» тартибга солиш ҳам бизнес олиб бориш учун ортиқча харажатга, у эса стагфляцияга олиб келади.

Таклиф иктисодиёти назариясининг гоյлари Рейганомикада қулланилган.

Лаффер эгрилиги



Солик даражасининг паст бўлганида ҳам, қўп солик тушиши ҳам мумкин дейди Артур Лаффер.

Бу назарияни танкид қилувчилар ҳозирги замон иктисодиётида Лаффер эгрилигида қай бир нуктада N га еки I га яқинми, шуни аниқлаб бўлмайди деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда, макроиктисодий барқарорлаштириш жуда мураккаб жараён бўлиб, у қуйидаги қийинчиликлар билан ҳам боғлиқ:

1. Вакт лагаси. Бу уз навбатида 2 ажратилади а) ички лаг – иктисодий шок еки касалликнинг бошланишидан то иктисодий сиёсатда жавоб чоралар қургунча бўлган вақт. Б) ташқи лаг - қарор қабул қилингандан то натижа бергангача бўлган давр.
2. Иктисодий маълумотларнинг такомил эмаслиги.
3. Иктисодий қутишларнинг узгарувчанлиги.
4. Тарихий аналогларнинг бир-бирига мос эмаслиги.

Мувозанатни таъминлаш учун ҳукумат қайси позицияда туриши жуда мураккабдир. Бунини қуйидаги мисолда қуриб чиқамиз. Давлат бозоридаги баҳоларнинг кескин узғаришининг олдини олиш ва мувозанатни таъминлаш учун «товар интервенцияси» билан шугулланиши керакми? Аввал давлатнинг товар интервенциясига қарши далилларни келтирамиз ва сунгра оқловчи далилларни келтирамиз.

а) давлатнинг амалдорлари товар интервенциясини утказишда узларининг маблаглари билан эмас, балки давлат (халк) нинг маблагларидан чайковчилик киладилар. Хусусий чайковчи узининг хатолари учун узи моддий жавоб беради. Давлат амалдорларининг хатоси эса солиқ туловчиларининг зиммасига тушади. Шунинг учун давлат амалдорлари бирор бир қарор қабул қилсалар, хусусий тижоратчиларга қараганда улар унга қамроқ масъулдирлар. Бундан ташқари, баъзи ижтимоий гуруҳларнинг таъсирида давлат сиёсий жиҳатдан аралашади ва уни оқлайди.

б) агар мисол учун бугдойнинг баҳоси «серхосил» йилда жуда пасайиб кетса, уни сотиб олишга хусусий тижоратчиларнинг маблаглари етишмайди. Бундай ҳол банк системалари ривожланмаган, бозор структураси такомиллашмаган мамлакатларда қуқроқ ҳақиқатдир. Давлат хусусий тижоратчиларга нисбатан баҳони олдиндан айтиш, арзон сотиб олиш имкониятларига эга бўлади ҳамда шу билан баҳонинг қескин узғаришининг олдини олади, бозорнинг барқарорлигини, мувозанатини самаралироқ таъминлайди.

4 - саволга жавоб

Ҳар бир давлат уз аҳолини инобатга олиб Кейнс еки классик ендошувга асосланади. Масалан, Россия классик ендошувга таянади. Ўзбекистонда эса Кейнс йуналиши устун туради.

Ўзбекистон учун иқтисодий барқарорликни таъминлашда қуйидагиларга эътибор бериши қерак. Иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари:

а) агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши тарқибий узғаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуrolантириш билан боғлиқ бўлмаса, унинг қамайишига йул қуймаслик;

б) устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юқсалтириш учун қулай шароитни вужудга қелтириш, ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирилишига қумақлашиш;

в) давлат бюджети ва қорхоналар молиявий аҳолининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш;

г) пулнинг қадрсизланиши қараенларини тухтатиб қолиш;

д) тулов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг неғизда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларда тутган урнини мустаҳкамлаш;

е) ижтимоий сиёсий мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш қаражасини мумкин қадар тутиб туриш ва яхшилаш.

Иқтисодиёт тузилишидаги узғаришлар қуйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқдир:

1. бошқа мамлакатлардан ҳом аше ресурслари энг муҳим турларининг, бутловчи маҳсулотларининг ва озик – овқат маҳсулотларининг олиб қелинишини

кискартириб, ана шу махсулотлар урнини босадиган корхоналарни ривожлантириш;


2. узимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига халқ хужалигини талабларини кондиритиш.
3. Иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;
4. Иқтисодиётнинг ҳам ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, ишлаб чиқариладиган махсулотнинг бутлик даражасини ва рақобатдорлигини ошириш;
5. экспорт имкониятларини кенгайтириш олтин - валюта захирасини мустаҳкамлаш;
6. меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш;
7. тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш.

Тармоқ структураларини (саноат, қишлоқ хужалиғи, транспорт, коммуникациялар...) такомиллаштира бориш.

Ўзбекистон саноатнинг узак тармоқлари қуйидагилар: нефть, газ, энергетика, қишлоқ хужалигининг узак тармоқлари эса қуйидагилар: пахта, дон, картошка етиштириш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Мувозанат деганда нимани тушунасиш?
2. Барқарорлик деганда нимани тушунасиш?
3. Мувозанатнинг қандай турлари бор?
4. Актив макроиқтисодий сиёсат нима?
5. Пассив макроиқтисодий сиёсат нима?
6. Барқарорлаштириш сиёсати нима?
7. Структуравий силжиш деганда нимани тушунасиш?



ЯЛПИ ТАЛАБ ЭҒРИЛИГИ
(2 соат)

РЕЖА:

1. Ялпи талаб категорияси ва унинг эгри чизиги
2. Ялпи талаб эгрилигига таъсир этувчи омиллар.
3. Киска муддатли ва узок муддатли мувозанат.

А Д А Б И Ё Т Л А Р :

1. Менькю Н.Г. Макроэкономика гл 4,10.
2. Макконнелл К. Брю С. Экономика т1.гл11.
3. Долан Э. Макроэкономика гл.4.
4. Долан Э. Кемпбелл К, Кемпбелл Р. Деньги, банковское дело и денежно кредитная политика. Гл 17.
5. Хейне П. Экономический образ мышления. Гл 16, 18.

1-саволга жавоб

Ялпи талаб - бу режалаштирилган, маблаг билан таъминланган харажатлар йигиндисидир. Бу харажатлар пировард махсулот сотиб олишга килинадиган харажатдир. Талаб эгри чизиги билан ялпи талаб эгри чизиги уртасида аналогия борлигини кайд килиш мумкин. Иккаласи хам бахо билан микдорий узгаришлар уртасида тескари богликлик борлигини курсатади. Улар куплаб алохида сотувчилар томонидан хилма - хил карорларни умумлаштиради ва йигади.

Аммо бу эгри чизикларнинг 2 та мухим фарки бор:

1. Бирор бир махсулотни (масалан, пиезни) бозор эгри чизиклигини чизаетганда хамма бошка махсулотларнинг нархи доимий, факат пиезнинг нархи узгаради деб олинади. Ялпи талаб эгри чизигини тузишда эса бундай килинмайди. Бунда хамма товар ва хизматларнинг нархи уртача нарх атрофида узгариб боради .
2. Бозор талаби эгри чизиклиги чизилаетганда истеъмолчиларнинг номинал даромади талаб эгри чизигининг хар кандай нуктасида узгармайди деб каралади. Бундай караш номинал миллий даромаднинг жами талабга муносабатига тугри келмайди. Шундай килиб, иктисодий тизим харакати давомида ялпи талаб эгрилиги атрофида номинал миллий даромад микдори доимий булиши шарт эмас.

Ялпи талаб эгрилигининг канчалик огишни аниклаш учун ялпи талаб таркиблари : истеъмол, инвестиция, давлат харидлари ва соф экспортга булиб урганиш керак.

Бахонинг узгариши уларнинг хар бирига кандай таъсир этишини куриб чикиб, биз ялпи талаб эгрилиги салбий огишга эга эканлигини тушунамиз.

Истеъмол. Бунда бахо усиши билан бир томондан товар сотувчиларнинг даромади ошади, улар куп фойда оладилар, яхши ойлик берадилар, натижада ахоли

кисман инфляциядан кутулади, аммо иккинчи томондан, ахоли даромади, пулнинг сотиб олиш курби тушади. Шундай килиб истеъмолнинг реал хажми уртача бахо даражасининг узгаришига тескари богликликка эга.

Инвестиция. Уртача бахо даражасининг усиши фоиз ставкасини оширади, инвестициянинг планли хажмини камайтиради ва тескариси, бахо даражасининг пасайиши фоиз ставкасини пасайишига реал планли инвестициянинг абсолют хажмини купайишига олиб келади.

Давлат харидлари. Бахо даражаси узгаришининг давлат харидларининг реал хажмига таъсири бир хил эмас. Масалан, айрим нарсаларни харид килиш натурал тарзда (масалан, 1000 танк) буюртма килиниши мумкин. Айримлари эса киймат курсаткичларда (масалан, йуларни ремонт килиш учун 100 млн сум) буюртма килиниши мумкин. Шунинг учун киймат курсаткичлардаги харидлардагина бахо усиши уларнинг камайишига олиб келиши мумкин.

Соф экспорт. Бир мамлакатда нарх усиши, иккинчисида эса пасайиши мумкин. Агар АКШда нархлар усса, Японияда усмаса, « доллар - иен» курс узгармаган холатда америка товарлари япон харидорлари учун киммат, япон товарлари америкаликлар учун арзон булади. Америка харидорлари япон товарларини куп сотиб ола бошлайди, АКШ эса Японияга товарларни сотиши кийинлашади. АКШ реал соф экспорти камаяди. Умумлаштириб шундай хулоса килиш мумкинки ялпи талаб эгрилиги салбий огишга эга. Ялпи талаб эгрилиги бахонинг уртача даражасининг узгаришига нисбатан унчалик эластик эмас. Яъни маълум даражада бахонинг узгариши режалаштириладиган реал харажатларининг камрок микдорини узгартиради.

Номинал ялпи талаб – бу бутун пировард товар ва хизматларнинг амалда сотилган бахоларда улчанган талабдир. Номинал ялпи талаб реал ялпи талаб билан бахо даражаси купайтмасига тенг. Агар ялпи талаб нисбатан ноэластик булса, бахо даражасининг маълум купайиши камрок микдорда реал жами талаб кискаришига олиб келади.

2- саволга жавоб

Жами талаб эгрилиги узгаришининг бош сабабларига куйидагиларни киритиш мумкин.

- а) кутиш;
- б) давлат сиёсатининг узгариши;
- в) жахон экономикасидаги узгаришлар.

Кутиш. Оптимистик булганда нарх усганда хам истеъмол товарларини сотиб олишни оила купайтириши, бизнесмен инвестицияни купайтириши мумкин. Пессимистик шароитида эса тескариси. Давлат сиёсатидаги узгаришлар (солик узгариши, давлат харидларининг узгариши, пул массасининг узгартилиши ва бошкалар) ялпи талаб эгри чизигини хам чапга еки унгга суради. Жахон

экономикасидаги узгаришлар ялпи талабнинг бир булаги булган соф экспортни узгартириш оркали ялпи талаб эгрилигига таъсир этади.

Ялпи таклиф эгрилиги хар хил бахо даражасида ушбу иктисодий тизимда ишлаб чиқарилган реал миллий махсулотни тасвирлайди. Ресурслар баҳосининг индекси асосий ишлаб чиқариш омилларининг уртача бахо даражасини (меҳнат, капитал ва табиат ресурслари) ва оралик товарлар (энергия, ишлаб чиқарилган материаллар, қайсики ЯММда) ишлаб чиқаришда фойдаланилади уртача бахо даражасини курсатади.

Меҳнат ресурслар ичида энг муҳими ва солмоқлидир. Илгор мамлакатларда фирманинг ишлаб чиқариш ресурсларига қилинадиган харажатлар $\frac{3}{4}$ қисми меҳнат ресурсларига қилинадиган харажатлардир. Шундай қилиб, иш хақи ва ойлик ресурсларнинг, уртача бахо даражасининг асосий компонентидир. (Совет экономикасида тесқариси булган, 15% иш хақиға, 85% моддий харажатларға тугри келган).

Фирма эгалари товар ва хизматларнинг уртача нарх даражасининг чайқалишларида қуйидаги тарзда ресурс нархи узғаради деб уйлайдилар. Бу нархлар пропорционал тарзда узғаради, сабаблари: а) товар нархлари динамикаси иш хақи хажми таъсир этади; б) иккинчи сабаби, қўпгина неъматлар ҳам тайер товар, ҳам ресурс бўлиб чиқади.

Нарх узғариши билан ишлаб чиқарилган реал миллий махсулот миқдори узғармасдан қолади. Ресурслар нархи тайер товарлар уртача нарх даражаси узғариши билан «чакмоқ тарзида» узғармайди. Айрим ҳолларда секин - аста навбат билан узғариши мумкин. Бунинг сабаблари қуйидагилар: а) айрим ресурсларнинг нархлари узок муддатга мулжалланган контрактларда белгиланган. Масалан, қасаба уюшмаси билан тадбиркорлар шартномалари, екилги сотиб олиш, транспорт хизматлари ва х.к.; б) товар запасларининг мавжудлиги ресурслар нархи узишига амортизатор бўлиши мумкин; в) информациянинг тулик эмаслиги. Айрим пайтда фирмалар талабдаги катта узғаришларни арзимайдиган локал чайқалиш деб уйлашлари мумкин. Қиска муддатда ресурс нархи товар нархидан орқа қолса, фирма учун қушимча даромад олиш учун имконият тугилади, бунда фирма одатда бир томондан нархни қутаради, иккинчи томондан ишлаб чиқариш хажмини қўпайтиради.

Ишлаб чиқариш усуллари и узгартириш имкониятлари қорхонаға қанча вақт қетишиға қараб, бозор қонъюктураси ва билим, информациялардаги узғаришларға қараб хар хил муддатларға ажратилади. Бу «Қиска муддатли давр» ва «Узок муддатли давр» лар тарзида фарқланади.

Узок муддатли давр – бу шундай муддатқи, шунчалик узок, етарлиқи бунда қорхона узининг бутун ишлаб чиқариш омилларини узгартириш имкониятиға эға.

Қиска муддатли давр – бу шундай муддатқи, бу вақт ичида фирма сарфлайдиган ресурслари ичида, уларнинг айримларида узғариш содир бўлиши мумкин эмас. Қиска муддатда фирманинг танлаш имконияти қекланган. Бу


муддатда айрим нарсалар (масалан, бино иншоот) доимийдир. Узок муддатли даврда фирма янги шароитга бутунлай мослаша олади. Аммо бу муддат хар бир соха, тармок, товар ишлаб чикариш учун узига хос булади.

«Киска муддат» нинг канча булиши бозор конъюктурасига ва конкрет ресурс турига боглик булади. бу «киска муддат» тугагач, одатда ресурс нархи товар нархи билан сакраш тарзда мослашиб олади.

Иктисодий тизим узок муддатли мувозанат ҳолатда булса, ишлаб чикариш даражаси табиий ҳолатда, конкрет товарлар, хизматлар ва ишлаб чикариш омиллари бозорлари мувозанат ҳолатида булади. Бундай аъло ҳолатда фирмалар ишлаб чикарадиган товар ва хизмат нархи ва ишлатиладиган ресурслар нархи куйидаги ҳолатлар буйича келишилган булади: 1. Фирмалар уз харажатларини коплаб, зарур ресурсларнинг хаммасини сотиб оладиган ва нормал фойда оладиган ҳолатда булади.

2. Мехнат ресурсларининг баҳоси етарли даражада булиши керакки, мехнат бозоридаги талаб ва таклиф мос булсин. Бунинг маъноси шуки, ҳаёт кийматининг маълум даражасида иш хаки шу даражада булиши керакки, кишилар уз вақтлари, кучлари ва маблагларини малака олишга, мехнат жараенига тулик катнашишни мақсадга мувофик деб топсинлар.

Киска ва узок муддатли мувозанат




Ишлаб чикариш эгриликнинг кесиши, экономика киска муддатли ва узок муддатли мувозанат эгрилигини билдиради.

1. Ялпи таклифнинг киска муддатли ва узок муддатли эгрилигининг кесишиш нуктаси ресурсларга булган нархнинг кутилаётган даражасини билдиради.
2. Ялпи таклифнинг киска муддатли эгрилигининг жами киска муддатли мувозанат параметрларини курсатади.

3. Иктисодий тизим факатгина ялпи талаб эгрилигининг ялпи таклифнинг узок муддатли эгрилиги билан кесишган нуктада узок муддатли мувозанат ҳолатида бўлади.
4. Учта эгриликнинг E_0 нуктада кесиши узок муддатли ҳам, киска муддатли ҳам мувозанат шартларига жавоб берувчи нархлар даражасини ва реал миллий маҳсулот даражасини курсатади.

Талаб узгаришига иктисодий тизимнинг киска ва узок муддатли реакцияси



N - ишлаб чиқаришнинг табиий даражаси.

1. Киска муддатли перспективада иктисодий тизимдаги узок муддатли мувозанатни бузган ялпи талабнинг ортишига реакция ишлаб чиқариш реал даражасининг усишида, тайёр товарлар ва хизматлар баҳо даражасининг кутарилишида ҳамда ишсизлик даражасининг пасайишида куринади.
2. Ресурсларнинг реал ва кутиладиган баҳоси тайер маҳсулотлар баҳоси узгаришига секин - аста мослаша борган сари иктисодиётда тайер маҳсулотлар ва хизматларга нарх усиб бораверади, бундан ташқари реал ишлаб чиқариш ҳажми кискариб, ишсизлик даражаси усиб боради.
3. Узок муддатли мувозанатнинг янги ҳолатида ялпи талаб купайишининг ягона узок муддатли натижаси олдингига нисбатан янада юқорирок, янги баҳо даражасига (ресурслар баҳоси ҳам, тайер маҳсулот ва хизматлар баҳоси ҳам) эришишдан иборатдир. Бундай янги ҳолатда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ва ишсизликнинг даражаси узининг табиий даражасига қайтади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ялпи талаб деганда нимани тушунамиз?

2. Ялпи талаб эгрилигини узгаришининг омиллари нималар?
3. Киска муддатли давр ва узок муддатли давр деганда нимани тушунаси?
4. Киска муддатли мувозанат ва узок муддатли мувозанат нима?



КЛАССИК ВА КЕЙНСЧА ДАРОМАД МОДЕЛИ

(2 соат)

РЕЖА:

1. Кириш.
2. Классикларнинг макротизимга карашлари.
3. Кейнснинг макротизимга карашлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Менкью Н.Г. Макроэкономика гл. 4,6,10.
2. Макконнелл К. , Брю С. Экономикс. Т1. Гл. 12,13.
3. Долан Э. Макроэкономика гл 5.
4. Фишер и др. Экономика гл. 25.
5. Экономическая теория . Учебник для студентов ВУЗю. К. Абдурахманов и др. Т. гл 14.

1 - саволга жавоб

Буюк депрессиягача хар кандай иктисодчилар шароитнинг узгаришига ва хар кандай кескин бурилишларга иктисодий тизим мослаша олади деб хисоблар эдилар. Албатта улар иктисодий кризислар булишини тан олар эдилар, аммо тараккиет, гуллаб яшнаш уз - узидан (автоматик тарзда) тикланади деб хисоблар эдилар.

1929 йилдаги кимматли коғоз бозоридаги инкирок иктисодиётни шундай огир ахволга олиб келдики, тиклаш учун умид йукдек туюлар эди. Бахолар, уни кетидан иш хаки тушиб кетди, ишлаб чикариш кискарди, ишсизлик усди. Бу холат ойлаб эмас, йиллаб давом этди. Факат 1933 йилда узининг энг куйи нуктасига етди, 1929 йил холатига эса 10 йилдан кейин кайтиб келди. Нима содир булганига энг тулик жавобни Жон Мейнард Кейнс бера олди. У бундай кризис такрорланмаслиги учун иктисодиётни баркарорлаштириш жараенида давлатнинг ролини ошириш кераклигини исботлаб берди.

Уз – узини тартибга солувчи классик иктисодиётни тушуниш учун, олдин «классик иктисодий назария» терминини тушуниб олайлик. Аввалига «классиклар» деганда К.Маркс узидан олдин утган, унинг нуктаи назаридан иктисодиёт фанига жуда катта хисса кушган А Смит ва Д.Рикардо карашларини бошка иктисодчилардан (уларни у вулгар сиёсий иктисодчилар деб бахо берган) ажратиш учун айтган, кейин К.Марксни узини, Джон Стюарт Миллни хам киритганлар. Хозирги пайтда макроанализда Альфред Маршалл, А Пигу хам


классик назарияга киритилади. Микроанализда эса А.Маршаллдан олдингиларни классиклар деб хисоблайдилар.

2 - саволга жавоб

Классик назариянинг фундаментал постулатларидан бири – иктисодиёт доимо ишлаб чиқаришнинг реал хажмининг табиий даражасига интилади, деб қарашдир. Бу даража мавжуд ресурслар, технология, ишлаш хохиши билан аниқланар эди (яъни иктисодий тизимнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси аниқлайди). Иктисодиётдаги иш циклининг юқори нуктаси бу табиий даражадан утиб кетади, деб қарар эдилар (Сверхурочно ишлаш, циклик ишсизликнинг манфий курсаткичи ҳисобида).

Иктисодий тизимни узининг табиий даражасига қайтарувчи механизмлардан бири эгилувчан баҳо ва иш ҳаки.

Узок муддатли интервалдаги ялпи таклиф



Реал миллий маҳсулот (млрд. сум).

Классик модель. Кризисдан кейинги тикланиш.

Классик қараш бўйича баҳо ва иш ҳакидан ташқари кризислар имкониятларини юмшатовчи иктисодиётдаги яна бир амортизатор – мослашувчан, эгилувчан фоиз ставкасидир. Бу механизм мулжалланган инвестиция даражаси, ушбу иктисодий тизим узининг ишлаб чиқариш хажмининг табиий даражасига бўлганда жамғармалар даражаси билан мослаштиради.

Классиклар оила хужаликларининг жамғариш учун ажратилган маблағлари мулжалланган инвестиция даражасига автоматик тарзда мослаштирувчи механизм - бу суда фоиз даражаси деб қараганлар.

Инвестициянинг альтернатив қиймати.

Фирмалар фойдаларидан инвестицияга сарфлаш мумкин (еки карз олиб), аммо бепул фоизлар булмайди. Фирмалар уз асосий капиталларини ва товар моддий кийматларини устиришнинг доимо альтернатив киймати бор. Фирма уз фойдасидан офис учун ускуна олиш хам мумкин еки банкка куйиб (кимматбахо когоз олиб) фоиз куриши хам мумкин.

Хар кандай моментда фирма учун инвестициянинг жуда кенг имкониятлар спектри бор (ишлаб чикариш ускунасини модернизация килиш, хом аше запас килиш, савдо вакиллигини очиш ва х.к.) .


Менежер энг яхши йулни топиш учун хар бир проектни альтернатив киймати билан солиштириб куриши лозим. Фирма тугри йулни танлаши учун инвестиция даромадлигини (яъни, инвестиция кийматига нисбатан тугри келадиган даромаднинг фоизда ифодаланиши) капиталнинг альтернатив киймати билан, яъни банк фоиз нормаси билан солиштириш керак.

Планли инвестициялар графиги.

Солиштириш куйидаги мухим принципни руюбга чикаради: бошка шароитлар бир хил булганда, инвестициянинг альтернатив киймати канча паст булса, фирманинг планлаштириладиган инвестицияси шунча юкори булади. Шу принцип харакатига асосланиб фирма учун хам, бутун иктисодиёт учун хам планлаштириладиган инвестициялар графигини чизиш мумкин.

Иктисодиёт буйича график.

Фоиз ставкасининг
даражаси (йилда %)



Реал планли
инвестициялар
(млрд .сумм)

Фоиз ставкасининг хар кандай узгариши бошка шароитлар узгармаган такдирда планлаштириладиган инвестиция графиги эгрилигини силжишига олиб келади. Албатта фоиз ставкаси ягона омил эмас, инвестиция графиги узгаришига : талаб прогнози, технологияда кутилатган


узгаришлар, меҳнат бозори таклифида узгаришлар тенденцияси, фойда купайишидаги оптимизм (еки пессимизм) ва бошқа омиллар ҳам таъсир килади.

Жамгарма ва фоиз ставкаси.

Классиклар фоиз ставкасининг узгариши жамгаришнинг ташкил топиш жараенига таъсир килади, деб ҳисоблаганлар. Фоизли даромад жамгариш учун узига хос мукофот ҳисобланади. Бу мукофот ҳажми канчалик катта бўлса, жамгариш ҳажми ҳам шунчалик катта бўлади.

Реал жамгариш катталигига таъсир килувчи омиллардан бири даромад ҳисобланади. Бошқа шароитлар узгармаган ҳолда оила хужаликларининг даромадлари усганда фоиз ставкаси ҳажмидан катъий назар жамгарманинг усишига олиб келади

Жамгариш ва инвестиция мувозанати.



Инвестиция ва жамгармани барқарорлаштиришнинг классик механизми.

SS - жамгарма эгрилиги

Pi - планли инвестиция эгрилиги.


SS – мусбат огишга эга, Pi - манфий огишга эга.

Буларнинг иккаласи инвестиция билан жамгариш уртасидаги мувозанат параметрларини белгилайди

Инвестиция ҳажмининг узгаришига нисбатан реакция.

Классик мактаб вакилларининг карашлари буйича мослашувчан, эгилувчан фоиз ставкаси реал ишлаб чиқаришнинг табиий даражасида ялпи талаб билан ялпи таклиф тенглигини ушлаб туради.

Фоиз ставкасининг даражаси (бир йилда %)



Жамғаришнинг планли инвестиция ҳажмининг динамикага мослашуви ва автоматик тарзда коррективировка қилиниши фоиз ставкасининг узғариши механизми таъсири остида содир бўлади, реал миллий даромад ва реал миллий маҳсулот бир даражада қолади.

$$S = Y - C - G, \quad S = i$$

Бунда, S – жамғариш, i – инвестиция.

Кейинги йилларда Таиландда жамғариш 43 % , истеъмолга 57% эга бўлган. Бу эса мамлакатнинг жадал суръатлар билан узишига шароит яратиб берган.

1998 йилда 1990 йилга нисбатан инвестиция миқдори:

1. Ўзбекистон 79 %
2. Беларуссия 46 %
3. Россия 22 %
4. Украина 19 %
5. Қозоқистон 15 %.

Инвестициянинг манбалари Ўзбекистон бўйича:

Статьялар буйича	1990 йил	1992 йил	1996 йил	1998 йил
Давлат бюджети	50%	-	-	25%
Корхоналарнинг хусусий маблағлари		50%	43%	30%
Аҳоли хиссаси	-	5%	10%	20%
Банк кредити	-	26%	12%	6 %
Чет эл инвестицияси	-	-		19%

Шу уринда бир нарсани таъкидлаш керакки, чет эл инвестициясида хусусий йул билан келадиган инвестиция нолга якин, Жанубий Кореяда эса 70-80% ташкил этади.

Сей конуни. Классиклар ялпи талаб хажмининг секин - аста етишмаслиги махсулот ишлаб чиқариш хажмининг табиий даражасидан пасайиб кетишга сабаб була олмайди деб хисоблаганлар. Мавжуд ресурслар ва технологиянинг ушбу даражаси ишлаб чиқарилган махсулот хажмига хар доим талаб етарли булади, деб караш француз иктисодчиси Жан Батист Сей номи билан “ Сей конуни” номини олган. (XIX аср боши).

Сейнинг узи эгилувчан бахо ва эгилувчан фоиз ставкаси механизми харакатини тушунтириб бермаган. Буни кейин қилишган. Аммо у уз дарсилигида шу нарсаларнинг асосини тушунтириб бергани учун , унинг хурматини қилиб «Сей» конуни номини олган. Уз-узини тартибга солувчи иктисодиётга ишонч то 1930 йиллардаги «буюк депрессияга» сакланиб келган

3- саволга жавоб

Жон Мейнард Кейнс: Классик мактабни чакирув.

Буюк депрессиянинг чуқурлиги ва узок давом этганлиги уз-узини тартибга солувчи классик концепцияга ишонмасликни келтириб чиқарди. Аммо одат булиб қолган, қарор топган назарияни олиб ташлай олмайди. Шунинг учун янги, мавжуд фактларни чуқурроқ тушунтириб бера оладиган назария керак эди. Иктисодчилар бундай назарияни 1936 йилда чиққан Кейнснинг «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарида топдилар.

Кейнс классиклар айтган қуйидаги фикрга – «фоиз ставкасининг узғариши жамгарма ва инвестицияни мослик ҳолатига келтиради»- унчалик ишонмасди.

Унинг фикрича, планли инвестиция эгрилиги ҳам, жамгарма эгрилиги ҳам фоиз ставкасининг узғаришига унчалик сезгирлик йук, деб хисобларди. Реал жамгармага мавжуд бўлган реал даромаднинг даражаси қучлироқ таъсир қилади. Фоиз ставкаси иккинчи даражали роль уйнайди. Жуда камгина аҳоли фоиз ставкаси 5% дан 4% га тушганда уз ҳаёт тарзини узгартиради деб айтади.

Инвестиция масаласида эса айрим холларда кишиларнинг уй фикрлари, психологик импульслари бирон бир проектни қабул қилишда иқтисодий ҳисоблардан каттарок роль уйнаши мумкин. Кейнс буйича планли инвестиция эгрилиги классик вариантга нисбатан камроқ эластикдир (фоиз ставкасига нисбатан), жамгарма эгрилигига эса умуман ноэластикдир.

Жон Мейнард Кейнснинг отаси Жон Новилл Кейнс Кембридж университетида иқтисодиётдан дарс берган. Угли ҳам уша ерда Альфред Маршалл кулида ўқиди, кейин (1908 йилдан) дарс бера бошлади. Кейнс қўлаб қўлиб ва мақола ёзган бўлса ҳам, уни «Умумий назария» қўлиб жуда машҳур қилди.

КейнсЖ: - «Иқтисодчилар ва сиёсий арбобларнинг гоёлари одамлар ўйлаганларидан ҳам катта аҳамиятга эга. Аслида факат улар дунёга ҳукмронлик қиладилар. Амалиёт кишилари ўзларини интеллектуал таъсирга ўчрамаган деб ҳисобласалар ҳам, аслида олдин ўтган бирор бир эконоmistнинг қўлидирлар». Бу гап иқтисодчиларнинг жамиятда қанчалик катта роль ўйнашини қўрсатади.

Кейнс ялпи талабнинг қамойиши билан баҳонинг қасойиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизликнинг ўсишини тан олган. Аммо у ресурс ва товарлар баҳосининг ўзққ вақт қасойиши ишлаб чиқаришнинг табиий даражасига олиб қелади, деб классикча қарашга умуман қўшилмайди. Буни исботлаш ўчун 2 та аргумент қелтиради: а) иш ҳақининг ўзқармаслиги; б) ялпи талаб эгрилигининг оғиши.

Кейнс исбот қилиб берадики, тадбирқорлар қанчалик ҳоҳламасин ишчиларнинг жуда катта қаршилиги (иш ташлаш, намойиш, қассаба ўюшмаси ва х.к.) туфайли иш ҳақини қамойтираш қийин. Шунинг ўчун иш ҳақи эгилувчанлиги қам, йуқ деса ҳам бўлади, иш ҳақи ўзқармас (ригидлик ҳос деб қараш) деб қараш тугриққдир. Умумий ҳаражатларда иш ҳақининг ўрни катта, шунинг ўчун ресурс нархи эластиклиги етарли эмас. Яъни тайёр товарнинг нархи тушса, шу даражада ресурс нархи тушишига ишониб бўлмайди.

Кейнс ялпи талаб эластиклигини нолга яқин деб ҳисоблаган. У иш ҳақининг мослашувчан сиёсати орқали иқтисодий тизимни ўз-ўзини тартибга солувчи тизимга таяниб тулик бандликка эришиб бўлмайди деб ҳисоблаган. Реал ишлаб чиқаришнинг табиий даражасига қайтарувчи механизм йуқ, деб ҳисоблаган Кейнс.

Планлаштириладиған инвестицияларнинг реал даражасидаги ўзқаришлар иқтисодиёт барқарорлигига таъсири жуда катта деб қарайди. Кейнс: агар инвестиция 100 млн сумга тушса, ялпи талаб 400 млн сумга ҳатто 500 млн сумга тушиб қетади. Буни мультипликатив эффект деб атайди. Агар истеъмолчининг даромади 1 долларга ўзқарса, у 0,75 долларга истеъмолини ўзқартиради. 0,75 ни истеъмолга нисбатан қегаравий оғиш деб атайди.

цикл	Реал даромаднинг қамойиши	Реал ҳаражатларнинг қамойиши
1		100000000 (планли инвестиция)

2	100000000	75000000(истеъмол)
3	75000000	56250000(истеъмол)
4	56250000	42187500(истеъмол)
жами	400000000	400000000(умумий планлаштириладиган харажатлар)

Мультипликатор харажатининг микдори истеъмолга нисбатан чегаравий огишга боғлиқ. Улар бир-бирига тугри пропорционал.

$$\text{Харажатлар мультипликатори} = 1 (1 - \text{mpc}) .$$

Мрс - истеъмолга нисбатан чегаравий огиш.

Агар $\text{mpc} = 0,75$ тенг булса, мультипликатор 4 га тенг булади, $\text{mpc} = 0.9$ булса, мультипликатор 10 га тенг булади ва хоказо.

Мультипликатив эффект иктисодий сиёсатда куплаб кулланилади.

Иктисодиётнинг хусусий сектори давлат секторига нисбатан бекарорликка эга. Шунинг учун давлат самарали инструмент оркали бу бекарорликни даволаши мумкин. Бундай инструментлар ичида энг мухими давлат бюджети. Давлат харидлари, давлат тадбиркорлиги, солик ва бошқалар оркали мультипликатив эффект туфайли самарали даволаш мумкин.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Классик мактаб деганда кимларни тушунаси?
2. Классик мактабнинг асосий постулатлари нима?
3. Сей конунининг мазмунини айтинг.
4. Бозор механизмининг амортизаторлари нима?
5. Ж.М.Кейнс нега амотизаторлани танкид килади?
6. Мультипликатив эффект нима?
7. Харажатлар мультипликатори нима?



ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР МУВОЗАНАТИ (2 соат).

РЕЖА:

1. Истеъмол функциялари.
2. Истеъмол эгрилиги, омилиари.
3. Мулжалланган харажатлар.

АДАБИЁТЛАР :

1. Мэнькю Н.Г. Макроэкономика гл 6, 10.
2. Макконнелл К, Брю С. Экономикс. т1, гл 13.
3. Долан Э. Макроэкономика гл. 6.
4. Фишер и др. Экономика гл 25.

1 саволга жавоб


Бу моделни тушуниш учун :

миллий даромад = миллий махсулот = эга булинган даромад + соф соликлар деб абстракция килинади.

Кейнс бутун доиравий айланиш жараенини тартибга солиш учун калит – «эга булинган реал даромад» ни 2 қисмга : истеъмол ва жамғаришга булиниши деб ҳисоблаган. У реал эга булинган даромад билан истеъмол учун килинадиган реал харажатлар уртасида боғлиқлик бор, деб айтади. Бу боғлиқлик истеъмол эгрилиги (истеъмол функцияси) деб ном олди. Даромад даражасига боғлиқ бўлмаган харажатларни «Автоном истеъмол» деб айтилади.

2- саволга жавоб

истеъмол эгрилиги
вертикал уқ билан
кесишувчи
нуқта автоном истеъмол
даражасини курсатади.



Даромад нолга тушиб колиши, манфий булиши мумкин, аммо харажат карз хисобидан булса хам кандайдир минимал истеъмол даражасини таъминлаш даражасида булади.

Истеъмолга нисбатан чегаравий огишни олдинги темадан биламиз. Истеъмолга нисбатан уртача огиш – хар кандай даромад даражасида умумий истеъмол хажмини эга булинган даромад микдорига нисбатига тенг. Истеъмол функцияси (C) куйидаги формула билан ифодаланади:

$$C = a + b * v$$

a- автоном истеъмол;

b- истеъмолга нисбатан чегаравий огиш;

v – эга булинган даромад.

Истеъмолга нисбатан уртача огиш куйидагича булади:

$$\frac{C}{v} = \frac{(a+b*v)}{v} = a / v + b$$

Амалиётда истеъмолга нисбатан чегаравий ва уртача огиш олинандиган вақт горизонтига боғлиқ. Узок муддатда чегаравий огиш АКШда 0,9 га тенглиги аниқланган. Автоном истеъмол эса нолга яқинлашади. Киска муддатда эса кишилар шароитга караб харажатини узгартириб туради, шунинг учун чегаравий эгрилик 0,75 (АКШда) тенглиги аниқланган. Яна бир нарсани унутмаслик керакки, оила кандайдир харажатга урганиб колар экан, даромад бирданига узгарганда, дарров харажатни хам узагартирмайди.

Шундай қилиб, истеъмол эгрилиги реал эга булинган даромад хажми билан истеъмолга кетадиган реал харажатлар даражаси уртасида боғлиқликни курсатар экан. Эгрилик атрофида ҳаракат бошқа омиллар туфайли бу боғлиқликни узгаришини курсатади. Ушбу бошқа омилларга куйидагилар қиради:

Фаровонлик. Бойлик даражаси еки фаровонлик ушбу моментда қотиб қолган сумлар (долларлардир). Даромад эса узгарувчан қатталиқ, у маълум вақт бирлигида олинган маълум микдордир. Икки оиладан иккаласи бир хил даромад қилса, бойлик даражаси юқори бўлгани купрок, эркинрок харажат қилади.


Бахонинг усиши еки пасайиши хам бойлик ва фаровонлик даражасини усишига (еки пасайишига) олиб келади, улар уртасида тесқари мутаносиблик бор.

Бахонинг усиши автоном истеъмолнинг реал хажмини қисқартиради, эркинликни пастга суради, бахонинг пасайиши эса эгриликни юқорига суради.


Кутиш. Булажак даромадлар, фаровонлик, бойликни кутиш ҳам истеъмол эгрилигини узгаришига олиб келади. Агар бу кутиш оптимистик булса, эгриликни юкорига суради, пессимистик булса, эгриликни пастга суради.

Соф соликлар. Соф соликларда узгаришлар ҳам истеъмол эгрилиги силжишига олиб келади.

Миллий даромад узгарса ҳам узгармайдиган солик ва трансферт туловлар , автоном соф соликлар дейилади (Масалан, мулк солиги, давлат қарз фоизлари , давлат пенсиялари...). Автоном соф солик олдин бўлмасаю, кейин киритилса, эгриликни пастга суради. Иктисодиётга қандайдир автоном солик киритилса, унда эгрилик юкорига кутарилади.



Даромад солиги даромад қупайиши билан қупаяди, шунинг учун унинг эгрилиги қуйидагича бўлади:



Унинг формуласи куйидагича булади:

$$\text{Истеъмол эгрилиги огиши} = mpc (1 - t)$$

Бунда, t - соликнинг чегаравий ставкаси

mpc — истеъмолга нисбатан чегаравий огиш.

Агар мулжалланган харажатлар миллий махсулотдан куп булса, товар моддий захираларининг мулжалланмаган кискаришига олиб келади. Фирмалар эса ишлаб чиқариш ҳажмини купайтирадилар, натижада доиравий айланиши масштабининг усиши содир булади. (албатта бахони стабил деб олган ҳолатда).

Унинг тескариси: мулжалланган харажатлар миллий махсулотдан кам булса, товар моддий захираларининг мулжалланмаган купайишига олиб келади. Фирмалар эса ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирадилар. (албатта бунда ҳам баҳо узгармас деб олинган тақдирда).

Миллий даромадни мувозанатлаштиришнинг Кейнсча назариясида бу принциплар ҳал қилувчи роль уйнайди.


2- саволга жавоб

Мулжалланадиган харажатлар эгрилиги — бу миллий даромад реал ҳажмининг ҳар бир конкрет даражасига товар ва хизмат сотиб олишга қилинадиган планлаштирилган харажатларнинг реал ҳажми уртасидаги мосликни курсатадиган курсаткичдир.

Эгриликни қизиш учун харажатларнинг ҳар бир компонентини анализ қилиб чиқамиз:

Истеъмол. Истеъмол эгрилиги мулжалланган харажатлар эгрилигини тузиш учун асос булади.

Инвестиция. — мулжалланган харажатлар таркибий қисмида аҳамият жихатдан иккинчи уриндадир.




Давлат харажатлари – мулжалланган харажатларнинг учинчиси. Реал хаятда ҳар хил иқтисодий ва сиёсий омиллар қабул қилинган бюджет статъяларини корректировка қилади.

Мулжалланган харажатлар охириги (4-чи) таркибий қисми - **«экспорт – импорт» операцияларини реалъ сальдоси.**

Экспорт миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан бошқа давлатларда таркиб топадиган шарт - шароитларда боглик булади. Импорт эса ички миллий даромад даражасига боглик.

Импортлаштиришга чегаравий огиш - бу бир сум эга булинган даромад микдорига импортнинг усиши.




Соф экспорт ва мулжалланган харажатлар эгрилиги. Экспорт ҳажми миллий даромад ва чет эллардан импортлаштиришнинг чегаравий огишига боглик. Мулжалланган харажатлар огишининг формуласи қуйидагича булади:

$$(MPC - MPM) \cdot (1-t)$$

m_{pc} - истеъмолга чегаравий огиш

m_{pm} - импортлаштиришнинг чегаравий огиши

t - солиқнинг чегаравий ставкаси.




Хар кандай бошка ҳолатда миллий даромаднинг доиравий айланиш мувозанат ҳолатида була олмайди.

Агар планли харажатлар (ялпи талаб) миллий миллий махсулот (ялпи таклиф) дан куп булса, товар запасларининг хажми мулжалланмаган тарзда кискаради, тескараси булса, товар запасларининг мулжалланмаган тарзда ошади.

Иктисодий тизимда реал мулжалланган харажатлар даражаси куйидагиларга боглик:

- 1) реал миллий даромад узгаришига;
- 2) кутишнинг узгаришига;
- 3) истеъмолчиларнинг фаровонлик даражасининг узгаришига;
- 4) % ставкаси микдорининг узгаришига;
- 5) соликларнинг узгаришига;
- 6) давлат харажатлари хажмининг узгаришига.
- 7) ташки бозорларда иктисодий ахволнинг узгаришига.

Мулжалланган харажатлар абсолют усиши имкониятининг миллий даромаднинг мувозанатли хажмидан янада купрок усиши - мультипликатив эффект деб айтилади.



Даромад ва харажатлар мувозанатли моделида мультипликатив эффект:

$$\text{Харажатлар мультипликатори} = \frac{1}{1 - (\text{планли харажатлар эгрилигининг огиши})}$$

$$\frac{\text{подход соликни хисобга олган холда харажатлар мультипликатори}}{1 - \text{mpc} (1 - t)} = \frac{1}{1 - \text{mpc} (1 - t)}$$

$$\frac{\text{соф экспортни хисобга олган холда харажатлар мультипликатори}}{1 - (\text{mpc} - \text{mpm}) \cdot (1 - t)} = \frac{1}{1 - (\text{mpc} - \text{mpm}) \cdot (1 - t)}$$

Бутунлай абсолют эгилувчан (мослашувчан) ресурс ва тайер махсулотлар бахосида узок муддатли перспективада ялпи талаб эгрилигининг силжиши миллий даромад ва миллий даромаднинг реал хажмига узок таъсир этмайди. Узок таъсир факат тайер махсулот ва ишлаб чикариш ресурслари бахо даражасига таъсир этади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Истеъмол эгрилиги нима?
2. Абсолют истеъмол нима?
3. Мулжалланган харажатлар нима?
4. Реал мулжалланган харажатлар даражаси нималарга боглик?



РАКОБАТ ВА БОЗОР УСТИДАН НАЗОРАТ **(2 соат)**

РЕЖА:

1. Бозор ва ракобат.
2. Монополия ва прогресс.
3. Бозор устидан назорат. Антимонопол конунчилик ва сиёсат.

АДАБИЁТЛАР:

1. Йулдошев З., Косимов М. Макроиктисодиёт асослари. 3 боб.
2. Макконнелл Л, Брю С. Экономикс II т. гл 26-28.
3. Пиндайк П. Микроэкономика М. 1992 г. гл. 10,11,12.
4. Улмасов А. Шарифхужаев М. Иктисодиёт назарияси. Т. 1995 йил.
5. Севлякянц С.Г. Отто О.Э. Тешаев Б.Т. Экономика основа жизни общества. Книга 1 т. 1998 г.
6. Семенова В.А. Бункин М.К. Макроэкономика М. 1996 г. гл. 3.
7. Фишер и др. Макроэкономика. Гл. 11,14.

1 саволга жавоб

Иктисодий тараққиёт бўлиши учун Шумпетер таъкидлаганидек, 2 та нарса сув ва ҳаводек зарур - бу иктисодий эркинлик ва ракобат шароити. Буларсиз тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди.

Биз конфликтлар атмосферасида яшаймиз. Бозор ва ракобат бир- бири билан узвий боғланган. Ракобат бўлмаса, бозор ҳам йук.

Ракобат – мустиқил товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтириш учун бир-билари билан қўрашишлари маъносини билдиради. Ракобат бозор иктисодиётининг ҳаракатлантирувчи қучидир, чунки ракобатда қолиб қиқиш учун ишлаб чиқариш ҳаражатларини қамайтириш, товар сифатини яхшилаш, товар сотилишни ҳаридор учун қулайлаштириш зарур, акс ҳолда товарларни қўллаб қатта фойда қўриб бўлмайди.

Ф.Хайек ракобатнинг энг муҳим ролини, яъни техника тараққиётини таъкидлаб ёзган эди : - «ракобат - бу илмий изланиш бўлиб, биринчи қашфийетчи

томонидан амалга оширилади». Улар томонидан тадбик килинган янги, олдин ишлатилмаган технологиялар кейинчалик бошқа корхоналарга таркалади.

Уз микесига караб ракобат икки турга булинади:

- 1.Тармок ичидаги ракобат, яъни бир хил товар ишлаб чиқаруви корхоналар кураши.
- 2.Тармоклараро ракобат, яъни турли тармоқлардаги корхоналар кулай тармоқка капитал қуйиши учун кураши.

Ракобатнинг икки хил усули мавжуд:

- 1) Нархни узгартириб ракобатлашув.
- 2) Нархни узгартирмай ракобатлашув.

Ракобат йули ҳам 2 хил булади:

- А) конунлар, қоидаларга асосланган маданий тусдаги ракобат,
- Б) конунсиз, қораланган, иқтисодий жосуслик, зуравонликка, қупорувчиликка асосланган ракобат.

Ракобат шароитида ҳар бир сотувчи еки харидор яққа ҳолда бозордаги баҳога таъсир эта олмайди.

Бозор монополист бўлса, у товарнинг баҳосига таъсир этади ва унинг баҳосини белгилайди, яъни баҳони оширишга ҳаракат қилади.

Бозорда ракобат бўлса, товарни сотишнинг икки хил йули мавжуд:

1. Товарни пастрок , баҳода қупрок сотиб фода олиш;
2. Товарнинг нархини юқори саклаб, уни оз миқдорда сотиб фойда олиш.

Агар товарнинг баҳосига алоҳида сотувчи (харидор) таъсир эта олмаса, бундай бозор структураси такомиллашган ракобатга асосланган бозор структурасининг ракобати дейилади.

Қуйидаги талаблар бажарилса , бозор структураси такомиллашган ракобатга асосланган булади:

1.Бозорда шу товарнинг қуплаб ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири бозордаги шу товарнинг қам салмоғини ишлаб чиқаради еки истеъмол қилади.

2.Харидорларнинг нуқтаи назарида товар бир хил сифатга эга. Сотувчиларнинг нуқтаи назарида ҳам барча харидорлар бир хил бўлиб қуриниши лозим.

Амалиётда бу шартнинг бажарилиши камрок учрайди. Хатто бутунлай бир хил булган товар харидорларга турлича куринади, чунки :

- а) сотилаётган жойнинг географик жойлашганлиги (уйингизнинг 1 каватидаги дукон билан 1 соат юриб борадиган дукон харидор учун бир хил мавқеига эга эмас).
- б) хизмат курсатиш шароити (хизмат курсатувчиларнинг муомаласи, ечимлилиги, маданиятлилиги, ташки курилиши..).
- в) реклама (мисол учун таркиби бир хил атирдан реклама килинадигани киммат кетади).
- г) товарнинг ташки курилиши (номи, нархи бир хил булган товардан ташки курилиши бежирим булгани яхши кетади).

3.Тармокка янги бир ишлаб чиқарувчининг кириши (кушилиши) ва чиқиб кетиши учун тусикларнинг йуклиги.

Янги ишлаб чиқарувчиларнинг киришига ҳар хил тусиклар қуйилиши мумкин:

а) фақат ишлаб чиқариш билан шугулланиш ҳукуки (алкогол ичимликлари ишлаб чиқариш, тиббий ускуналар сотиш ва ҳ.к.) бошқа ҳукукий тусиклар ҳам бўлиши мумкин (товарни четга чиқариш учун лицензия олиш, давлат руйхатидан утқазил).

б) йирик ишлаб чиқаришнинг афзаллилиги;

в) шу товарни ишлаб чиқариш патент билан ҳимоя қилинган (Масалан, пепси-кола, ичимлигини ишлаб чиқариш учун унинг патентини сотиб олиш лозим).

г) бозордаги эркин савдода ишлаб чиқариш омиллари ва бошқа моддий ресурсларнинг йуклиги ва ундан фойдаланишга йул берклиги (агарда бошқа ишлаб чиқарувчи чайков баҳосида шу омилларни сотиб олса ҳам, у рақобатда тенгсиз ҳолатда бўлади).

д) реклама, у товарни истеъмолчи кириб келишига йул очиб беради.

Тусикларни яна 2 га бўлиш мумкин: I- иқтисодий ва II - ҳукукий тусик. Ҳукукий тусикни бўзиш қийин, чунки у жинойят билан боглик.

4.Бозордаги сотувчи ва харидорлар учун тула ахборот бўлиши лозим. Ҳар бир харидор барча сотувчиларнинг шу товарга белгиланган баҳосини ва ундаги узгаришларни билиши керак.

5.Уз манфаатларини қўзлаган харидорларнинг хатти – ҳаракатлари самарадорликка бўйсунган бўлиши керак. Қоидаларга зид ҳеч қандай келишувлар, тил бириктиришлар бўлмаслиги шарт. Юқоридаги шартларга тула жавоб берадиган бозорни амалиётда учратиш қийин. Ҳаётда асосан тақомиллашмаган бозор структураси учрайди.

2-саволга жавоб

Мукаммал ракобат жамият учун жуда кучли стимул – ишлаб чиқариш харажатларини минимумлаштиришга ва иш хакини унинг меъерий унумдорлигига максимал яқинлаштиради.

Фойда эса тадбиркорлик активлигининг стандарт шароитлардаги натижаси сифатида чиқади. Бу фойдани Йозеф Шумпетер (1883-1950) статик фойда деб атади. Бунда иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришни янги даражага олиб чиқишга кодир эмас. Янги даража инновация билан боғлиқ, у эса ортиқча харажатни талаб қилади.

Новаторлик ракобатнинг янги типини шакллантиради. Бу ҳолат янги товар, янги технология, умуман бирор хил янгиликка, устунликка эга бўлганда содир бўлади.

Новатор бошқа фирмалар яшашининг асосига сув қуяди. Рақиб бошқалардан сакраб-сакраб олдинга кетиб қолади ва уз соҳасида монополистга айланади. Буни Шумпетер «Яратувчи бузгунлик» деб айтган.

Тарихан монополистик бирлашмаларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг охири - XX бошларида бошланган. Бу даврда йирик техник узгаришлар содир бўлди, биринчи навбатда металлургия, машинасозлик, химия саноатида. Электроэнергия қўллаб ишлатиш бошланди.

Бу эса ишлаб чиқаришни ва капитал йириклаштиришни ва марказлаштиришни талаб қилди. Шу икки йул билан корхона бозордаги ҳолатини яхшилаши мумкин.

Йирикташтириш - бу корхонани кенгайтириш, янги корхона, цех, филиал очиш билан усишдир.

Марказлаштириш - уз фаолиятини рақибларни (уз соҳасидаги еки яқин соҳадаги) сотиб юбориш орқали кенгайтиришдир.

XIX асрнинг охирида, энг ривожланган мамлакатларда саноатнинг етакчи тармоқларида тармок ишлаб чиқарадиган товарнинг анчагина қисмини уз назоратида ушлаган йирик корхоналар пайдо бўлди. Буларни монополия (грекча – моно - бир, ягона ва полио – сотувчи, эгалик қилувчи) деб атай бошладилар.

Бундай бирлашларнинг мақсади узларининг устунлик ҳолатларидан фойдаланиб бозорда узларига маъқул баҳоларни (монополь юқори ва монополь паст баҳони) белгилаб максимал юқори фойда олишдир.

Монополиянинг шаклланишида горизонтал ва вертикал интеграция тарзи ажратилади. Горизонтал интеграция бир тармок ичида монополистик бирлашманинг пайдо бўлиши, вертикал интеграция – бир - бирига яқин, ишлаб чиқариш цикли нуктаи назаридан бир-бирининг давоми бўлган тармоқларда монополистик бирлашмалар пайдо бўлади.

Умуман олганда, бозорнинг монополлашув даражасини икки асосий параметр билан белгилайдилар:

- а) корхонанинг бозордаги хиссаси
- б) янги фирмаларнинг тармокка кириш учун тусикларнинг бор йуклиги.

Тармокка киришга тусик буладиган нарсалар эса куйидагилардир:

- а) ишлаб чиқаришнинг хажмини ошириш билан боглик булган харажатларнинг тежалиши;
- б) легал барьерлар: патент, лицензия, нау-хау , товар маркалари ва бошкалар;
- в) нолегал барьерлар;
- г) давлат кучидан фойдаланиб тусиклар яратиш.

Юкоридагилардан алохида турадиган давлат монополияси хам бор. У давлат кучига таяниб, бирор бир максадда ташкил этилади. Давлат монополиятлари ривожланган мамлакатларда кам учрайди. Тоталитар жамиятларда эса уларнинг мавкеи катта.

Монополистлар технология узгармайдиган шароитда жамият учун зарар, аммо стандарт, узгармайдиган технология жамият учун, тараккиёт учун ундан хам катта зарардир.

Шунинг учун хам купгина давлатлар буни тушуниб корхоналарга вактинчалик (ва бу вакт борган сари кискариб бормокда) техника ва технология масаласида монополия хукукини беради. Масалан, АКШда бу 17 йил.

Монополия билан техник тараккиет уртасида яна бошка богликлик бор — монопол фойда олувчи уз фойдасининг анча кисмини уз мавкеини саклаб колиш учун илмий изланишларга сарф килади. Бу билан уларнинг нафакат узларига, балки жамиятга хизмат киладилар. Бундан ташкари илмий изланишларни концентрация килиш хажм катталиги жихатдан вужудга келадиган экономияни беради.

Кичик фирмалар фон билан, тадкикот билан шугулланишга имкониятга хам , хохишга эга эмас.

Шундай килиб, бозордаги кичик хукмронлик тадкикот билан боглик ишларни кучайтиради, катта хукмронлик эса сусайтиради .Демак, давлат иктисодиётда кичик хукмронлик булишига йул куйиб бериши керак, аммо катта хукмронлик пайдо булишини олдини олиши керак.

3-саволга жавоб

Шундай бозорлар борки, унда табиий монополист пайдо булиши мумкин. Кичик фирмалар булса хам , унга ракиб була олмайди, ракобат шароитини яратиб булмайди. Масалан, айрим кишлок хужалик махсулотларини чегараланган ердагина етиштириб булади. Бу холатда давлат уларни тартибга солиб туриш, уз назоратида ушлаш мақсадга мувофикдир.

Давлатнинг узи эса монополия яратмагани маъкул, колган монополияларга карши конун йули билан жуда эхтиеткорона курашиши керак.

Антимонопол сиёсат – бу ракобатни химоя килиш ва монополиялар пайдо булиши хамда монопол хукукдан фойдаланишга карши тусиклар яратиш йули билан ракобатни кучайтириш сиёсатидир.

Антимонопол сиёсатнинг асосий йуналишлари куйидагилардир:

1. Ишлаб чикариш хажмини чеклаш: бирор бир корпорация у еки бу товар ишлаб чикаришнинг 40-50 % ини назорат килишга хакки йук;

2. Йирик хукукий шахсларга (одатда мамлакатдаги 1000 та йирик корпорацияга) уз кулларида бошка корхоналарнинг маълум, катта хиссасини ушлаш таиккланади.

3. Антикартел конунчилик, яъни бахони ошириш учун хар хил келишувларни таикклаш.

Ривожланган мамлакатлар анча кучли антимонопол сиёсатга эга. Бунинг тарихи эса 1890 йилда кабул килинган АКШдаги Шерман конунига такалади. Шерман конунида тармок бозорларини кулга олган трестларни тугатиш ва унинг урнига марказлашмаган, ракобат асосида фаолият килувчи, эркин корхоналарни ташкил этиш назарда тутилган эди. Худди хозирги пайтда Макрософт фирмаси устидан бораётган суддагидек.

1914 йилда кабул килинган Клейтон актида ва савдо коммисияси хакидаги Федерал конунда майда тадбиркорларни химоя килишга асосий диккат - эътибор каратилган. Шу масала янада диккат билан Робинсон – Пэтман конунида (1936 йил) такомиллаштирилди. Клейтон конунига Селлер – Кефауэр тузатишларида (1950 йил) корпорацияларнинг кушилиши ва ютилиб кетиши хакидаги аникликлар киритилди.

Ўзбекистонда хам антимонопол конунчилик кабул килинган ва шу ишлар билан шугулланувчи махсус комитет тузилган. Аммо бизда бу жуда мураккаб жараен. Чунки давлат монополияси жуда кучли. СССРда асосан йирик, якка корхона куриш сиёсати юргизилган. Масалан, Бухорода 1 та нон завод, 1 та ун завод, 1 та сут заводи, 1 та гушт заводи ва хоказолар курилган, улар хозир хам монопол холатни эгаллаб келмокда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ракобат нима?
2. Ракобат йуллари ва усуллари кайсилар?
3. Шумпетернинг «Яратувчан бузгунлиги» нима?
4. Антимонопол сиёсат нима?
5. Антимонопол конунчилик нима?



МИЛЛИЙ ИКТИСОДИЁТ ВА ДАВЛАТ (2 соат)

РЕЖА:

1. Миллий иктисодиёт категорияси.
2. Бозорнинг камчиликлари ва микродаражада давлатнинг роли.
3. Давлатнинг макроиктисодий функциялари ва роли.
4. Ўзбекистонда давлат органлари.
5. Давлат қандай бўлиши керак?

АДАБИЁТЛАР :

1. Экономика под. ред. А.С.Булатова М. 1994г.
2. Макконнелл К., Брю С. Экономикс т 1. Гл. 6.
3. Фишер С. и др. Экономика гл .4.
4. Севлякянц С.Г. и др. Экономика основа жизни общества. Гл. 6
5. Всемирный банк о роли государства. Бизнес- вестник Востока. 1997 г. 24-30 июля. Стр. 19.

1- саволга жавоб

Миллий иктисодиёт деганда, маълум давлат территориясида бўлган бутун корхона, уй хужаликларининг узок тарихий даврда бирга бўлиб келиши оқибатида ҳамда давлатнинг унификациялаштириш сиёсати туфайли яхлит организм бўлиб фаолият курсатилиши тушунилади. Миллий иктисодиётнинг шаклланишида давлат ҳал қилувчи роль ўйнайди, чунки у ўз территориясида маълум иктисодий ҳаракатнинг қонун – қоидаларини жорий қилади ва шу ўйин қоидаларига риоя қилиш оқибатида вақт ўтиши билан қўпгина умумийликлар келиб чиқади. Миллий иктисодиёт албата асрлар давомида таркиб топади, шу нуқтаи назардан олсак, Ўзбекистонда ҳали миллий иктисодиёт шаклланиб бўлмаган. Аммо мустақиллик йиллари ўз натижасини бермоқда – миллий ўзбек иктисодиёти шаклланиб бермоқда.

Макроиктисодий қарор одатда маълум бир миллий иктисодиёт билан ҳамбарчас боғлиқдир. Давлат ўз территориясидаги субъектларгагина самарали таъсир қила олади. Давлатнинг иктисодиётдаги мавқеини тушуниш учун миллий иктисодиёт категориясини билишимиз керак.

2 - саволга жавоб

Давлатга булган эхтиежни тушуниш учун биринчи навбатда бозорнинг камчиликларини куриб чикайлик:

- такрор хосил килиб булмайдиган ресурсларни асрашга ердам бермайди;
- атроф- мухитнинг химоя килишнинг иктисодий механизмларига эга эмас;
- жамоа фойдаланиши мумкин булган товар хизматлар ишлаб чикаришга стимул яратмайди;
- ракобатни монополия усиб чиқиш муаммосини хал кила олмайди;
- фанда фундаментал тадқиқотларни таъминлаб бера олмайди;
- меҳнат килиш ҳуқуқини кафолатламайди;
- даромаднинг адолатли тақсимотини таъминлаб бера олмайди;
- ижтимоий - зарур товарларни ишлаб чикаришга ориентир олмаган, балки кимни пули булса, ушани талаб хоҳишларини кондиради;
- ишсизлик ва инфляция касалликларига эга булган ностабил, циклик ривожланиш жараенига эга;

Мана шу камчиликларни юмшатиш учун ҳам давлат керак. Давлат бозор механизмларини ишлаши учун шароитни яратадиган институтдир. Бозор иктисодиётининг асоси хусусий мулк булганлиги учун давлат , биринчи навбатда хусусий мулкни дахлсизлигини таъминлаб бериши керак. Хусусий мулк кафолатланмаса бозор самарали ишлай олмайди. Давлат микро даражада бозор мувозанатига солиқлар, квоталар, дотация, субсидиялар билан таъсир килади.

Давлатнинг микродаражада аралашуви одатда зарарга олиб келади. Аммо шуни килиш учун куйидаги сабаблар мавжуд:

- а) ташки омиллар.... (сиесий, харбий ва бошқалар ҳам);
- б) ижтимоий товарларни ишлаб чикариш зарурати;
- в) вақт утиши билан ракобат сусайиб монополияга олиб келиш хавфи;
- г) информациянинг тулик булмаганлиги;

Демак, мана шулар микродаражада давлат иктисодиётга аралашувни талаб килади. Бирок , давлат асосан микромуаммоларни хал килиш учун зарур. Шунинг учун асосий эътиборни давлатнинг макроиктисодиётдаги роли ва вазифаларига тухталамиз.

3-саволга жавоб

Давлатнинг роли ва функциялари иктисодиёт узгариб бориши билан узгариб боради. Урта асрларда сиесий, диний, харбий вазифалар биринчи даражали ахамият касб этган. Соф ракобат шароитида давлатнинг функцияси факат хусусий мулк ва бозор механизмнинг ишлашга шароит яратишдан иборат булган. Тоталитар иктисодиётда давлатнинг жамиятда урни, роли тубдан узгаради. У бутун

иктисодиётнинг асосий ричагларини уз кулига олишга ҳаракат қилади. У корхонанинг ички ишларига нафакат аралашади, балки уз кулига олиб бошқаради, назорат қилади ва ҳатто режалаштиради.

Бозор иктисодиёти шароитида у тубдан узгаради. Ҳозирги замон бозор иктисодиёти шароитида давлатнинг роли соф ракобат еки монополистик капитализм давридан анча мураккаблашган.

Ҳозирги замон ҳукуматнинг мақсадини 3 суз билан ифодалаш мумкин: а) рағбатлантириш; б) барқарорлаштириш; в) адолатни таъминлаш.

Шу мақсадга эришиш учун давлатнинг функцияси келиб чиқади:

а) Конун чиқариш. Аваломбор, бозор нормал ишлаши учун ҳукукий базани яратиш зарур. Бунинг учун ҳужалик бирликларини узларини тутишларини белгиловчи конуний актлар қабул қилиш керак. Бошқача айтганда, уларга уйин қоидаларини ишлаб чиқиш керак ва уларни бузадиган, риоя қилмайдиганларни жазолаш йулларини ишлаб чиқиш керак.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, давлат факат уйин қоидаларини белгилайди, у уйинга қуп аралашса уйин бузилади. Давлат ривожланишга тормоз булиши мумкин еки бозорни жадал суръатда усишга йул очиб бериши мумкин.

б) Ракобатни химоя қилиш. Олдинги мавзуда қуриб утган эдикки, агар давлат (жамият) ракобат шароитини таъминлаб турмаса, уни химоя қилмаса, корхоналар монопол позицияга эга булишга интилиб, монополиyani вужудга келтиради. Шунинг учун давлат ракобат шароитини химоя қилиши керак.

Людвиг Эрхарднинг қуйидаги гапи ривожланган мамлакатларнинг иктисодий сиёсати ва бутун ҳужалик фаолиятининг асоси булиб қолган :

“Қаерда имқоният булса уша ерда ракобат, қаерда зарур булса тартибга солиш”.

Ракобатни химоя қилиш учун давлат хилма - хил инструментлардан фойдаланади. Аммо бу биринчи навбатда антимонопол сиёсат ва унинг асоси булган антимонопол қонунчиликдир. Бундан ташқари давлат қичик ва урта корхоналарни ривожланишини ҳар хил йуллар билан рағбатлантириши зарур. Бунинг учун давлат

- қонуний норматив базани яратиш керак;
- солиқ жихатдан имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиши керак;
- молиявий жихатдан қуллаб - қувватлаш;
- кадрларни тайёрлаб бориш;
- информацион таъминот;
- ишлаб чиқариш даражасини ошириш (давлат ҳисобидан янги техникалар сотиб олиш, ноу-хау, патент...).

в) Товар ва хизматларни сотиб олиш ва сотиш. Давлат муҳофаа, маориф, фан ва бошқа соҳалар учун товар ва хизматларни олди - сотди қилади.

г) Ишлаб чиқариш. Ҳамма давлатларда ишлаб чиқаришнинг анчагина қисмини (10 -12 % энг ривожланган давлатларда, қолоқ давлатларда эса анча қуп) уз

кулига олган. Масалан, олтин казиб чикариш, уран, айрим харбий техникалар, электроэнергия ва хоказолар давлат монополиясидадир.

д) Адолатни таъминлаш. Давлат жамиятда бозор таксимлаган даромаднинг анчагина кисмини кайта таксимлашни уз буйнига олади. У хар хил трансферт туловларини (пенсия, стипендия, нафака) тулайди. Шу йул билан кам даромад курадиганларни бозор стихиясидан кисман химоя килади.

е) Солик солиш. Давлат трансферт туловларига маблаг топиш учун хамда узининг бошка функциялари бажариш учун маблагга эга булиши керак. Бу маблагни эса давлат ахоли ва корхоналарга хар хил соликлар солиш оркали йигади. Афсуски, давлатнинг харажатлари тез усиб бормокда, буни эса асосан солик билан коплашга тугри келади. Масалан, Америка кушма Штатларида 1929 йилда давлат харажатларининг ЯММ даги хиссаси 3% ташкил этган. 1985 йилда эса 25% ни ташкил этган. Яъни давлат харажатлари ЯММ га нисбатан жуда тез усмокда.

ж) Иктисодиётни баркарорлаштириш. Бу авваломбор иктисодиётнинг учта катта касаллигига – ишсизлик, инфляция, цикли ривожланиш – карши курашишдир. Давлат уз компетенциясини реализация килиб соликлар ва давлат харажатларини устидан назорат урнатиб, иктисодиётдаги пул хажмини назорат килиб иктисодий цикл тебранишларига, ишсизликнинг ва инфляциянинг пасайишига харакат килади.

з) Иктисодиётни тартибга солиш. Давлат хозирги даврда уз мамлакати иктисодиётини жадал усиш, бошка давлатлардан оркага колиб кетмаслиги учун, авваломбор, иктисодий ривожланишнинг приоритетларини аниклаши керак. Техника, технология, фанда чукур силжишлар содир килиш, чукур структуравий кайта куришлар, фундаментал илмий изланишларини ривожлантириш, мамлакатни миллий манфаатларини жахон иктисодиётининг салбий таъсирларидан химоя килиши керак.

4 - саволга жавоб

Иктисодиётни тартибга солишда иерархия шаклида ташкил топган ҳукуматнинг 3 тармоги – ижро этувчи (президент аппарати), конун чикарувчи (Олий мажлис) ва суд (конституцион суд, прокуратура, адлия тизими) катта роль уйнайди. Бундан ташкари, пул муомаласини тартибга киритишда Узбекистоннинг марказий банкининг уз урни хам бор. Хозирги Узбекистонда совет давлати саркити сифатида олдинги вазирликлар ва уларнинг уринларида тузилган тармок корпорацияларининг роли хам анча каттадир. Давлатнинг иктисодий сиёсатини хаётга тадбик килишда вилоят ва туман хокимиятлари хам фаол катнашадилар. Кейинги йилларда тадбиркорларнинг тугилиб келаётган уюшмалари хам бу жараенга катнашмокдалар.

5 - саволга жавоб

Жахон банкининг президенти Джеймс Д. Вулфенсон шундай езади : «Давлат ҳамма вақт ҳам уз ваъдасини бажаришга кодир эмас. Купгина мамлакатлар шу хулосага келдиларки, бу шароитда энг тугри йул давлатнинг ролини минимумга келтиришдир. Хозирги замон учун “самарали давлат” керак. Бу шундай давлатки, бозорларни жадал узишга шароит яратиб беради, халкни эса тук ва бахтли яшашга имкон беради. Давлат уз фаолиятини энг яхши бажара оладиган функцияларига каратиши керак. Купгина давлатлар, жумладан Узбекистон мамлакатининг давлати ҳам, жуда кам ресурсларга эга булиб, жуда куп муаммони хал килмокчи буладилар. Окибатда, фойдадан кура купрок зарар келтирадилар.

Давлат ишида юкори самарадорликка эришиш мумкин, кайси пайтдаки, бозор кучлари ва гражданларнинг ихтиерий уюшмалари хал килиб билмайдиган вазифаларгагина давлат уз эътиборини каратиб, фаолиятини шунга периориентация килса.

Йозеф Е Штиглиц, жахон банкининг бош иктисодчиси айтганидек, давлат ва бозор бир - бирини тулдиради. Давлат бозор механизмлари ишлаши учун институционал асосларини яратиш учун зарур. Бозор килиб биладиган ишни давлат килишига хожат йук.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: давлат куйидаги вазифаларни бажариши керак :

- ҳукукий асосларни яратиш;
- баркарор макроиктисодий ситуацияни саклаш учун сиёсат юргизиш;
- инфраструктура ва социал характердаги базавий хизматлар учун капитал маблағларни амалга ошириш ;
- ижтимоий жихатдан химоя килинмаган жамият аъзоларини комплекс тарзда химоя килиш;
- атроф мухитни муҳофаза килиш.

Тажриба шуни курсатадики, мулкчилик ҳукуки каттик химоя килинмайдиган шароитда бозор самарали ишлай олмайди. Бунинг учун:

а) талон - тарож, зуравонлик ва бошка жиноятлардан кишиларни химоя кила билиш;

б) давлат аппаратининг уз бошимчалигидан химоя килиш (коррупция, ноҳақ солиқ солиш, номаъкул уйин коидаларини жорий килиш...);

в) адолатли ва аниқ ишловчи суд системасини таъминлашдир.

Давлат монополизмга карши курашибгина колмай, балки узи ҳам монополист булиши керак эмас. Ким булишидан катъий назар, хатто давлат ҳам монополист булса, у тараккиетга охир - окибат тусик булади.

Давлат халк учун очик ва рангсиз (прозрачный), тиник булиши керак. Халк давлат лидерларига тааллукли хохлаган маълумотни ола биладиган булишлари керак. Бусиз ишонч булмайд, ишончсиз эса давлат аппарати уз ишини яхши ташкил эта олмайди.

Дуненинг асосий регионидаги давлатларнинг асосий муаммолари:

а) Сахараданн пастда жойлашган Африка давлатлари - давлатчилик кризиси. Булар учун, авваломбор, ишлайдиган давлат иерархиясини яратиш керак.

б) Шаркий Осиё мамлакатлари - уз олдидаги традицион вазифаларни яхши ечмокда, аммо янги вазифаларни (атроф - мухитни химоя килиш, молия секторини реформа килиш) уддалай олиш вазафаси турибди.

в) Жанубий Осиё – хаддан ортик булган тартибга солиш мавжуд. Давлат иктисодиётга аралашиб корхоналарга ишлаб чиқариш бўйича план беради. Давлат тасарруфида булган корхоналарнинг мавкеи иктисодиётда катта, хусусий секторда давлат хаддан ташқари куп нарсани регламентация килади.

г) Хамкорлик давлатлар – давлат органларининг бир - бирига бўйсунити суи, асосий институтлар ишининг самараси паст, жинойтнинг усаётганлиги, мулкчилик ҳукукларининг ёмон химоя килинаётганликлари, қонуний ва норматив меҳанизмларнинг тутуриқсизлиги.

д) Лотин Америкаси давлатлари – асосий муаммо давлат ҳукукларини децентрализация килиш. Бу биринчи навбатда Бразилия, Мексика каби катта давлатларга тааллуқлидир.

е) Шимолий Африка ва Яқин Шарқ - ишсизлик муаммоси ушиб кетган давлат аппаратини қисқартиришга асосий тусик. Бу регион аҳоли тез усаётган регионлардан бири. Бизнеснинг ушити ушиб келатган ёш кадрларни ҳаммасини ишлаб чиқаришга жалб килиш имкониятига эга эмас. Оқибатда аҳолининг бир қисми мамлакатни ташлаб кетишмокда. Бир қисмини эса давлат аппарати сунъий равишда буртириш ҳисобидан иш билан таъминлаб турибди.

Ўзбекистон ҳукуматиға келадиган булсак, энг муҳим муаммолар қуйидагилардан иборат: давлат аппаратнинг хаддан ташқари катталиги, таталитар иш принципларининг мавжудлиги, раҳбариятда таталитар менталитетнинг мавжудлиги, ишсизлик муммосини тез ва салбий оқибатларсиз ҳал килиш зарурияти, дунё бозорларига йул очиш қийинлиги, атрофни қолок ва ностабил давлатлар қуршаб олганлиги.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Миллий иктисодиёт нима?
2. Давлат нега керак ва у қандай иктисодий вазифаларни бажаради?
3. Нега давлатни иктисодиётдаги мавкеини қамайтириш керак?
4. Давлат нега макро даражада ҳам , микро даражада ҳам иктисодиётга аралашити керак?



ИКТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБЛАШ (2 соат)

РЕЖА:

1. Иктисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг эволюцияси.
2. Давлатнинг иктисодиётга таъсир этиш усуллари. Тартибга солиш объектлари.
3. Давлатнинг иктисодий сиёсати. Программалаштириш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Йулдошев З., Косимов М. Макроиктисодиёт асослари 12 боб.
2. Реферат учебника П. Самуэльсона и В. Нордхауса “Экономика” – Экономические науки, 1990 г. № 3,10.
3. Бункина М.К., Семенов В.А. Макроэкономика . гл. 5.
4. Фишер и др. Макроэкономика. Гл. 4.

Хаммадан куп конунлар галаенли
даврда кабул килинган.
Тацит.

1-саволга жавоб

Иктисодиётни давлат томонидан тартибга солиш узок тарихга эга. Илк капитализм даврида Европада бахолар, товарлар ва хизматлар сифати, фоиз даражаси ва ташки савдо устидан марказлашган назорат булган.

Иктисодиётни тартибга солишнинг биринчи модели - меркантилизмдир. XVII аср меркантилистлари – норматив иктисодий назариянинг пионерлари – ёзганларки, хужалик соҳасини ипидан игнасиғача бошқариб (хукумат томонидан) иктисодиётда(жамиятда) тартибни таъминлаш мумкин. Улар давлат томонидан бошқаришни ижтимоий адолатни таъминловчи восита деб ҳисоблашган.

Иктисодиётни тартибга солишнинг иккинчи модели – классицизм еки иктисодий либерализм булиб, у XVIII , асосан XIX аср учун характерлидир. Бунинг хусусияти шуки, давлат лимитланган тарзда хужалик ҳаётига аралашган, давлатнинг вазифаси асосан хусусий мулк эгаларини ва танлаш эркинлигини

химоя килишдан иборат булган. «Давлат - хусусий мулкнинг тундаги коровули еки Lazzer faire + констиебль» тезиси келиб чиқади.

20 асрнинг тартибга солишнинг асосий моделлари кейнсчилик ва неклассицизмдир. Агар 19 асрда асосан кичик корхоналар булган булса, аср охирига келиб техника тараккиети туфайли илгор давлатларда йирик корхоналарнинг мавкеи усиб борди. 20 асрда улар хал килувчи роль уйнай бошладилар. Улар секин - аста илгор давлатларнинг хаммасида хал килувчи позицияларни эгалладилар ва ракобатни кисиб куя бошладилар, нарх устидан назоратни уз кулларига олдилар. Бахо олдингидек автоматик регулятор сифатига эга булмай колди. Бу туб узгаришлар иктисодий организм учун кучли реакцияни келтириб чикарди. Окибатда бизга маълум ва машхум «буюк кризис» содир булди (1929 - 1933 йил). Бунда стихияли бозор тартибга солиши билан йирик корхоналардаги режали бошқариш тизимлари уртасида зиддият борлиги намоен булиб колди. Мана шу даврда «капитализм холоскори» - Жон Мейнард Кейнс (1883 - 1946) , инглиз иктисодчиси пайдо булади. У тартибга солинувчи капитализм мумкин дейди, бунинг учун давлатнинг «йуналтирувчи кули» - хужалик механизмини давлат томонидан тартибга солиш булиши керак, дейди.

Кейнс томонидан амалга оширилган иктисодиёт назариясидаги революция давлатларнинг иктисодий сиёсатининг янги курсини ишлаб чиқишга асос булди. Кейнсчилик асосий эътиборни тартибга солишнинг бюджет - солик ва маъмурий усулларига катта эътибор беради.

Тартибга солишнинг бошқа модели булган неоклассик модели асосий кучни тартибга солишнинг пул - кредит усулларига беради. Неоклассик окимнинг лидерларидан бири Нобель мукофоти лауреати Мильтон Фридман хисобланади.

Таъкидлаган эдики, иктисодий эркинлик бозор тизими билан чамбарчас боглик, у буйрукбозлик тизимига нисбатан анча яшовчидир. Аммо Рузвельтнинг янги курсидан (1933 йил) то 70 йилларгача ҳукуматларнинг иктисодий сиёсати мақсадга қаратилган ва доимий булиб борди ва энди макроиктисодий характерга эга булди, яъни иктисодиётнинг у еки бу масаласини эмас, балки бутун иктисодиётни камраб олди. Кейнсчилик ривожланган мамлакатларда ҳукуматларнинг иктисодий сиёсатининг асосини ташкил этди. Ноклассикларни эшитишмас эди. Фақат 2чи жаҳон урушидан кейин Л. Эрхард ҳукуматга келгач, у уз устози «немис муъжизасининг» назариячиси В. Ойкеннинг фикрларини ҳаётга тадбиқ қила бошлади. Ойкеннинг умумий фикри шундай эди : «иложи борида давлат томонидан тартибга солишнинг соҳасини қисқартириш».

1974- 75 йилдаги кризис, ундан кейинги стагфляция жараёнлари кейнсчиларнинг таклифлари билан янги тугилган муаммоларни хал қилиб булмаслигини курсатди, окибатда уларни ривожланган мамлакатларнинг иктисодий сиёсатидан анча сиқиб қуйди ва неоклассикларни гапига кулок тута бошладилар.

М. Фридман АКШни бу кризисдан олиб чиқиш концепцияси ишлаб чиқди. Бу концепциянинг асосида давлат томонидан фақат пул устидан назорат қилиш, хусусий секторни рағбатлантириш, баҳо масаласини бутунлай бозор ихтиерига қолдиришдан иборат эди. Неоклассикларнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, улар кишиларга оқил деб қарашади.

2-саволга жавоб

Давлатнинг иқтисодий таъсир этиш усуллари:

- ҳуқуқий нормалар (уларни жорий қилиш, узгартириш...);
- дастурлар ишлаб чиқиш (илмий, техникавий, социал, экологик ва бошқалар);
- информация билан таъминлаш;
- молия - иқтисодий рычаглар орқали таъсир этиш (солиқлар, баҳолар, фоизлар...);
- давлат харидлари қилиш;
- лимитлар, квоталар, дотация, субсидиялар, инвестициялар ва бошқалар.

Хар қандай иқтисодий тизимда давлат иқтисодий тартибга солишга интилади, аммо ҳар бир тизимда ва даврда бунинг узига хос услублари, механизмлари, объектлари бор.

Бозор иқтисодиётида давлат томонидан иқтисодий тартибга солиш қонунчилик, ижрочилик ва назорат қилиш чораларининг йигиндисидан иборат бўлиб, бундан мақсад системанинг барқарорлигини таъминлаш, шу билан бирга узғариб бораётган шароитга мослаштиришдан иборат.

Ҳозирги замонда давлат томонидан иқтисодий тартибга солишнинг асосий объектлари қуйидагилардир:

- иқтисодий цикл;
- ҳужаликнинг секторли, тармокли ва регионли структураси;
- капитални жамғариш шароити;
- иш билан таъминланганлик;
- пул муомаласи;
- тулов мувозанати;
- илмий - текшириш ишлар;
- баҳолар;
- рақобат шароити;
- ижтимоий муносабатлар;
- мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- атроф - муҳитни муҳофаза қилиш;
- ташки иқтисодий алоқалар.

Албатта ҳар бир даврда ва давлатда узига хос объектлар булиши мумкин. Лекин , умуман олганда ривожланган мамлакатларда бу объектлар сони камайиб бормокда.

Давлат томонидан тартибга солиш воситаларини куйидаги 4 гуруҳга ажратадилар:

- А) маъмурий.
- Б) иктисодий.
- В) психологик.
- Г) ҳукукий.

Маъмурий воситалар давлат кучига таяниб рухсат бериш, таъкиклаш, мажбур килиш чораларидан иборатдир. Энг ривожланган давлатларда ҳам бу воситалар кулланилади. Масалан, Францияда ҳукумат Париж агломерациясида янги йирик корхоналарни куришни таъкиклаб куйган, яъни лицензия умуман бермайди. Бундай килинишга Парижнинг хаддан ташкари усиб кетганлиги сабаб булган (шаҳарда 10 миллиондан ортик аҳоли яшайди). 70 йилларда Париж Франциянинг қарийб 1/3 қисм саноатини берар эди. Шаҳар анча ифлосланган эди. Шунинг учун бу қарор қабул килинган. Маъмурий чоралар (йирик-йириклари) илгор давлатларда камдан - кам (одатда экстремал) ҳолатда кулланилади. Масалан, Японияда II жаҳон урушидан кейин катта концернларни мажбуран майдалаштириш чораси амалга оширилган.

Мамлакатда ҳукукий нормаларини белгилаш ва бозор субъектларининг фаолият килишлари учун тартиб - қоидаларни ишлаб чиқиш ҳукуматнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу уйин қоидалари такомиллаштириб, узгартириб, янги қонунлар қабул килиб давлат иктисодиётга қучли таъсир этади.

Ҳозирги замонда иктисодиётни тартибга солишда психологик воситаларнинг ҳам роли катта. Телевидение, матбуот, радио ва бошқа йуллар билан ҳукумат аҳолининг психологиясига, унинг қарор қабул килишига, уни узгартиришга ва шу йул билан иктисодиётга таъсир килишга ҳаракат килади.

Албатта иктисодиётга таъсир килишнинг асосий воситалари бу иктисодий воситалардир. Уларни куйида кенгрок қурамиз.

3 - саволга жавоб

Давлатнинг иктисодий сиёсати иктисодиётни тартибга солишга қаратилган булиши керак. Давлат томонидан иктисодиётни тартибга солиш хилма - хил сиёсат ва таъсир шаклларида фойдаланади:

- давлат тадбиркорлиги;
- давлат харидлари;
- солиқ сиёсати;
- молия сиёсати;

- пул - кредит сиёсати;
- инвестиция сиёсати;
- структура сиёсати;
- антимонопол сиёсат;
- илмий техника сиёсати;
- программалаштириш;
- баҳо белгилаш;
- ташки иктисодий фаолиятни тартибга солиш.

Давлат тадбиркорлик билан шугулланиши учун давлат уз мулкига (корхоналарига) эга. Хозирги иктисодиётда давлат мулкининг хиссаси анчагина. Одатда давлат мулки миллий аҳамиятига эга булган, олди – сотди объекти булмаган нарсалардир (урмонлар, сувлар, парклар, тарихий обидалар...).

Давлат кулида мамлакат учун жуда катта аҳамият касб этувчи иктисодий объектлар (алока, энегетика, транспорт ва хоказо тармокларда) еки бизнесменлар инвестиция ажратишни, шугулланишни хохламайдиган сохаларда (каналлар куриш, шаҳар канализацияси каби) ехуд жуда куп фан харажатларини талаб киладиган сохаларда булиши мумкин.

Давлат секторини ривожлантириш давлатнинг иктисодиётни тартибга солиш, жумладан, хусусий секторга таъсир килишнинг муҳим воситасидир. Давлат сектори структура сиёсатини олиб боришда ҳам катта роль уйнайди. Давлат мулки давлат бюджети маблағлари хисобига еки национализация хисобига усади.

Давлат харид килиш оркали ҳам иктисодиётга жуда кучли таъсир килади: у хусусий сектор учун иш фронтини кенгайтиради. Давлат харидлари ривожланган мамлакатларда , авваломбор, армия (харбий заказлар) ни кулаб кувватлаш учун керак. Бундан ташкари фермерларни куллаш учун кишлок хужалиги товарларини давлат томонидан харид килиш ҳам кенг таркалган. Аммо давлат мулки ва давлат хариди тизими ривожланган мамлакатларда кискариб бормокда. Давлатнинг кучли булиши учун узида катта мулкни олиши шарт эмас. Масалан, Швецияда давлат кулида ишлаб чикариш фондларининг 5% мужассамлашган, аммо у уз каналлари оркали миллий даромадининг 80% ини кайта таксимлайди, шунинг учун тенг ярми (40 %) ижтимоий мақсадларга сарфланади.

Пул - кредит сиёсатининг воситалари кейинги мавзуларда кенгрок утилади, бунда факат 3 тасини санаймиз:

- хисоб даражаларини тартибга солиш;
- минимал резерв хажмини урнатиш ва узгартириш;
- ҳукумат органларининг кимматли коғозлар бозорида операциялар килиш.

Бюджет - солик сиёсати ҳам тартибга солишнинг жуда кучли куроли, у сиёсат даромадлар сиёсати , харажатлар сиёсати ва структура сиёсатлари билан чамбарчас боғланган.

Ташки иктисодий алокаларни тартибга солиш – бу экспорти, импорти, капитал оқими, иш кучи миграциясини, технология оқими, валюта муносабатларини уз ичига олади.

Давлат иктисодиётни тартибга солишда солиқнинг аксинча йуналишдаги (давлатдан корхонага) ҳаракати бўлган дотация ва субсидиялар ҳам иктисодиётни тартибга солишнинг курулларидир. Аммо буни жуда эҳтиёткорлик билан ишлатган маъқул. Чунки у боқимандалик кайфиятини ривожлантиради. Собик СССР тажрибаси буни яққол курусаиб берди. Ун йилликлар давомида берилган дотациялар совет корхоналаринг рақобатбардошлигини пасайтириб юборди, маҳсулот сифатини тушириб юборди, техника ва технологияни эса консервация қилиб ташлади.

Иктисодиётга давлат томонидан таъсир этишнинг қисқа муддатли усулларида ташқари узок муддатга мулжалланган тартибга солиш усуллари ҳам ишлатилади. Бунда структура, илмий - техникавий сиёсат олиб борилади. Бу сиёсатлар илмий техника таракқиети талабларига жавоб берадиган инфраструктурани яратиш, қолок регионларни ривожлантириш, самарадорликни ошириш, миллий капиталнинг рақобатбардошлиги ошириш, ИТР талабига жавоб берадиган кадрларни тайерлаш қаб вазиқаларга қаратилади. Бу аввало режалаштиришдир. Бунда қисқача тарихга туҳтасак, у уч босқичдан иборат:

А) директив режалаштириш (СССРда 1928 – 1990 йил, Франция 1945 - 1956 йил.). Бунда режа мажбурий бўлиб, асосан ишлаб қикариш ҳажмига таалуқли бўлган, яъни план - қаз.

Б) индекатив (реқомендация) план, бунда режа реқомендация ҳарактерига эга бўлган, яъни ихтиерий бўлган. Шу билан давлат ва ҳусусий корхоналар уз позицияларини қоординация қилганлар. (бу айрим давлатларда ҳозир ҳам бор, аммо асосан 80 йилларгача бўлган).

В) ҳозирги босқич, стратегик режалаштириш еки программалаштиришдир. Бунда режа ориентир ҳарактерга эга. Ривожланган мамлақатларнинг иктисодиётининг очиклик даражаси жуда юқори, шунинг учун давлатнинг маневр қилиш имқонияти қегараланган.

Программалаштириш давлат томонидан иктисодиётни тартибга солишнинг энг олий шаклидир. Унинг вазиқаси давлат томонидан тартибга солишнинг бутун элементларини глобал мақсадлар учун қомплекс ишлатишдан иборат.

Масалан, Францияда 1993 - 1997 йиллар учун ишлаб қикарилган программада асосий мақсадлар – маориф, илмий таққиқотлар, ақолининг ижтимоий ҳимоялаш, мамлақат территориясини ободонлаштириш ва маъмурий ҳизматларни янқилаш. Ҳамма нарса биринчи навбатда шунга бўйсундирилган.

Программалаштириш учун қабул қилинадиган дастурлар вақт нуқтаи назаридан қисқа мудатли (1 йилгача), урта муддатли (5 йилгача) ва узок муддатли дастурларга бўлинади. Программалаштиришнинг объект тармок (масалан, қишлоқ ҳужалиги, туризм) , регион (Масалан, Аляскани ривожлантириш

дастури), ижтимоий соҳа (Масалан, Япониядаги олий таълимни ривожлантириш дастури), илмий тадқиқот йуналиши (масалан, ядроэнергетика) бўлиши мумкин.

Дастурлар одатдаги ва фавқулоддаги (масалан, Германияга ГДР кушилгач, "«Янги ерларни структуравий қайта қуриш ва хусусийлаштириш дастури"») программалар бўлади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг чегараси борми? Ҳа, у хусусий мулк эгасининг мафлаҳига мос тушса, бу фаолият самара беради, бўлмаса йук.

Программалаштиришда 4 сектор ажратилади:

- а) реал;
- б) бюджет;
- в) мониторинг;
- г) тулов баланси.

Финляндияда 5 еки 6 программалаштириш мактаблари бор. Бир машҳур фин программистининг прогнози 2% хато чиққани учун ишдан ҳайдалган. Нафакат ишдан ҳайдалган, балки у иш билан қайта шугулланиши таъқиқлаб қўйилган. Бу ривожланган мамлакатларда программалаштиришга қанчалик эътибор берилаётганлигини кўрсатади.

Иқтисодий сиёсатни амалга ошириш жуда мураккаб масала. Бундан хал қилиш учун авваломбор, аниқ мақсадни қўя билиш керак. Мақсад миқдоран улчаб бўлинадиган бўлиши керак ҳамда шундай мақсадлар қўйиш керакки, қайсики уларни бозор таъминлаб бера олмасин.

Миқдорга эришиш учун таъсирчан сиёсий инструментлар олинishi керак:

- 1) бюджет
- 2) солиқ
- 3) кредит
- 4) валюта

Бундан ташқари, Типберген тенгсизлигини бажариш шартдир: мақсадлар сони давлат ихтиёрида бўлган иқтисодий сиёсатнинг инструмент (маблағ) заҳасларидан ошмаслиги керак, яъни

$$K < S$$

бунда, K - мақсад , S – инструментлар.

Сиёсий инструментларнинг самарадорлиги бир хил эмас. Шунинг учун уларни жойида ишлата билиш керак.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш қамчиликлари :

- унга паст самарадорлик ҳос;
- давлат уз фаолияти билан айрим пайт бизнес ривожланишига тусик бўлади;
- давлат фаолияти доимо бюрократизм, лоббизм, сиёсий институтларнинг зуравонлиги билан қасалланган.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Давлатнинг иктисодиётни тартибга солиш объектлари қайсилар?
2. Тартибга солиш усуллари қайсилар?
3. Қандай самарали тартибга солиш инструментларини биласиз?
4. Иктисодиётга таъсир этишда қандай сиёсатлар ишлаб чиқилади ва қулланилади?
5. Программалаштириш нима?
6. Программалаштиришнинг қандай шакллари бор?



МОЛИЯ ВА СОЛИК СОЛИШ ТИЗИМЛАРИ. **(2 соат)**

РЕЖА:

- 1.Хозирги замоннинг молия тизими.
- 2.Давлат бюджети.
- 3.Солиқлар ва солиқ тизими.
- 4.Ўзбекистонда бюджет ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Фишер и др. Экономика гл.28.
- 2.Долан Э. Макроэкономика гл.7.
- 3.Севлякянц С.Г. и др. Экономика основа жизни общества. Гл8.
- 4.Бункина М.К.. Семенов В.А. Макроэкономика. Гл. 5.
- 5.Экономическая теория. Учебник для студентов ВУЗ. Гл. 21,24
(Абдурахманов и др.).
- 6.Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. Т.
1998 г. стр. 203-219.
- 7.Бозор муносабатлари шароитида миллий иктисодиётнинг
ривожланиши. Эшмухаммедов ва бошқалар. Т. 1996 й. 11 боб.

«Бу дунёда улим ва солиқдан бошқа
хеч нарсага аниқ ишониб бўлмайди»
Б.Франклин.

1 - саволга жавоб

Молия – иктисодий муносабатлар системаси бўлиб, такрор ишлаб чиқариш учун бўлган жамиятнинг пул фондлари ташкил топиши, тақсимланиши ва фойдаланиш жараёнида содир бўлади.

Молия муносабатлари давлат, корхоналар, ташкилотлар, регионлар, уй хужаликлари уртасида пул фондларининг ҳаракати бўйича содир бўлади.

Молия узаро бир - бири билан боглиқ бўлган 4 функцияни бажаради:

- такрор ишлаб чиқариш,
- тақсимлаш,
- рағбатлантириш ва
- назорат.

Такрор ишлаб чиқариш функцияси такрор ишлаб чиқаришнинг мутаносиблигини, динамиклигини, барқарорлигининг зарурий шарти булган ишлаб чиқариш ва молия фондларининг доиравий айланишини молиявий жиҳатдан таъминлаш ва унга хизмат килишдан иборат.

Молиянинг таксимот функцияси яратилган миллий маҳсулотни тармоқлар, соҳалар, регионлар, уртасида таксимлаш ва қайта таксимлашдан иборатдир.

Молиянинг рағбатлантириш функцияси, биринчидан, корхонада яратилган маҳсулотнинг қийматини таксимлаш жараенида содир булади, Иккинчидан, корхонанинг молия фондларини ташкил этиш ва сарфлаш механизмлари орқали содир булади. Икки ҳолда ҳам молия ишлаб чиқариш самарадорлигига кучли таъсир тади.

Молия ишлаб чиқариш , таксимот, истеъмол устидан назорат килиш учун ҳам фойдаланилади.

Молия қуйидаги гуруҳ муносабатларини уз ичига олади:

- а) давлат ва корхоналар уртасидаги молия муносабатлар (соликлар, субсидия, дотация...);
- б) корхоналар уртасидаги молия муносабатлар (хар хил ужалик шартномалари);
- в) корхоналар ва банклар уртасидаги молия муносабатлар (кредит , фоиз, дивиденд);
- г) корхона ичидаги (маъмурият билан ишловчи уртасида, корхона бўлимлари уртасида);
- д) хар хил даражадаги давлат органлари уртасидаги муносабатлар (масалан, вазирлик билан хокимлик...);
- е) давлат билан граждaнлар уртасидаги муносабат (соликлар , нафака, пенсия).

Қуйидаги молияларни ажратадилар:

- I. корхона молияси;
- II. давлат бюджети;
- III. ижтимоий таъминот;
- IV. нафака таъминоти;
- V. сугурталаш (давлат , медицина, хусусий)
- VI. фойда келтирмайдиган жамоалар молияси.

Мамлакатнинг молия тизими фискал федерализм принципи бўйича ташкил этилган, яъни системанинг хар бир даражаси, булаги аник белгиланган уз функциясига эга, пул харакати алоҳида, бир иккинчисига аралашмайди. Албатта, бундай ҳолатни ривожланган давлатларда кузатиш мумкин, колок давларда бу федерализм принциплари бузилиб туради.

Молия сиёсати - бу давлатнинг уз вазифаларини бажариш учун молия ресурсларини мобилизация килишга, таксимлашга, фойдаланишга каратилган чора - тадбирлардир. Молия сиёсати биринчи навбатда иложи борича купрок молия

ресурсларини ташкил этишга қаратилган, чунки улар ҳар қандай узгартириш, қайта қуришнинг моддий базасидир. Бунинг учун асосий қурол давлат бюджетидир.

2 - саволга жавоб

Давлат бюджети – мамлакатнинг асосий молиявий планидир, у бутун молия тизимининг ядросини ташкил этади. Унинг бажарадиган асосий вазифаси – молиявий ресурслар ердамида самарали ривожланаётган иктисодиётни яратадиган шароитни қилиш ҳамда давлат аҳамиятидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш. Бюджет сузи инглизча бўлиб, давлатнинг даромад ва харажатларини «езиш» маъносини билдиради.

Давлат бюджети 2 еки 3 пагоналидир. Масалан АКШда уч пагонали: а) федерал; б) штат; в) муниципалитет, Ўзбекистонда 2 пагонали: а) Республика ва б) маҳаллий бюджет.

Ҳозирги даврда мамлакат бўйича яратилган ЯММ нинг 30 % и (АКШ) дан 70 % (Швеция) гача давлат бюджети орқали қайта тақсимланади.

Давлат бюджети 2 қисмдан иборат: а) даромадлар ва б) харажатлар.

Даромад статьялари :

1. Аҳолидан олинадиган солиқлар;
2. Корхоналардан олинадиган солиқлар;
3. Товарлар баҳосида қатъий белгиланган ҳиссалар (акциз, НДС ...).
4. Давлат кредити шаклида аҳоли даромадларини жалб этиш (заем, облигация, лоторея).
5. Давлат тадбиркорлигидан қуриладиган даромад.
6. Давлат мулкларини сотиш ва бошқалар.

Харажат статьялари:

1. Ижтимоий харажатларга (ривожланган мамлакатларда бюджетнинг ярим маблағи шунга кетади), яъни нафақа, стипендия, пенсия қабиларга .
2. Бюджет томонидан молиялаштириш (янги давлат корхоналари қуриш, еки эскиларини модернизация қилиш).
3. Мамлакат мудофааси (ҳарбий техника, армия).
4. Фундаментал фанга.
5. Айрим корхоналарни бюджет томонидан қўллаб – қувватлашга (дотация, субсидия, масалан, «Дженерал моторз» 70 йилларда 15 млрд. доллар субсидия олган эди).
5. Давлатни бошқаришни харажатлари.
6. Давлатнинг ички ва ташқи қарзини тулашга ва бошқалар.

Давлат бюджети дефицитсиз ва дефицитли бўлади. Буни алоҳида мавзуда қуриб ўтаемиз.

Давлатнинг молия сиёсати 4 концепцияни қуриш мумкин:

- I. Классик концепция. Бунда давлат иктисодиётга аралашмаслик, эркин ракобатни саклаш, молия ресурсларини факат давлатни бошқариш, харбий, ташки муносабатлар учун ишлатилган. Бу концепция 20 асрнинг 30 йилларгача асосий булган.
- II. Ж. М. Кейнс. концепцияси. Бу концепция йигирманчи асрнинг 30 - 60 йилларда кейнсчилик докторинасининг асосида ётар эди. Унинг асосий ҳолатлари:

А) кенгайтирилган асосий ишлаб чиқаришнинг ҳамма муҳим муаммоларини классиклар қилгандек таклифни урганиш нуқтаи назаридан эмас, балки талаб позициясидан ҳал қилиш керак, чунки талаб ресурслар реализациясини таъминлаб беради;

Б) капиталиктик иктисодиёт тулик ҳолда уз - узини тартибга сола олмайди. Меҳнат ва капиталнинг ижтимоийлашуви шароитида давлатнинг аралашуви муқаррардир.

В) ортиқча ишлаб чиқариш иктисодий кризислари талабнинг етишмаслиги туфайли содир бўлади. Шунинг учун иктисодиётда мувозанат муаммосини талаб нуқтаи назаридан ҳал қилиш керак. Шу нуқтаи назардан Кейнс «самарали талаб» терминини киритди.

Г) Иктисодиётни тартибга солишнинг бош инструменти бюджет сиёсатдир.

III. Неоклассик синтез концепцияси. Бунини Нобель мукофоти лауреатлари инглиз олими Дж. Хикс ва америкалик олим П. Самуэльсонлар киритганлар. Улар Кейнснинг фискализм ғояларига пул омилини киритадилар, яъни пул – кредит сиёсатини ҳам ишлатиш керак дейдилар. Самуэльсон ижтимоий товар категориясини киритади (давлат томонидан жамият аъзоларига етказиладиган товар ва хизматлар). Микродаражада давлат факат давлат харажатларини оптималлаштириш учун аралашуви керак. Бу концепция йигирманчи асрнинг 60 - 70 йилларда кенг қулланилди.

IV. Неоклассик концепция. Ривожланган мамлакатларнинг молия сиёсатида 70 йилларнинг охиридан қулланила бошланди. Бунинг асосий хусусиятлари:

- давлатнинг иктисодий ролини камайтириш;
- иктисодиётга иложи борича аралашмаслик;
- реприватизация;
- ракобат механизмини кучайтириш;
- асосий эътиборни талабдан таклифни оширишга қаратилган;
- ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- миллий даромадни қайта тақсимлашни (молия каналларидан) камайтириш;
- ижтимоий харажатларни камайтириш;
- солиқларни камайтириш;
- бюджет дефицити билан қурашиш;

- давлат инвестицияларини камайтириш;
- соғлом молияни тиклаш, яъни хар йилги бюджет даромадлари билан харажатлари бир-бирига мос келсин.

3-саволга жавоб

Солик, тулов, бож деганда конун билан белгиланган шартларда, даражада бюджетга еки бюджетдан ташкари фондларга туланадиган мажбурий тулов тушунилади.

Давлатга олинадиган соликлар, туловлар, божлар мажмуаси, уларнинг шакл ва услублари солик системасини ташкил этади.

Солик солиш объектлари – даромад (фойда), айрим товарлар киймати, фаолиятининг айрим турлари, кимматли коғозлар билан операциялар, табиий ресурслардан фойдаланиш, ҳукукий ва жисмоний шахсларнинг мулки, мулкни бериш, махсулотнинг кушилган киймати ва бошқалар.

Соликларнинг 2 тури ажратилади:

А) даромад ва мулкдан тугридан – тугри олинадиган. У конкрет шахс (ҳукукий еки жисмоний) дан олинади соликлар – Уларни тугри соликлар дейдилар.

Б) товар ва хизматларга солинадиган соликлар – Уларни эгри соликлар (НДС, акциз...) дейдилар.

Эгри соликларнинг хиссаси хар хил давлатда хар хилдир: Масалан Туркияда 35%, Германияда 44%, Ўзбекистонда эса 60%.

Энди хамма мамлакатларда куп учрайдиган асосий солик турларини куриб чикамиз:

1) даромадга оид индивидуал солик. Одатда даромаддан (жисмоний шахслардан) олинади. Бунинг даражаси хар хил давлатларда хар хил килиб белгилаган. Россия, Англияда 40%, Японияда 50%, АКШда 31% , Канадада 29%, Германияда 53%, Францияда 57%, Швеция – 72% (1993 йил хисобида). Умуман дуне микесида хозирги пайтда бу соликнинг даражаси пасайиб бормокда.

2) корхона даромадидан (фойдасидан) олинадиган солик. Ҳукукий булган шахслардан олинади. Ривожланган давлатларнинг купчилигида майда корхоналардан олинмайди. Улар юкоридаги, биринчи солик тулайдилар.

3) Ижтимоий туловлар - бу корхоналарни ижтимоий таъминот ва иш хакидан олинадиган соликларни уз ичига олади. Ўзбекистонда масалан бериладиган иш хакининг 40 фоизи микдорида белгиланган.

4) Мулкдан олинадиган соликлар, булар мулкдан, совга килинаетганда (катта мулк) мулкдан, мерос килинган мулкдан олинади.

5) товар ва хизматлардан олинадиган соликлар. Бунга божхона божлари , акцизлар , НДС ва бошқалар киради. НДС(Кушилган киймат солиги) ривожланган мамлакатлардан факат АКШ, Австралия, Швецияда йук, колган давлатларда

мавжуд. Аммо унинг даражаси ҳар хил 5% дан 38 % гача боради. Кушилган киймат солиғи айрим давлатларда деярли ҳамма товарлардан олинади ва уртача даражада белгиланади. (Ўзбекистонда шундга яқин), айрим давлатларда эса энг харидоргир (арок, сигарет, мебель...) дан олинади.

Солиқларнинг келиб тушиши 2 хил булади:

- Маҳаллий бюджетга (масалан: транспортдан олинadиган солиқ) тушадиган ;
- Марказий бюджетга (масалан фойдадан олинadиган солиқ) ҳамда
- Маҳаллий ва марказий бюджетга кандайдир пропорцияда тақсимланadиган (масалан индивидуал даромадга оид солиқ) солиқларга булинади.

Солиқларнинг тақсимланиши маҳаллий ва марказий ҳукуматлар уртасида доимо сиёсий курашларга сабаб булади. Маҳаллий солиқлар энг куп булган давлатлар бу Скандинавия ва Швецариядир. Умуман олганда ҳозирги даврда солиқларнинг асосий қисми марказий бюджетга тушуми ушиб бормокда.

Ривожланган мамлакатларда солиқ солишнинг структураси тахминан куйидагича: шахсий даромаддан олинadиган солиқлар 40%, фойдалан олинadиган солиқлар 10%, ижтимоий туловлар – 30%, НДС – 10% , божхона бождари – 5%, бошка солиқлар ва тушумлар – 5%.

Солиқ солишнинг ҳозирги замон принциплари куйидагилардан иборат :

- 1) солиқ ставкасининг даражаси солиқ туловчининг имкониятлари инобатга олиши керак;
- 2) бор кучни шунга қаратиш керакки, даромаддан бир марта солиқ олинсин;
- 3) солиқ албатта туланиши керак, яъни жарима ва солиқлар системаси шундай булиши керакки, солиқни туламагандан, уз вақтида тулаган маъкул булсин;
- 4) солиқларни тулаш тартиби ва тизими содда булиши керак, солиқ туловчиларга тушунарли ва қулай булсин, солиқ йигувчи ташкилотларга осон ва тежамли булсин;
- 5) солиқ тизими узғариб турувчи ижтимоий – сиёсий эҳтиёжларга мослашувчан булиши керак;
- 6) солиқ тизими яратилган ЯММ ни қайта тақсимлашга хизмат қилиши ва тартибга солишнинг самарали қуроли булиши керак.

Солиқ олиниши керак буладиган сумма солиқ асоси дейилади, у ҳар хил имтиёзлар билан қамайиши мумкин.

Куйидаги имтиёз турлари қулланилади:

- айрим солиқдан озод қилиш;
- солиқ солиш минимуми (масалан, Ўзбекистонда солиқ туланмайдиган иш хақи миинимуми ҳозирги пайтда 1750 сумни ташкил этади);
- объектнинг айрим элементлари солиқ солишдан озод қилиниши (масалан, НИОКР, яъни илмий - текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари);

- айрим кишиларни соликдан озод қилиш (масалан, меҳнат, уруш инвалидлари);
- солик ставкасини камайтирилиши;
- солик кредитлари (острочка бериш).

Солик асосидан имтезлар чиқариб ташлангач, солик ставкаси (соликлантириш нормаси) қолади. Соликларнинг ҳар хилини йиғишда қийинчилик ҳам турлича. Айрим соликларни йиғиш иши анча осон (масалан, иш ҳақидан оладиган солик, ижтимоий туловлар), айримларини эса аниқлаш ва йиғиш жуда қийин (1-чи навбатда, корхоналардан олинadиган фойдадан олинadиган солик, индивидлардан олинadиган даромадга оид солиғи).

Соликларнинг функциялари:

1. Фискал функция - давлат харажатларини молиялаштиришни таъминлаш, бу қадимдан мавжуд бўлган функция.
2. Социал функция - аҳоли гуруҳлари уртасидаги тенгсизликни камайтириш учун гуруҳлар даромадлари уртасидаги нисбатни камайтириш. Солик олишда прогрессив, пропорционал ва регрессив принциплар амал қилади. Амалиётда учаласи ҳам учрайди. Аммо социал натижаси ҳар хилдир. Олдинги асрларда регрессив принцип қўлланилса, ҳозирги замонда прогрессив принцип қўлланилади.
3. Тартибга солиш функцияси - иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш:
 - солик солиш тизимини урнатиш ва узгартириш;
 - солик даражаларини аниқлаш, уларни табақалаштириш;
 - солик имтиёзларини бериш.

Ҳозирги пайтда ҳамма давлатларда солик тизимини узгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил – корхоналар зиммасидаги солик юқини кескин камайтиришдир. Солиқнинг камайиши, бу – иш ҳақининг ошиши, корхона фойдасининг, демак, янги техника ишлатиш имкониятининг, инвестициянинг ошишидир.

Масалан, Перуда Якиморо 53 та солиқнинг урнига 4 солиқ қолдирган, аммо 3 йилдан кейин давлат бюджетига солиқ тушуми иқтисодиёт усганлиги учун қупайиб кетган. Аргентинада ҳам 1998 йил 1 январдан солиқ ислохоти утқазилди, натижада солиқлар 25 тадан 5 тага қелтирилди ва қуйидаги солиқлар қолди: а) НДС (18%); б) фойда солиғи; в) қучмас мулк солиғи; г) қодоҳод солиғи; д) Акқиз (ароқ, табақ ва бошқа товарлар учун).

4-саволга жавоб.

Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг стратегик вазифаси - ривожланаётган бозор иқтисодиёти ва унинг инфраструктурасига давлат молияси орқали мақсадли таъсир этиш, иқтисодиёт структурасини қайта қуриш, иқтисодий

мустакилликни таъминлаш, халк фаровонлигини оширишдир. Бунинг учун давлат бюджетининг даромад ва харажатларини оптималлаштириш, маҳаллий бюджетлар ролини ошириш керак. Бюджет – солик сиёсатлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 31 мартда « Солиқ кодекси» қабул қилинди ва у 1998 йил 1 январдан қўлдан келди. Бу солиқ кодекси бўйича ҳозир қўйидаги умумдавлат солиқлар бор:

1) Фойдадан (даромаддан) олинadиган солиқ . У ҳуқуқий шахслардан олинadi ва ставкаси 35 фоизни ташкил этади. Савдода 22% ни ташкил этади.

2) Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи (иш хақи, туловлар, муқофотлар ва бошқа даромадлардан олинadi). У прогрессив характерга эга. Катта даромадларда 40 % солиқа тортилади. (1991 йил – 60%, 1993 йил – 50%, 1995 йил 45% эди). Муаллифлар меросхурлардан олинadиган солиқ 60 фоиздан 90 гачани ташкил этади.

3) Қўшилган қийматга солинадиган солиқ (НДС), унинг ставкаси ҳозирги пайтда 20%, ташкил этади (1991 йил – 30%, 1992 йил – 28 %, 1993 йил – 25%, 1994 йил - 20%, 1996 йил - 18% эди).

4) Акциз солиғи. (ароғ, сигарет, мебелъ, камёб товарлардан олинadi). У хар хил товарга хар хил қилиб белгиланган.

5) Ер ости бойлиқларидан фойдаланганлик учун солиқ. У 1995 йил жорий қилинган.

6) Экология солиғи. Унинг ставкаси ҳам 1% бўлиб, қорхона харажатларидан олинadi.

7) Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. Канал ва ариқлардан сувдан фойдаланганлиги учун биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги қорхоналари тулайди.

Маҳаллий солиқ ва туловларга қўйидагилар қиради:

- мулк солиғи . У ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 4 %, АКШда 2,5% (1992 йил – 0,5%, 1993 йил 1 %, 1995 йил – 2 % бўлган);
- ер солиғи;
- реклама солиғи;
- автотранспортларни қайта сотиш солиғи;
- инфраструктурани ривожлантириш солиғи;
- йул солиғи ва бошқалар.

Ҳозирга пайтда Ўзбекистонда қорхоналар учун энг оғири - фойда солиғи билан қўшилган қиймат солиғидир. Шунинг учун уларнинг ставкасини пасайтириш керак. Аҳолидан олинadиган даромад солиғи ҳам юқори. Катта даромад қўрадиганлар 40% ини солиққа беради. АКШда эса 29750 долларгача умуман туламайди, энг катта даромад оладиганлар эса (150 минг доллар ва ундан юқори) 28% ини солиққа тулайди.



12-МАВЗУ

ФИСКАЛЬ СИЁСАТ. (2 соат)

РЕЖА:

- 1.Фискал сиёсатнинг мохияти.
- 2.Фискал сиёсатнинг турлари.
- 3.Фискал сиёсатни амалга ошириш кийинчиликлари.

АДАБИЁТЛАР :

1. Макконнелл К., Брю С, Экономикс т. 1. Гл. 14.
2. Менькю. Макроэкономика гл. 12,16.
3. Фишер С. и др. Экономика. Гл. 28.
4. Долан Э. Макроэкономика гл. 8.
5. Севликянц С.Г. и др. Экономика основа жизни общества . гл. 8.
6. Экономическая теория . учебник для студентов ВУЗ. Абдурахманов и др. гл. 25.

1 - саволга жавоб

Фискаль сузининг лугавий маъноси хазинани тулдириш булган. Бу маънодаги сиёсат давлат пайдо булиши билан пайдо булган, у давлатнинг энг кадимий сиёсат хисобланади. Бу сиёсатнинг маъноси шундан иборатки, давлат уз функцияларини (1чи навбатда сиесий, харбий...) бажариш учун маблаг керак булган, бу маблагни эса давлат уз кучига таяниб, куч ишлатиб, зуравонлик килиб халкдан солик тарзида тортиб олган.

20 асрда ахвол узгарди. Фискаль сиёсат бошка маънони олди. Бунда Кейнснинг роли катта. У давлат органларининг бошка бутун хужалик субъектлар фаолиятига таъсир этишни фискаль сиёсат деб номланган. Бозор иктисодиёти шароитида бу узаро таъсир давлат буюртмалари, солик солиш ва трансферт туловлари оркали эришилади.

Хозир хамма иктисодчилар фискаль сиёсатни хар кандай иктисодиётга таъсир этишнинг кучли куроли эканлигини тан оладилар. Аммо , Фискаль сиёсатни тулик иш билан бандлик, бахо баркарорлиги, иктисодий усишга эришишда яратувчанлик инструменти , деб караш Кейнс ва Кейнсчилар билан боғланган. Кейнсчилик Фискаль сиёсатга жуда катта ахамият беради. Фискаль сиёсатнинг бош максади ишсизликни камайтириш ва инфляцияни пасайтиришдир.

Фискаль сиёсат деганда, давлат харжатлари ва соликлар оркали иктисодиётга таъсир этувчи тартибга солиш системаси тушунилади. Давлат харажаталари - бу давлат институтини харажатлари, давлат харидларидир. Давлат харидлари давлатнинг истеъмолига кетадиган харидлар ҳамда бозорни тартибга солиш учун килинадиган харидлар. Мана шу охиргисининг ахамияти фискаль сиёсат учун каттадир.

Хар кандай давлат у еки бу фискаль сиёсатни амалга оширади, аммо фискаль сиёсатнинг асосий вазифаси – бюджет баланслигини таъминлаш эмас, балки макроиктисодий тизимни мувозанатлаштиришдир. Агар аҳолининг хусусий харажатлари ялпи талабни кандайдир даражада булишга етмаса, давлат харажатларини купайтириш керак.

Давлат харажатлари ва соликлар ялпи харажатларга тугридан – тугри таъсир этади, демак, у тугридан – тугри миллий ишлаб чиқариш ҳажмига ҳам, аҳолининг бандлигига ҳам таъсир қилади. Фискаль сиёсати иктисодиётнинг ривожланишининг цикли характери каби негатив ходисага қарши қурашувчи жуда кучли инструмент ҳисобланади.

Шундай қилиб, Фискаль сиёсатнинг бош вазифаси - бозордаги ялпи талаб ва ялпи тақлифга оқилона таъсир этиш йули билан бозор стихиясининг қамчиликларини бартараф этишдан иборатдир.

2 - саволга жавоб

Фискаль сиёсати «Буюк депрессия» (30 йиллар) дан кейин анча кенг қулоқ ейди.

Фискаль сиёсатни ишлаш механизмига қараб 2 турга ажратилади:

- а) дискрет ;
- б) нодискрет.

Мақсадига қараб ҳам 2 хил Фискаль сиёсат ажратилади:

- а) рағбатлантирувчи;
- б) ушлаб турувчи.

Фискаль сиёсат , биринчи навбатда, дискрет фискаль сиёсат бўлади. Бунинг маъноси, соликлар ва давлат харажатларини манипуляция қилиш билан миллий ишлаб чиқариш ва иш билан бандлик ҳолатини узгартириш, инфляция устидан назорат қилиш ва иктисодий ўсишни жадаллаштиришдир. Иккинчидан, фискаль сиёсат автоматик сиёсат бўлади, бунда, солиқ солиқнинг прогрессив шкаласи соликлар миллий даромад узгариши билан узгариб боради.


Депрессия, кризис пайтида рағбатлантирувчи фискаль сиёсат олиб борилади, бу ўз ичига:

- а) давлат харажатларини ошириш;
- б) соликларни қайтариш;
- в) иққаласини бирга олиб боришларини ўз ичига олади.

Инфляция туфайли ортикча талаб булса, у пайтда ушлаб турувчи фискаль сиёсат олиб боиради, бу уз ичига :

- а) давлат харажатларини камайтириш;
- б) соликларни купайтириш;
- в) иккаласини бирга олиб боришларини уз ичига олади.

Агар иктисодиёт олдида инфляцияни назорат килиш муаммоси турган булса, фискаль сиёсат давлат бюджетида ижобий сальдога эришишга каратилган булиши керак.



Юкоридаги схемани тушунишга харакат киламиз. Тасаввур килайлик, нарх узгарди. Нарх узгариши билан реал ишлаб чиқариш хажми уртасида дисбаланс пайдо булади. Бу дисбалансни йукотиш учун харажатларни купайтириш керак: экспортни (Nх) ошириш керак, хусусий инвестиция (I) ларни устириш, истеъмолда (C) ижобий натижаларга эришиш зарур. Аммо давлат раҳбарлари узларининг назоратида булган, манипуляция килиш осон булган туртинчисига – давлат хариди (q) га катта эътибор берадилар. Бунинг учун уша микдорда давлат харидини ошириш шарт эмас, бунда мультипликатив эффект фойдаланилади. Агар истеъмолга нисбатан чегаравий огиш 0,75 булса, мультипликатив эффект 4 га тенг булади, яъни тўрт марта кам давлат харидини (80 млрд. сум эмас, балки 20 млрд сум) ошириб ҳам мақсадга эришиш мумкин.

Фискаль сисатнинг 2 чи томони солик сиёсатидир. Бизга маълумки, соф солик - бу давлат оладиган солик билан давлат берадиган трансферт туловлар уртасидаги фарк, яъни давлатга қоладиган соф даромад. Соф соликларнинг кискариши (бунга солик даражасини пасайтириш йули билан ҳам, трансферт туловларини ошириш билан ҳам эришиш мумкин) ҳам давлат буюртмаси сингари мультипликатив эффект механизмини ишга солади.

$$\text{Соф соликлар} \quad \quad \quad = \quad \text{mpc}$$

$$\text{Мультипликатори} \quad \quad \quad (1 - \text{mpc})$$

Фискаль сиёсат инфляциянинг олдини олишга (еки нотугри кулланилганда инфляцияни кучайтириш) хизмат килувчи кучли механизм хамдир. Ялпи талабни ошириш (еки камайтириш) учун давлат харидлари, соликлаштириш структураси ва трансферт туловларида узгартириш килувчи конунларнинг узгартирилиши дискрет солик - бюджет сиёсати дейилади. Аммо практикада конунлар, уларни тартибга солишда хеч кандай узгариш килмасдан хам соликлар, давлат харидларини шароит узгариши билан узгариши мумкин. Бундай узгаришларни автоматик солик – бюджет сиёсати дейилади. У асосан товар ишлаб чиқариш реал ҳажмининг узгариши, баҳо даражаси ва фоиз ставкасининг узгариши билан боғлиқ. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажми усса, соликлар купрок келиб тушади, трансферт харажатлар камаяди (ишсизлик камайиши билан), давлат бюджетининг дефицитлиги камаяди.

Бахонинг усиши давлат бюджетини номинал жихатдан камайтиради, реал жихатдан эса ундан хам купрок.

Фоиз ставкасининг ошиши давлат бюджети дефицитлигини номинал жихатдан хам, реал жихатдан хам оширади.

Фискаль сиёсатда шундай механизмлар жойлаштирилган буладики, улар иктисодиёт жонланаётган ва кутарилаётган пайтда ялпи талабни ушлаб туради, аксинча иктисодий тушқунлик пайтда эса ишлаб чиқаришни камайиб кетишига, ишсизликни усишига қарши ишлаши керак. Бундай пайтда, албатта, бюджет дефицитлиги усади. Бундай механизмларни автоматик стабилизаторлар деб айтилади. Бунга жисмоний шахслар даромадидан олинадиагн солик, ишсизларга бериладиган нафақа қиради. Унинг афзаллиги шундаки, ишга киритилгач субъектив омилларга (сиёсатчиларга) боғлиқ эмас.

Ҳозирги даврда фискаль сиёсатнинг икки асосий инструменти (давлат харидлари ва соликлар) билан бир қаторда, учинчиси - трансферт туловлари хам куп ишлатилмоқда. Албатта, улар асосан ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун кулланилади. Аммо, ҳозир борган сари макроиктисодиётни тартибга солиш учун хам кулланилмоқда.

Фискаль сиёсат асосан ялпи талабни оширишга қаратилган булади, бунда соликни камайтириш ва шу билан бирга давлат харидини ошириш йули билан борилса - экспансив фискаль сиёсат дейилади.

Фискаль сиёсат айрим ҳолларда (инфляция суръатини пасайтириш мақсадида қуйилган бўлса) ялпи талабни камайтиришга қаратилган булади, бу фискаль сиёсатни контрактив фискаль сиёсат деб юритилади.

Биз, асосан кейнсчиларнинг фискаль сиёсатни юргизиш докторинасини қуриб чиқдик. Буни актив докторина, актив фискаль сиёсат деб юритишади. Аммо неоклассиклар, жумладан, М.Фридман. мослашувчан фискаль сиёсатни юргизишни таклиф қиладилар. Улар фискаль сиёсатнинг самарадорлигига унчалик ишонмайдилар. Улар ҳисоблайдиларки, биринчидан, бозорнинг узи мувозанатга

интилади, унга халакит бермаса мувозанат тикланади. Сиёсатчилар иктисодиётга аралашиб, уни бу кобилиятини сусайтирадилар, холос.

Иккинчидан, дискрет фискаль сиёсатни юргизиш учун иктисодий ситуацияни прогноз килиш керак, бу эса жуда мураккаб масаладир.

Учинчидан, фискаль сиёсатни амалга оширишда вақт лагасини инобатга олиш керак.

Вақт лагаси эса учга ажратилади :

а) тушуниб етиш лагаси, бунда иктисодиётда бирор касаллик бошланганидан то уни тушуниб етишгача булган вақт тушунилади.

Б) маъмурий кечикиш лагаси. Карор қабул килиш кераклигини тушуниб етгандан то шу карорни қабул килинганча утган давр тушунилади. Масалан, АКШда соликларни камайтириш тугрисидаги конунни 1964 йилда қабул килинган, аммо шу конунни биринчи муҳокамаси 1961 йилда бошланган эди.

В) Функционал кечикиш лагаси, яъни карор қабул килингандан то ишлаб чиқаришда уз таъсирини курсата бошлагунга булган давр.

3- саволга жавоб

Реал ҳаётда ҳар қандай мамлакат учун фискаль сиёсатнинг қораларига алоқадор булган ҳар қандай карорни қабул килиш жараени қўқчилик ҳолда назарий моделлардан узок булади, ҳатто уларга ҳеч алоқаси булмаслиги ҳам мумкин. Масалан 80 - йилларда АКШ давлати бюджетининг қамомадлигининг ошишини сабаби давлат ҳукуматида утирганлар макроиктисодий мувозанатни тиклаш учун эмас, балки айрим муаммоларни ҳал килиш учун уйланмасдан ҳаражатларни қўқайтириш оқибатидир. Амалиётда қора – тадбирларни қабул килишнинг ва реализация килишнинг қийинчилиги бор ва унинг икки сабаби бор:

- 1) Ҳеч бир ташкилот, вазирлик фискаль сиёсатнинг йўналишига, натижасига жавоб бермайди. Масалан, солиқ инспекциясининг вазифаси бир, молия вазирлигининг вазифаси бошқа ва ҳоказо.
- 2) Ҳозирги замон давлатларида бюджет маблағлари орқали ҳал килиниши зарур булган муаммолар ҳаддан ташқари қўқ: адолатни таъминлаш, миллий ҳавфсизликни усиши, баҳо, ишсизлик ва ҳоказо. Ҳаммаси эса маблағни талаб қилади ва бирортасини ҳам қечиктириб булмайди.

Давлат бюджетини қабул килиш процедураси ва фискаль сиёсатни амалга ошириш ривожланган мамлакатларда анча сайқал берилган. Аммо бари бир унинг узига ҳос қийинчиликлари бор. Биз АКШ мисолида буни қўқиб утамыз: АКШда молия йил 1 октябрда бошланади 30 сентябрда тугайди. 18 ой олдин ижро этувчи орган бюджетни ташкил этишни бошлайди. Буни «Менежмент ва бюджет» бўлими бошқаради. Буларга иктисодий экспертлар совети, давлат ҳазинасидан йўл - йўриқлар қелади. Бюджет ишлари учун қўқлаб департамент ва бошқармаларга

жунатилади. 9 ой колганда (яъни 1 январда) президент конгрессга бериши керак. Кейин бюджетга конун чикарувчилар жавоб берадилар. Конгресс кошидаги подкомиссиялар уни яна чукур урганиб чиқадиладар. 1 майда «Ок уй» ва конгресс биринчи бюджет реализациясини такдим этишлари керак. Бутун ез давомида бахслар давом этади. Сентябрда конгресс 2 реализацияни қабул қилади.

Бюджетни ташкил этишнинг энг асосий қийинчиликлари:

- 1) Макроиктисодий вазифалар (тула бандликни таъминлаш, баҳо барқарорлиги, иктисодий усиш) бюджет процедураларида жуда куп уринни эгаллайди. Энг муҳим қарорларни қабул қилишда 10 лаб комитетлар қатнашади, унда уз манфаатига эга булган ведомствалар, шахсий амбциялар, оқибатини билиб булмайдиган овозга қуйишга боглик булади.
- 2) Конгресс белгиланган қоидаларга риоя қилишни хохламайди. Резолюциялар кечикиб қабул қилинади.
- 3) «Бошқариб булмайдиган оқимлар» муаммосининг мавжудлиги, яъни трансферт программаларидан иборат булган 1 йиллик чегарадан чиқиб кетувчи, норматив актлар билан аниқланувчи давлат субсидияларининг мавжудлиги. Бунга яна давлат қарзи буйича фоизлар тулаш ҳам қиради.

АҚШ бюджетининг қамчиликларидан яна бири (албатта ҳамма давлатлар учун ҳам шу нарса характерлидир) – бюджет приоритетларини аниқлашда доимийлик йуклиги, ҳар бир администрация даврида узига хос.

Биз, албатта АҚШ мисолини келтирдир, аммо деярли ҳамма давлатларда шунга яқин ахволдир.

Ўзбекистонга келадиган булсак, унга ҳам шу муаммолар хос. Ўзбекистонда фискаль сиёсатни такомиллаштириш керак, у эса қуйидаги йуналишларда олиб борилиши керак:

- актив фискаль сиёсатдан мослашувчан фискаль сиёсатга қараб бориш керак;
- солиқлар оғирлигини қамайтириш;
- трансферт туловларини ошириш;
- инвестицияга нисбатан истеъмолни рағбатлантириш;
- истеъмолга нисбатан белбоғларни қисиш сиёсатини юргизиш;
- давлатни тартибга солиш билан боглик булмаган харажатларни минимумлаштиришга интилиш (жумладан, бошқариш харажатлари, ҳарбий харажатлар...).

Такрорлаш учун саволлар:

1. Фискаль сиёсат нима?
2. Фискаль сиёсатнинг қандай турлари бор?
3. Бюджет ташкил этишда қандай қийинчиликлар бор?
4. Қурма стабилизаторлар нима?



БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТЛИГИ ВА ДАВЛАТ КАРЗИ (2 – соат)

РЕЖА:

6. Давлат бюджети камомадлиги сабаблари муаммоси.
7. Камомадни бартараф қилиш йуллари.
8. Давлат карзи ва уни камайтириш йуллари.

АДАБИЁТЛАР :

9. Бозор муносабатлари шароитида миллий иктисодиётнинг ривожланиши.
А.Эшмухамедов ва бошқалар. 143 –157 бетлар.
- 10.Макконнелл К., Брю С. Экономикс. Т.1, гл. 14.
3. Фишер С. и др. Экономика гл. 28.
- 11.Севликянц С.Т и др. Экономика основа жизни общества гл.8
- 12.Булкина М.К., Семенов В.А Макроэкономика гл. 5
- 13.Экономическая теория . Учебник для студентов ВУЗ. Абдурахмонов и др.
гл . 22.
7. Узбекистан обзор политики социальных и структурных реформ.Документ
всемирного банка. Т.1999., стр. 123 – 127.

1 – саволга жавоб

Бюджетнинг даромади ва харажати бир-бирига баробар булса, бюджет баланси деб айтилади. Реал ҳаётда бундай ҳолат камдан – кам учрайди. Купинча йил охирида улар уртасида фарк чиқади.

Агар даромадлар харажатлардан куп булса, дефицитсиз бюджет деб айтилади.

Урта асрларда, ҳатто кейинги асрларда ҳам давлатлар шу ҳолатда йилни якунлашга ҳаракат қилганлар. Даромадлар ва харажатлар уртасидаги фарк сальдо дейилади. Мана шу сальдони олтин тарзда йиғишга интиланлар.

Ҳозирги замон учун бу характерли эмас. Ҳозирги замон учун дефицитли бюджет куп учрайди. **Дефицитли бюджет** - бу бюджет харажатларининг даромадларидан куп келиши. Шундай қилиб, бюджет дефицити – ушбу йилда давлат даромадларидан давлат харажатлари куп келган қисмидир, бошқача

айтганда, ҳукуматнинг қилган харажатларини солиқ ва бошка қиримлар билан қопланмай қолган қисмидир.

Давлат бюджети дефицити қуп ҳолда дискрет фискаль сиёсатнинг натижасидир. Афсуски, ҳукумат бюджетга тушажак пуллар ва булажак харажатларни аниқ айтиб бера олмайдир. Бюджет бир йилда бир мата қабул қилинади, йил давомида иқтисодий қонъюқтура ҳар томонга узғариб туриши мумкин. Шунинг учун қутилмаган даромад, қуп ҳолларда қутилмаган харажат еки мулжалланган харажатдан ортиқча сарфлаш оддий ҳодисадир.

Хатто энг интизомли, жуда пухта ишланган, солиқ тизими, жуда яхши йулга қуйилганда ҳам тушумлар ва харажатлар даражаси иш қикли босқичига боглик булади. Тушқунлик пайтида давлатга тушумлар қамаяди, харажатлар эса (ҳеч булмаса трансферт) қупаяди, бюджет дефицитлиги ортади ва тесқариси.

Давлат бюджети дефицитлигига 2 қил қараш бор:

а) бу унқалиқ муаммо эмас (қамқилиқ иқтисодқилар шундай деб қарайқилар), хатто қамқина, меърдаги бюджет дефицити фойдадан ҳоли эмас, қунқи у ялпи талабни усишига имқон беради. Бундай қараш кейнқчиларга ҳос.

Аммо бунда қамият учун бюджет дефицити нафи тегайптими, йукми, бунинг учун ҳеч булмаганда иққи муаммони ҳал қилиш қерақ:

- бюджет дефицити ишлаб қикаришнинг қисқариши билан боглиқми еки давлатнинг молиявий сиёсатининг оқибатими;
- бюджет ҳусусий инвестицияларни қисқартираяптими еки рақбатлантираяптими. Фақатқина бюджет дефицити ялпи талабни ошириб, ҳусусий инвесторларни рақбатлантирсақина ижобий роль уйнайди дейиш мумкин. Бундай ҳолат эса ҳамма вақт ҳам соқир булавермайди.

Б) бюджет дефицитлиги – бу асримизнинг энг муракқаб муаммоси (қуп иқтисодқилар шундай деб қарашади). Буларнинг аргументлари:

І. инвестицияни қамайтириб юборади. Масалан, ҳусусий инвестициялар 70 йиллардан 80 йилларга 6,9 % дан 4,6 %га тушишининг бош сабабқиси – бюджет дефицитлигидир.

ЯММ га нисбатан фойиз ҳисобиди (АҚШ буйиқа) уртақа.

Йиллар	Қирим	Харажатлар					Дефицит
		қами	муддат	Транс-ферт Тулов.	Давлат қарзи буйиқа % тулаш	Бошқа-лар	
1971-75	18,8	10,6	5,8	7,4	1,3	6,1	1,9
1976-80	19,7	21,5	5,0	8,0	1,6	6,4	1,8
1981-85	19,8	24,1	6,1	9,5	2,8	5,7	4,3
1986-90	19,9	23,4	6,2	8,8	3,2	5,2	3,5

II. Чет эл манбаларидан карзларнинг олинishi. Дефицит мамлакат ичида фоиз ставкасининг ошишига, чет эл фирмаларнинг кимматбахо коғозларини сотиб олинishiга олиб келади.

III. Структуравий дефицитни ошиб кетиши. Сабаби иктисодий кутарилиш даврида тушадиган соликлар структуравий дефицитни камайтиришга эмас, балки усган давлат харажатларини молиялаштиришга кетади.

IV. «Портловчи» дефицит хавфи. Агар карз куплаб олинаверса, карзни тулаш кийинлашади, фоизни тулаш огир юк булиб боради, охир окибатда бошкариб булмайдиган дефицитни, усиб боровчи дефицитни келтириб чикаради. Натижада давлат дефицитни монетизация килишга (яъни янги пул эмиссия килиш оркали давлат карзини молиялаштириш) мажбур булади. Бу эса уз навбатида «Портловчи» инфляцияни келтириб чикаради. Боливия, Перу, Аргентина, Бразилия каби давлатларда 80 йилларда шу ходиса содир булган. Инфляциянинг йиллик суръати 1000% дан ошиб кетган. Кейинги 10 йилликлар тажрибаси шуни курсатадики, бюджет дефицитлиги иктисодиёт учун жуда катта зарар келтиради. Бюджет дефицитлиги :

- 14. ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келади;
- ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига ва самарадорликнинг пасайишига олиб келади;
- «Яширин» капитал оборотининг усишига олиб келади;
- сифати паст , ракобатбардош булмаган товарларни ишлаб чиқарилишига олиб келади;
- «кераксиз» пул эмиссиясига, инфляцияга олиб келади;
- давлатни карзга ботишига ҳамда унинг обруйига салбий таъсир килади.

2 – саволга жавоб

Давлат бюджети дефицитига карши курашиш учун олдин унинг нима сабабдан келиб чиқканини билиш керак.

Бунда 2 хил дефицитни ажратадилар:

- а) циклик дефицит;
- б) структуравий дефицит.

Циклик дефицит – бу ишлаб чиқаришнинг циклик жихатдан пасайиши окибатиде пайдо буладиган дефицитдир.

Структуравий дефицит - ишлаб чиқаришни пасайишига, ишсизликка карши курашиб давлат соликларни камайтириш, давлат харажатларини ошириши натижасида пайдо булган дефицитдир.

Биринчи холда бюджет дефицити жамият факат зарар, чунки жамиятда, унинг иктисодиётда тартибсизлик борлигини курсатади. Иккинчи холда эса,

макроиктисодий баркарорлаштиришга нафи теккан булса яхши, аммо бун аниклаш кийин.

Бундан ташкари дефицитни актив ва пасив деб хам ажратилади. Агар дефицит давлат бюджетининг харажатлари кисми билан боглик булса (давлат харажатларини ошириш) актив дефицит дейилади. Агар дефицит давлат бюджетининг даромадлар кисми билан боглик булса (солик ва бошка тушум камайиши) пасив дефицит деб айтилади. Бундай ажратишнинг сабаби шундаки, агар актив дефицит булса, давлат уз харажатларини камайитириш имконияти юкорирок. Пасив дефицитда эса давлат уз кримларини ошириш анча мураккаброк муаммодир.

Давлат бюджети ортикча булса, бу масалани хал килиш осон ва унинг 2 йули бор:

А) карз (ички давлат карзи ва ташки карз) туланиши мумкин, албатта олдинги йиларда йигилиб колган булса.

Б) ортикча кийматлар кейинчалик ишлатишдан олинади, одатда тилло – валюта запаслари тарзида (бу йулнинг самараси юкори).

Давлат бюджетининг дефицитлигини бартараф килишнинг эса 3 йулини ажратиш мумкин:

А) давлат карз олиши мумкин;

Б) пул эмиссияси

В) солик солишни кучайтириш.

I. Давлат уз халкидан (ички) ва чет эл давлатлари еки фукароларидан (ташки) карз олиш мумкин. Бу йулнинг самараси паст, чунки давлат облигациялари уз мажбуриятларини вактида ва аник топширсагина талабга эга булади. Агар давлат бюджетининг дефицитлиги узок йиллардан бери келаетган булса, уз мажбуриятларини бажаришга ишонч колмайди еки шубха пайдо булади. Бу эса облигацияга кизикишни сундиради.

II. Пулни эмиссия килиш, яъни янги пул яратиш. Бу йулни самараси жуда юкоридир. Аммо у инфляцияга олиб келади ва бу усулни доим куллаш иктисодиётни емирилишига олиб келиши мумкин.

III. Бу йул традицион йул хисобланади. Хамма замонларда, хамма давлатлар бюджетларида харажат купайса, биринчи навбатда соликни купайтиришга харакат килганлар. Аммо бу усул энг хавфли хисобланади, чунки соликни оширишнинг чегараси бор (Лаффер эгрилиги буйича), уша чегарадан кейин тушум камая бошлайди. Иккинчидан, халкни хукуматдан норозилиги ошиши мумкин. Бундан ташкари ишлаб чиқаришни самарасиз килиб куйиб, окибатида тадбиркорларнинг фаолиятини сундириши мумкин.

Урта асрларда хамда кейинги асрларда хам давлатлар бюджет дефицитлигини хал килиш учун, шу анъанавий йулдан фойдаланишган. Бунинг окибатида тарихда куп галаенлар, урушлар, революциялар содир булган. Кейинги асрларда, асосан 20 асрда иккинчи усулдан, яъни пул эмиссиясидан купрок

фойдаланишган. Аммо кейинги йилларда самараси паст булса ҳам 1 чи йулдан кенг фойдаланилмокда. Чунки 2 ва 3 йуллар давлат уз муаммосини халк хисобидан хал килишдир, 1 чи йул эса давлат уз муаммосини узи хисобидан хал килиши йулидир..

Кейинги йилларда давлат бюджети дефицитлигининг хал килиш учун бюджет шакллантириш концепциясини узгартириш таклиф килишмокда.

Давлат бюджетни шакллантиришда куйидаги концепциялар мавжуд:

- I. Бюджет хар йили баланслаштирилиши лозим деган гоя. Якин пайтларгача молия сиёсатининг максади хисобланар эди. Аммо бунда фискаль сиёсатнинг самараси пасайиб кетади. Масалан, ишсизлик, кризис сурункали булганда ахоли даромадлари камаяди, бюджет кримлари камаймаслиги учун эса соликни купайтиришга тугри келади, бу эса ялпи талабни янада пасайтиради.
- II. Давлат бюджети хар йили эмас, балки иктисодий цикл даврида баланслаштирилиши лозим деган гояга асосланади. Бунда танозулга карши кураш чораси деб хукумат соликларни пасайтиради, харажатларни ва бюджет дефицитини оширади, кутарилиши даврида соликларни кутаради, давлат харажатларини камайтиради, бюджетни ижобий сальдо билан чикаради, бу танозул давридаги дефицитни коплайди. Аммо кризис узокрок, кутарилиши муддат жихатдан камрок булса, дефицит копланмаслиги мумкин.
- III. Бюджет эмас, иктисодиёт баланслаштирилиши керак, деган коида молияни асосий вазифаси деб кабул килинган. Бунда макроиктисодий баркарорлик даврида бюджет ижобий ва баркарор сальдога эга булиши мумкин деган фикр илгари сурилади. Иктисодий усиш шароитида автоматик тарзда солик купаяди ва камомад уз узидан йуколади.

15. саволга жавоб

Давлат бюджети дефицитлигининг окибати булган муаммолардан бири – давлат карзидир. Давлат карзи – бу, давлат карз мажбуриятларининг йигилишидир. Давлат карзини хамма карзлар каби фоизи билан тулаш керак.

Давлат карзи - ички ва ташки карзга булинади.

Ички карз - давлатнинг уз фукароларидан карздорлиги.

Ташки карз - давлатнинг чет давлатлардан еки уларнинг фукароларидан карздорлиги.

Давлат карзи муддат жихатдан учга ажратилади :

- а) киска муддатли - бир йилгача;
- б) урта муддатли – 5 йилгача;
- в) узок муддатли – 5 йилдан куп.

Энг огири киска муддатлиси булиб хисобланади.

Давлат карзининг иктисодиётга таъсири куйидагича:

- Давлат уз карзларини коплаш учун аҳолига облигация сотади ва тулаш пайтида фоизи билан қайтаради. Облигацияни эса одатда аҳолининг юкори катлам олади. Окибатда аҳолининг камбагал катлами хисобидан бой катлами фойдасига жамиятнинг миллий даромади қайта таксимланади.
- Агар давлат чет элдан карз олган булса фоиз тулаш пайтида мамлакатда яратилган ЯММ бошка давлатлар фойдасига қайта таксимланади. Бундан ташқари, ташки карз давлатни, миллатни банкротлигига ҳам олиб келиши мумкин, (Африкадаги айрим давлатлар сингари), еки унинг жахондаги авторитетини тушириши мумкин (70 йилларда АКШ ҳукуматининг авторитети анча тушириш куп жихатдан шу омилга боглик булган).
- Давлат уз карзини тулаш учун солиқларни купайтириши мумкин, бу ҳам иктисодиётга салбий таъсир этади.
- Карз ошиши билан мамлакат аҳосининг эртанги кунга ишончи камайиши мумкин. Бу ҳам иктисодиётга салбий таъсир этади.
- Карз аҳоли истеъмолини пасайишига ҳам, хусусий инвестициянинг камайишига ҳам таъсир килиши мумкин.

Ички карзга нисбатан ташки кароз емондир, чунки уни бошка давлатларга тулаш керак ва улар ҳеч нарсани тан олмайди. Ташки давлат карзи экспорт ҳажмининг 20 – 30 % дан ошса, бу давлатга ишонч йуқолади. Бундай давлатга карз юкори фоиз билан берилади еки умуман берилмайди. Аммо давлат ташқаридан карз олса ялпи талабни камайтирмайди. Ички қаз эса мамлакатнинг ялпи талабини камайтиради. Бу нуқтаи назардан ички карздан кура ташки карз маъқул хисобланади.

Ташки давлат карзини камайтириш йуллари:

- 1) Анъанавий йул – тилло – валюта резервларидан (агар булса) карзни тулаш.
- 2) Ташки карзни консолидация килиш, яъни қиска ва урта муддатли карзларни (кредиторлар рози булса) узок муддатлиги айлантириш. Бунинг учун давлат Лондон клуби (банк – кредиторлар клуби) ва Париж клуби (давлатлар кредиторлар клуби) га мурожаат қилади ва улар бу масалани ҳал қилиб беришлари мумкин.
- 3) Конверсия қилиш – карзни узок муддатли инвестицияга айлантириш (чет эл кредиторлари давлат мулки сотиб олади, капиталга қушилади. Бошқача қилиб айтганимизда - миллий иктисодиётда чет эл капиталлари ошади).
- 4) Карздор давлатнинг халқаро банкларга (регионал, жахон банки) мурожаат қилади. Бу банклар инкироздан чиқиб кетиш учун имтиёзлар бериши мумкин. 90 йилларда эски социалистик мамлакатлар шундай кредит олишга муваффақ булмоқда.
- 5) Рефинансирование, яъни қайта молиялаштириш. Бунда облигация эгалари билан эски заёмлар билан ҳисоб – қитоб қилиш учун янги заём чиқарилади.

Ўзбекистон давлатининг бюджетини жаҳон банки мутахассислари таҳлил қилиб шундай хулосага қилишган:

- давлат бюджети дефицити 1998 йилда ЯММнинг 3% ташкил этган;
- давлат инвестиция буйича амбициоз дастурлари, зарарга ишловчи корхоналар ва банк тизими учун давлат мажбуриятлари бюджет барқарорлигини тагига сув қуйяпти;
- ҳозирча кичик, барқарор, аммо тез усаётган ташки қарз (ЯММга нисбатан 23,5%, экспортнинг 13% и қарзни қоплашга ишляпти).
- Фискаль талабнинг (солиқлар ошиши ҳисобида) қучаётганлиги;
- Давлат иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашмоқда;
- Коррупциянинг юқори даражадалиги;
- хусусий секторнинг давлатга ишончи паст.

Улар қуйидагиларни тақлиф қилишган:

- а) стабил иқтисодий ўсишга ва инфляциянинг паст даражасига жавоб берадиган қаттиқ молия сиёсатини қабул қилиш ва амал қилиш;
- б) бозор реформаларини тезлаштириш ва чуқурлаштириш;
- в) инфляцияни 20% дан пастга тушириш;
- г) коррупцияга қарши қурашиш;
- д) аниқ қуринадиган, олдиндан айтиб бўладиган уйин қоидалари ва нормаларини қиритиш;
- е) банкларни солиқ функциясидан ҳолос этиш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Давлат бюджетининг дефицитлиги нима?
2. Дефицитни ечиш йуллари қандай?
3. Давлат қарзи нима ва унинг қандай турлари бор?
4. Давлат қарзини қамайтиришнинг йулларини айтинг.
5. Давлат қарзининг иқтисодиёт учун қандай ёмон томонлари бор?
6. Ташки қарз ёмонми, ички қарз ёмонми?



14-МАВЗУ

МАКРОКУЛАМДА ПУЛ БОЗОРИ ВА КРЕДИТ ТИЗИМИ. (2 соат).

РЕЖА:

- 16.Муомала учун пул микдорини аниклаш. Пулга булган талаб ва таклиф.
- 17.Кредит тизими. Банклар. Марказий банк.
- 18.Пул – кредит сиёсатининг мохияти.
- 19.Пул – кредит сиёсатининг услублари.
- 20.Узбекистонда пул – кредит сиёсатининг муаммолари.

АДАБИЁТЛАР :

- 21.Менькю Н.Г.Макрэкономика гл. 6,18.
- 22.Макконнелл К, Брю С. Экономикс т.1.гл. 15-18.
- 23.Фишер С. и др., Экономика . Гл. 26, 27
4. Долан Э. Макроэкономика. Гл.8,9,10
- 24.Долан Э. , Кемпбелл К, Кемпбелл Р., Деньги банковское дело и денежно-кредитная политика. М. Гл.4,12,16,20.
- 25.Йулдошев З.Косимов М. Макроиктисодиёт асослари 9,10 боб.
- 26.Бункина М.К., Семенов В.А. Макроэкономика гл.8, 9.
- 27.Узбекистан. Обзор политики социальных и структурных реформ. Документ всемирного банка. Стр. 123 – 128.
- 28.Севлякянц С.Г. и др. Экономика основа жизни общества. Гл. 9.
- 29.Экономическая теория . учебник . Под ред. Абдурахманова и др. гл 18.

1-саволга жавоб

Пул – хамма товарлар ва хизматларни айирбошлайдиган , умумий эквивалент булган махсус товар.

Пул жамиятда 3 вазифани бажаради: киймат улчови, айрибошлаш воситаси, хазина туплаш ва жамгариш воситаси.

Пул турлари: танга, коғоз пул, куринмас пул, электрон пул.

Пул массаси – муомалага чиқарилган металл тангалар , коғоз пулларнинг ва бошка пулларнинг жами микдори.

Пул молиявий актив сифати олди – берди учун фойдаланилади. Пулнинг энг мухим хусусияти унинг юкори (100 %) ликвидлигидир.

Мамлакатда зарур булган пул муомаласини давлат назорат килади. Муомала учун, пул муомаласини аниклаш учун пул агрегатлари ҳисобланади: M_0, M_1, M_2, M_3, L (ликвидлик пасайишига қараб езилган). Пул агрегатларининг сони ва таркиби ҳар қайси мамлакатда ҳар хил. Қўл давлатларда шу 5 агрегат ишлатилади:

M_0 – нақд пул;

M_1 – банк тизимидан ташқарида булган нақд пуллар, довоствребование депозитлари, йул чеклари, бошқа чекли депозитлар;

M_2 – M_1 плус чексиз жамгарма депозитлари, муддатли қуйилмалар (100000 долларгача);

M_3 – M_2 плус катта суммадаги (100000 доллардан қўл) муддатли қуйилмалар, депозитли сертификатлар ва бошқалар;

L – M_3 плус ҳазина жамгарма облигациялари, қиска муддатли давлат мажбуриятлари, тижорат қозғалари ва бошқалар.

Муомала учун зарур булган пулнинг миқдори **Классик ендашишга** асосан товарлар массаси ва реализация қилинадиган товарлар баҳоси, яъни товарлар баҳоси суммаси билан улчанади. Бир пул бирлиги бир неча товар битимиға хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур булган миқдор шунча қам қерак булади.

$$M = \frac{P}{V}$$

M – муомала учун зарур булган пул миқдори;
 P – сотиладиган товарлар баҳолари йигиндиси;
 V – пул бирлиги оборотларининг сони.

Монетарча ендашиш. Бутун иқтисодий оборот муомалада булган пул миқдори билан аникланади, пул ва товарлар муомалада, қийматсиз қиради. Қиймат ва баҳо эса пул массаси билан товар массасининг тукнашуви натижасида ташқил топади дейишади.

Пул ва баҳонинг миқдорий назарияси.

Пул муомаласининг тезлиги (V) ялпи миллий маҳсулот усиши билан пул миқдори (M) уртасидаги алоқаға боглик.

$$V = \frac{YMM}{M}$$

Агар YMM ни уртача баҳолар ($\bar{P}$) нинг реализация қилинган товарлар миқдори (Q) суммаси десак, формула қуйидагича булади:

$$V = \frac{\bar{P} \cdot Q}{M}$$

бундан, $M \cdot V = \bar{P} \cdot Q$

Жон Мейнард Кейнс пулга бойликнинг бир тури деб караган. Корхоналар ва ахоли уз активларининг бир кисмини пул шаклида асрайдилар, чунки пулнинг ликвидлиги юкори, яъни хохлаган пайтда хохлаган товар еки бошка бойликка айлантириш мумкин. **Кейнс узининг пулга талаб назариясини** ликвидликнинг маъкуллиги деб айтади.

Кишилар уч сабаб туфайли бойликларининг бир кисмини пул шаклида асрайдилар:

- а) тулов воситаси сифатида фойдаланиш учун (трансакцион мотив);
- б) келажакда уз ресурсларининг маълум бир кисмини нақд пул сифатида фойдаланиш имкониятига эга булишлари учун (эҳтиёткорлик мотиви);
- в) спекулятив мотив, яъни капитални облигация еки бошка коғоз шаклида сақлашдан йукотиш хавфи булганлиги учун, ундан куриладиган зарарни камайтириш учун.

Пулга талабнинг ҳозирги замон назариясининг хусусиятлари;

30. Активлар диапозонини жуда кенг деб ҳисоблайдилар (M_0 , M_1 , M_2 , M_3 , L).

31. Кейнсча пул талаб мотивларини (транакцион, спекулятив, эҳтиёткорлик) бир - биридан ажратиб утирмайди. Фоиз ставкаси пулни сақлашга таъсир қилади, аммо пул сақлашнинг альтернатив қиймати сифатида фоиз ставкасига қараб.

3. Бойликни пулга булган талабнинг асосий омили деб қарайди.

4. Пулнинг мақбуллигига унинг ликвидлигидан ташқари қутишдан узғаришларни ҳам таъсир қилади деб ҳисоблайди. Агар пулга талабнинг келажакдаги конъюнктураси пессимистик булса, пулга талаб янада ошади, оптимистик булса, пулга талаб камаяди.

5. Инфляция борлигини ҳисобга олади. Реал ва номинал даромад қаби тушунчаларни аниқ фарқлайди, реал ва номинал фоиз ставкаси, реал ва номинал пул массасининг ҳажми фарқланади.

Пул бозори – бу шундай бозорки, бунга пулга булган талаб ва таклиф фоиз ставкаси даражасини, пулнинг «баҳосини» аниқлайди. Пул бозори - бу пулга булган талаб ва таклифни бир – бирига узаро таъсирини таъминлаб берувчи институтлар мажмуасидан иборат. Пул бозорининг хусусияти шундаки, бунда пул «сотилмайди» еки «сотиб олинмайди» бошка товарлар сингари.

Агар пулга булган талаб, юкорида курганимиздек , қуплаб омилларга боғлиқ булса, пул таклифини қиладиган институт давлат ва банклардир. Улар уртасидаги мувозанатни сақлаш эса давлатга, биринчи навбатда марказий банка боғлиқдир.

2 - саволга жавоб.

Кредит – вақтинча буш пулларни аккумуляция қилиш ва уларни мақсад бўйича фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар системасидир.

Кредитнинг хусусиятлари:

- а) қайтариб беришлик;
- б) муддатлилиги;
- в) ҳақ туланишидир.

Кредит манбалари :

- а) корхоналарнинг вақтинча буш турган пул ресурслари;
- б) аҳоли жамғармалари;
- в) жамиятнинг вақтинча ишлатилмаётган молия ресурслари.

Кредитлар муддат жиҳатдан қуйидагига бўлинади:

- 1) қисқа муддатли (1 йилгача);
- 2) урта муддатли (1 йилдан 5 йилгача);
- 3) узок муддатли (5 йилдан узок муддатга).

Кредит ресурсларини аккумуляция қилиб кредитлаш билан шугулланадиган махсус корхона **банк** деб айтадилар. Банк жуда қадимий корхона, ҳатто у Бобилда ҳам бўлган. Банк пайдо бўлишига тиллони тинч, ишончли жойга йиғиш туртки бўлган. Биринчи ювилерлар банкирликни бошлаган. Киши олтинини заргарга берган, у эса қозғога тилхат езиб берган, еки клиент уз тиллосининг 1 қисмини фалончига бер деб ҳужжат (чекнинг протоколи) езиб берган.

Банк операциялари актив ва пасив бўлади. Актив операциялари билан банк даромад олади, пасив операциялар учун ҳақ тўлайди.

Банк тизими марказий банк ва тижорат банкларидан иборат. Марказий банк мамлакатнинг эмиссия банки бўлиб, у давлатга қарайди ва бутун банк тизимини ва мамлакатда пул муомаласини назорат қилади. У банклар банки ҳисобланади.

Тижорат банклари ҳозирги замонда 100 дан ортиқ хизматлар қурсатади. Улар мамлакат чегарасидан чиқиб жаҳон миқёсида фаолият қурсатадилар. Дуненинг 10 йирик банкининг (1995 йил ҳолати бўйича) энг каттаси инглиз банки (NSBC Holdindz) , иккинчи урин француз банки (Credit Agricolt), учинчи урин Швецария банки (Union Bank) эгаллайди. Шу унталик уринга 5 та япон, 1 немис, 1 америка банки ҳам қиради.

Тижорат банклари универсал еки ихтисослашган бўлади. Банк тизимига ихтисослашган молия кредит институтлари ҳам қиради. Уларга қуйидагиларни қиритиш мумкин:

- а) инвестиция банклари;
- б) жамғарма ташкилотлари;
- в) сугурта компаниялари;

- г) нафака фондлари;
- д) инвестиция компаниялари.

3 - саволга жавоб

Пул кредитини узгартиришига каратилган пул муомаласи соҳасидаги чоралар йигиндиси **пул - кредит** сиёсати номини олган. Унинг асосий максоди – пул ва кредит муомалалари ҳолатига таъсир килиш йули билан хужалик конъюктурасини тартибга солишдан иборат.

Пул кредит сиёсати:

а) кредит ва пул эмиссиясини рағбатлантиришга каратилган булиши мумкин, буни кредит экспансияси дейдилар,

б) улар эмиссиясини чеклаш ва ушлаб туришга каратилган булиши мумкин, буни кредит рестрикция дейдилар.

Ишлаб чиқариш ва ишсизлик усган пайтда марказий банклар конъюктурани жонлантириш учун кредитни устириш ва фойиз даражасини пасайтиришга интиладилар. Аксинча иктисодий кутаринкилик пайтда баҳо узиш, спекуляция, «биржавий иситма» иктисодиётда диспропорция кучайиши мумкин. бу пайтда конъюктура кизиб кетмаслиги учун марказий банк кредитни чеклаш – фойизни ошириш, тулов воситаларини эмиссия килишни ушлаб туришга интилади.

Пулнинг роли ва пул кредит сиёсатига ҳозирги замоннинг 2 асосий оқими қуйидагича қарашадилар:

КЕЙНСЧИЛАР айтадиларки, бозорнинг иктисодий барқарорликни таъминловчи механизмлари йук, қуплаб бозорлар рақобатга бардошли эмас. Шунинг учун давлат иктисодиётга аралашиб тез кутарилиш ва тушишларни юмшатади, бунинг учун фискаль ва пул кредит сиёсати ишлатилади деб ҳисоблайдилар. Улар учун пул иккинчи даражали роль уйнайди.

МОНЕТАРЧИЛАР бозорлар юқори рақобатли, улар микроиктисодий барқарорликни таъминлайди. Давлат иктисодиётга аралашиб бозор механизмларининг ишлашини емонлаштиради. Давлат бошқаруви бюрократик, самарасиз, индивидуал ташаббус учун зарарли, айрим ҳолларда сиёсий ҳатоларни булиб туради, оқибатда иктисодиётни беқарор қилади, деб ҳисоблайди монетарчилар. Улар учун пул энг катта аҳамиятга эга.

Пул - кредит тартибга солишнинг асосий йуналишлари:

а) банк системаси устидан давлат назорати. Мақсад - молия - кредит ташкилотларнинг ликвидлигини, яъни пул эгаларининг талабини уз вақтида қондира олиш қобилиятини мустаҳкамлашдан иборат (ҳисоб еки «дисконт»

сиёсати; очик бозорда операциялар килиш, ресурсларнинг мажбурий нормасини белгилаш оркали амалга оширилади) ;

б) давлат карзини бошқариш. Бюджетнинг доимий камомадлик даврида ва давлат карзининг хаддан ташқари ошиб кетган тақдирда, ссуда бозорида давлат кредитининг таъсири ошиб кетса, тартибга солишнинг бу йуналиши кулланилади. Унинг услублари: давлат мажбуриятларини олди - сотди қилади, облигация нархини узгартиради, уларни сотиш шароитини узгартиради, облигацияларни хусусий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш учун турли йулларини фойдаланади;

в) кредит операциялари ва пул эмиссияси хажмларини тартибга солиш. Мақсад - ҳужалик фаоллигига таъсир этиш. У биринчи ва иккинчи йуналиш билан боғлиқ, улардаги услублар бу йуналишга ҳам таъсир қилади.

4-саволга жавоб

Пул - кредит сиёсатининг услублари 2 хил булади:

Умумий услублар – бутун ссуда капитали бозорига таъсир қилади;

Селектив услублар – кредитнинг конкрет турини еки айрим тармок, йирик фирмани кредитлашга мулжалланган услублар.

Умумий услублар:

1) Хисоб (дисконт) сиёсати. Бу энг эски услублардан. XIX аср урталаридан кулланиб келинмокда. Бунинг вужудга келиши марказий банклар тижорат банкларнинг кредитларига айланиши билан боғлиқ. Фоиз даражасини ошириш билан тижорат банкларини бир - биридан қарз олишини, кредит операцияларини камайтиради. Бу сиёсат XIX аср урталаридан XX асрнинг 20 - 30 йилларигача кенг кулланилар эди. 30 – 40 йиллардан то 50 йилларгача Кейнс таклифи билан «арзон пул» сиёсати олиб борилган, бунинг маъноси фоиз даражаси жуда паст ва кредит хажми жуда катта булган. Масалан 1932-1951 йилларда Англияда фоиз даражаси 2% , АКШда 1937-1948 йилларда 1% булган. 50 йиллардан яна фаол юкори фоиз даражаси олиб борилмокда. Аммо бу услубнинг ахамияти анча пасайди.

2). Эркин бозорда операциялар марказий банк томонидан тижорат банкларидан бозор нархи еки олдин эълон қилинган курс буйича давлатнинг қимматли қозғалар, банк акцептлари, кредит мажбуриятларини сотиб олади еки сотади. Тижорат банки сотиб олса унинг хисоб резерви ошади, сотса қамаяди.

Шу йул билан уларнинг резерв мавқеиларини тартибга солади.

3). Мажбурий тулов нормасини белгилаш. Бу услуб АКШда 1933 йилдан ишлатилади. Бунда 1 томондан тижорат банкларининг ликвидлиги ошса, 2 чи томондан бу норма инвестицияни тугридан - тугри чекловчи булиб чиқади.

Селектив услублар:

1) Кредитнинг алоҳида турини назорат қилиш. Биржанинг қимматли қозғаларини қаровга қуйиб қарз бериш, узок муддатга товарларни сотиб олиш учун

бериладиган истеъмом кредитлари, ипотека кредитлари одатда назорат килинади.

2) Таваккални ва банк операцияларининг ликвидлигини тартибга солиш . Таваккал устидан давлат назорати кейинги 20 йилда кучайиб кетди.

Клиентларга қарз бераётганда қуплаб қоидаларга (бу қоидаларни давлат ишлаб чиқади) риоя қилиши керак. Масалан. 1 клиентга бериладиган қарз банкнинг уз маблагларидан маълум фоизидан (АКШда 10 %, Францияда 75%) ошмаслиги керак. Ехуд умумий кредит операциялар ва уз маблагларининг нисбати маълум даражададан ошмаслиги керак. (Масалан, Францияда 20 мартадан ортиқ ошмаслиги керак).

Кейинги пайтларда илғор мамлакатларда банклар фаолиятини тартибга солишда « рақобатни ривожлантириш сиёсатини» олиб борадилар. У рақобатга йул очиш, анти - рақобат ҳамкорликка қарши қоралардан иборат . У ички ва ташқи молия бозорларини либераллаштириш, фоиз даражасини назорат қилиш ва ҳар хил чеклашларни бекор қилиш, чет эл банкларининг маҳаллий бозорга эркин иш олиб боришга шароит яратишдан иборатдир.

5- саволга жавоб

Ўзбекистонда миллий валюта - сум 1994 йил 1 июлда киритилди. Сумнинг қурбини ошириш – умуммиллий вазифа. Барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифани қандай ҳал этилишига қуп жихатдан боглиқ.

Ўзбекистонда сумни барқарорлаштиришнинг 4 дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда:

- 1) сумни товар билан барқарор таъминлаш. Иложи борича тезроқ миллий бозорни товарлар билан тулдириш;
- 2) валютанинг барқарор амал қилиши, унинг муқимлиги, эркин алмашуви етарли валюта захирасига эга булишига боглиқ. Бунинг учун экспортни қенгайтириш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- 3) ҳар бир қорхона, фуқаро ишлаб топган сумини қадрлашни урганган тақдирдагина миллий валюта реал тулов воситасига айланади.
- 4) Миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти – инфляцияга қарши пухта уйланган сиёсат юргизишдир.

Банк тизимига қеладиған булсак, уни реформа қилиш керак, улгурмасак Ўзбекистонда банк қризиси булади (Қарл Гортон, банк буйича немис мутахассиси, Ўзбекистон вазирлар маҳкамасида ишлайди).

Жаҳон банки Ўзбекистон банк тизимини текшириб қуйидаги ҳулосаларга қелганлар:

- молиявий орага қириш жуда паст (М2 Ўзбекистонда ялпи миллий маҳсулотга нисбатан 17% , АКШ, Германияда 70%, Японияда 100%);

- пул муомаласида накд пулнинг хиссаси хаддан ташкари катта (Узбекистонда 50% , ривожланган мамалакатларда эса 10-15%);
 - банк секторида хаддан ташкари юкори концентрация (бор йуги 32 та банк, булардан хам 4 - 5 таси хал килувчи роль уйнайди);
 - банк секторида кучли сегментация (пахта банк, савдогарбанк - номларини узи айтади);
 - банк активларида давлатнинг хиссаси хаддан ташкари катта;
 - банк сохасида ракобат йук;
 - накд билан накд булмаган хисоб - китоб уртасида фарк бор (бу фарк кейинги йилларда анча камайди, аммо хали хам бор: 10 –15 % ни ташкил этади) ;
 - реал фоиз ставкаси манфий (кейинги йилларда 10%);
 - банклар солик администраторлари сифатида фаолият курсатади;
- Бу муаммоларни хал килиш учун куйидаги таклифлар берилади:
- а) банк сохасини ва бутун иктисодётни либераллаштириш;
 - б) банк сохасида хусусийлаштириш;
 - в) ракобат шароитини яратиш;
 - г) банкларни солик инспекторлик вазифасидан озод килиш;
 - д) корхона ва фукароларга куп, хохлаганча счет очишга рухсат бериш;
 - е) накд ва накд булмаган пул уртасидаги фаркни йукотиш;
 - ж) реал фоиз ставкасига чикиш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Пул муомаласи тугрисида кандай назарияларни биласиз?
2. Пул - кредит сиёсати нима?
3. Пулга кейнсчилар кандай карашади ва монитарчилар кандай карашади?
4. Пул – кредит сиёсатининг кандай усуллари бор?
5. Узбекистонда пул муомаласини баркарорлаштиришнинг кандай муаммолари бор?



КИММАТЛИ КОГОЗЛАР БОЗОРИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ (2 соат).

РЕЖА :


1. Кимматли коғозлар бозори ва унинг институтлари.
2. Кимматли коғозлар бозори инструментлари.
3. Кимматли коғозлар бозорида операция турлари. Фонд биржаси. Индекслар.
4. Кимматли коғозларни тартибга солиш.

АДАБИЁТЛАР :

- 1.Алексеев М.Ю. Рынок ценных бумаг. М. 1992г.
- 2.Экономика под. ред. А.С.Булатова М. 1994 г.
- 3.Экономическая теория под. ред. Абдурахманова и др. гл 20.
- 4.Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. Т.1997 г. стр.184-196
- 5.Улмасов А. Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т. 1995й.

1-саволга жавоб

Кимматли коғозлар бозори капитал бозорининг бир булагидир, у эса уз навбатида молия бозорининг бир қисми ҳисобланади. Қуйида молия бозори таркибининг схемасини қуриб чиқамиз:



Молия бозори – бу талаб ва таклиф асосида орага кирувчилар уртасида капитални кайта таксимлаш механизмидир.

Молия бозорининг бош функцияси бекор етган пул маблағларини ссуда капиталига айлантиришдан иборат.

Молия бозори 2 га бўлинади : пул бозори ва капитал бозори.

Пул бозори - киска муддатли кредит операциялар бозоридир. У уз навбатида 3 га бўлинади: хисоб (учетный) бозори, банклараро бозор ва валюта бозори. Биз хозир бу бозорнинг кискача мазмунини тушунтириб утамиз холос, чунки олдинги мавзуларда улар анча кенгрок урганилган. Бу ерда уларни келтиришдан мақсад, кимматли коғозлар бозори капитал ва ундан кенгрок молия бозорининг бир булагига сифатида фаолият курсатар экан, улар билан чамбарчас бағланганлигини таъкидлашдир.

Хисоб бозорида - киска муддатли кимматли коғозлар (казначей ва тижорат векселлар, бошка кимматли коғозлар) нинг жуда катта массаси ҳаракат қилади. Уларнинг энг муҳим хусусиятлари юқори мобиллик ва ликвидликдир.

Банклараро бозор – кредит ташкилотларининг вақтинча буш бўлган пул маблағларини банклар узаро жалб қилишлари ва жойлаштиришлари (асосан киска муддатда банк депозитлари шаклида).

Валюта бозори – халқаро тулов оборотиға хизмат қилади, у ҳар хил мамлакатларнинг жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пул туловларини тулаш билан боғлиқ. Бунда хисобларнинг зарур шарти бир мамлакат валютасини 2 чисига алмаштириш. Агар пул бозори киска муддатли эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилса, капитал бозорига эса молия ресурсларига бўлган узок муддатли эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. У урта ҳамда узок муддатли кимматли коғозлар ва банк кредитларига бўлинади. Молия бозори бирламчи ва иккиламчи бозорға, миллий ва халқаро бозорға ҳам бўлинади. Бирламчи бозор пул ва кимматли коғозларнинг эмиссия қилиш эса бу ресурслар бир эмас, бир неча бор қайта таксимланади. (асосан биржаларда банклар ва йул билан бўлиши мумкин).

Кимматбаҳо коғозлар бозори – кимматли коғозларни чиқарувчи, сотувчи, харид қилувчилар уртасидаги иқтисодий муносабатлар системасидир. Кимматбаҳо коғозлар бозори катнашчилари – эмитентлар, инвесторлар, инвестиция институтларидир.

Кимматли коғозларни чиқарувчи ва сотувчи корхона эмитент деб айтадилар. Эмитент сифатида давлат чиқиши мумкин ёки ҳуқуқий шахс чиқиши мумкин. Эмитентлар кимматли коғозларни сотиб заём ресурсларини оладилар, уларни эса ишлаб чиқариш фаолияти учун ишлатадилар. Қурилган даромад эса инвесторларга фойиз ва дивиденд тулашга манба бўлади.

Кимматбаҳо коғозни уз номидан ва уз хисобидан сотиб олган корхона, давлат , шахс инвесторға айланади. Кимматбаҳо коғозларни орага кирувчи фаолият сифатида олди - сотди билан шугулланадиганларни инвестиция институтлари деб

аталади. Улар орага кирувчи (молиявий брокер), инвестиция буйича консултант, инвестиция компанияси, инвестиция фонди сифатида фаолият курсатиш мумкин.

Кимматли коғозлар бозорида урта ва узок муддатли кимматбаҳо коғозлар айланди.

Кимматли коғозлар бозори куйидаги **функцияларни** бажаради:

- а) инвестицион;
- б) қайта таксимлаш.

Инвестиция функцияси. Кимматли коғозлар муомаласи орқали вақтинча буш турган пул маблуглари (давлатнинг, корхоналарнинг, аҳолининг, ижтимоий ташкилотларнинг) иқтисодиётга самарали инвестиция қилиш учун мобилизация қилинади. Бу инвестицион функциядир.

Қайта таксимлаш функция. Кимматли коғозлар энг перспектив регионларга , энг самарали тармоқларга капитални тармоқлараро ва регионлараро оқибатини таъминлайди.

2 - саволга жавоб

Кимматли коғозлар бозорининг инструментлари бу хилма - хил кимматбаҳо коғозлардир. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари буйича муомалада - акция, облигация, хазина мажбуриятлари, депозитли сертификатлари, вексель ва бошқалар бор.

Кимматли коғоз – сотиладиган ва сотиб олинadиган молиявий ҳужжат бўлиб, у унинг эгасига келажакда нақд ҳолда пул олиш ҳуқуқини беради. Кимматбаҳо коғозлар даромади қайд қилинган (масалан, облигация) еки даромади қайд қилинмаган (масалан, акция) бўлиши мумкин.

Бундан ташқари :

- а) бир шахс номи билан боғлиқ бўлган ва
- б) боғлиқ бўлмаганларга ажратилади.

Биринчи ҳолда унинг эгаси эмитентга номи регистратсия қилинган бўлади. Бошқа бировга бериш пайтида ҳисоботга бир шахсдан иккинчисига ўтганлиги ёзилади (масалан, вексель). Иккинчи ҳолда, кимматбаҳо коғознинг курсатиш билан унинг эгаси ҳуқуқи реализация қилинаверади (масалан лоторея). Улар эркин муомалада юради.

Кимматли коғозларнинг айрим турларини қуриб ўтамиз.

Депозитли сертификат. Кредит ташкилотлари томонидан чиқариладиган молиявий ҳужжат, саклаш учун қуйилган пул туғрисида гувоҳлик берувчи шаходатнома. (биздаги сберкнижка). У қандайдир муддатга еки талаб қилинган вақтда бериладиган бўлади.

Вексель – қарзни ва фойзни ўз вақтида тулаш ваъдаси таъминланмаган кимматли коғоз. Вексель хилма - хил ҳисоб – қитобларда пул сифатида

ишлатилиши мумкин. Вексель корхонанинг мулки сифатида сотилиши, берилиши мумкин. Шундай килиб, вексель ҳам қарз мажбурияти, ҳам ҳисоб – китоб воситасидир. Вексель – оддий, переводной бўлиши мумкин.

Облигация - давлат ёки корпорациянинг заём билети, одатда жуда қулайлик билан чиқариладиган қарздорлик мажбуриятлари.

Облигация уни чиқарувчи компания (ёки давлат) облигация эгасига маълум вақт ичида фойиз тулаш, ё муддат тугагач қарзни тулаш мажбуриятини олганлиги тугрисида гувоҳнома ҳисобланади. Облигацияларнинг 2 хили бор :

Давлат (муниципал) облигациялари – одатда маҳаллий ҳукумат (айрим ҳолда марказий) томонидан чиқарилиб, маҳаллий бюджетни қоплаш учун мулжалланади. У солиққа тортилмайдиган даромад беради, шунинг учун чет элларда жуда тез усмокда.

Компания облигациялари – буларнинг узига жалб қилинадиган томони, улар номинал курсдан паст, яъни эмиссион курс билан сотилиши мумкин, бу фарқ эса дизажио дейилади. (98 сум, 100 сум урнига). Уни қоплаш номинал қиймат билан эмас, юқорирок қоплашга қилишилиши мумкин, натижада ортиқча даромад пайдо бўлади, буни ажио деб айтилади (100 сум урнига 105 сум). Умумий даромад эса фойиз, ажио, дизажиоларнинг йигиндисидан иборат бўлиб, облигацияни баҳолашда муҳим курсаткич ҳисобланади. Облигациянинг бу тури Германияда кенг тарқалган.

Даромад қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$Y = \frac{N}{P} \cdot 100$$

бунда, Y - даромад,

N – номинал фойиз

P - эмиссия курси.

Акция – қиммат баҳо қозғовчи бўлиб, мулкчилик унвони сифатида унинг эгасига фойданинг бир қисmini дивиденд шаклида олишга ҳуқуқ беради. Акцияни акциядор жамияти капитални ошириш учун чиқаради. Қонун бўйича акциянинг ва акцияли капиталнинг минимал қиймати белгиланади. Акция эгаси акциядор жамиятдан қўшилган суммани қайтариб беришни сурай олмайдди. Акция муддатсиз чиқарилган бўлиб, у акциядор жамият тугаши (банкрот бўлиши, қўшилиб кетиши) билан умри тугайди.

Акция овоз бериш ҳуқуқини беради, яъни акциядор жамиятнинг бошқариш ишларига қатнашиш ҳуқуқини беради.

Акция эгаси таваккалга рози бўлади, яъни фойда акциядор жамият фаолиятига қараб ўзгариб туради. Бундан ташқари, фойданинг қанча қисми дивидендга берилиши ҳам акциядор жамиятга боғлиқ.

Акциядор акцияни сотиб олиш, сотиш еки узида саклашда 2 нарсага эътибор беради:

1) дивиденднинг йиллик даражаси:

$$Y = \frac{D}{P} \cdot 100$$

Бунда – Y – акциядан олинган даромад, D – дивиденд, P – сотиб олиш баҳоси.

2) акция курси узишдан умидворлик. Хозирги даврда бунинг аҳамияти катта.

Акциялар оддий, имтезми, номи езилган, номи езилмаган акциялар турларига бўлинади. Уларнинг ҳар бири ижобий ва сальбий томонларга эга.

Шундай қилиб акция - қушган пул йукотиш эҳтимоли нуқтаи назаридан энг хавфли, аммо назарий жиҳатдан энг катта фойда келтириш имкони бор бўлган қимматли қозғалди.

Акциялар АКШда, Японияда, Франция ва бошқа ривожланган давлатларда анча кенг тарқалган. Германияда эса қимматли қозғалди оборотида акцияларнинг ҳиссаси жуда ҳам кам.

Қимматли қозғалди сотиб олишда 3 нарса муҳим: а) даромад, б) ликвидлик, в) хавфсизлик.

3-саволга жавоб

20 аснинг 80 - 90 йилларида қимматли қозғалди бозори капитал қувишнинг энг қулай, қозғалди соҳасига айланди. Олди - сотди қулаб қоидага ва чеклашлар билан тартибга солинади, натижада уни мураккаб ишга айлантиради. Бу операциялар билан одатда «қозғалди қувиш» шугулланади.

Фонд битимларининг 3 модели мавжуд :

1 қи, оддий модель →

Сотувчи - қозғалди қувиш - харидор

яъни қозғалди қувиш сотувчи билан харидорни учраштиради.

Модель –2. →

Сотуви - қозғалди қувиш - қозғалди қувиш - харидор
--

Қозғалди қувиш қимматли қозғалди сотиб олиб, кейин қулай шароитда сотиши мумкин, (уларни дилер дейишади) еки қлиентга топиб бергани учун муқофот олиши мумкин. 1 қи ва 2 қи моделларида қозғалди қувиш ё у , ё бу сифатда чиқади.

Модель –3.

Сотувчи - Флангадаги Орага қувиш -	марказдаги орага қувиш -	флангадаги орага қувиш - харидор
--	--------------------------------	--

Бу моделда флангадагилар мукофот олиш шаклида, марказдаги дилер сифати ишлайди, яъни ишлар аник таксимланган.

Флангадаги орага кирувчини брокер деб айтадилар, марказдагини – мутахассис (АКШда), (Лондонда эса джоббер) айтилади.

Ривожланган фонд бозорларида 3 моделда ҳам операциялар килинади.

Фонд биржаси – кимматли когозларнинг нисбатан ташкил килинган кисми булиб, у ерда биржа аъзоларининг орага кириши билан олди - сотди битимлари амалга ошади.

Фонд кийматлари – бу биржада сотишга рухсат берилган кимматли когозлар. Биржада кимматли когознинг узи булмаса ҳам операциялар килинади.

Биринчи биржа 1406 йил Голландиянинг Брюге шахрида ташкил топган. Антверпен (1460), Лион (1462), Тулуза (1469), Амстердам (1530), Париж (1563). Улар олдин ҳам товар, ҳам фонд биржаси эди, кейинчалик фонд биржалари ажралиб чиқади.

1608 йил Амстердамда 1 чи, хозирги замон нуктаи назаридаги фонд биржаси тузилди. У анча пайтгача дуненинг савдо маркази булиб колди. Хозирги пайтда дунеда фонд биржалари 160 дан ошиб кетди.

Биржа системалари - а) моноцентристик, яъни мамлакатда бирта, еки асосан бирта биржа бор (Англия, Франция, Япония),

б) полицентристик, яъни кудрати жихатдан бир- бирига якин бир неча (одатда 2 – 4 та биржа бор. (Канада, Австралия),

в) Аралаш система, (факат АКШдаги система, аммо Россия ҳам шу йул билан бормокда) бунда регионларда бир неча кучли биржалар бор, ва жуда кучли марказий (АКШда Нью-Йорк, Россияда Москва биржаси) биржа бор. Биржада юзлаб, минглаб (масалан, Лондон – 2800, Нью-Йорк- 1700) компанияларнигина акцияси котировка килинади, 100 минглаб майда - чуйдалар биржада котировка килинмайди, биржадан ташкаридаги бозорда олди - сотди килинади.

Фонд биржаларининг 2 модели бор:

1) Англо- америка модели – акцияли жамиятда контроль пакет кичик булгани учун куплаб акциялар сотилади, контроль пакет кулдан - кулга утиш эхтимоли жуда катта.

2) Гарбий Европа модели – контроль пакети катта, нисбатан кам акция сотилади. Контроль пакет кулдан – кулга утиш эхтимоли кичик.

(Узбекистон учун ҳам шу модел ривожланса ажаб эмас).

Дуненинг энг катта фонд биржалари: Лондон, Нью-Йорк, Токио, Цюрих, Багам ороллари, Сингапур, Дубай.

Касса операциялари – уни бажариш битим тузилгандан кейин содир булади. (АКШда, дарров тулашидан то 5 кунгача, Японияда 1-14 кун, Швецияда – 1-5 кун).

Шошилич операциялар - спекулятив характерга эга, куп давлатларда таикланган. АКШ, Швецияда анчагинга ривожланган. Биржа спекулянтлари

акция курсининг пасайишига («Айиклар») еки усишига («Букалар») уйнайдилар. Битим одатда ойнинг охирида тузилиши керак. Шундай спекулянтлар булганки, 1 кунда (1987 йил Нью-Йорк «Кора сешанба» деб ном олган биржа кулашида) 1 млрдга якин бойликни йукотган.

Биржа операцияларини амалга оширишга **топширик шаклидаги** операциялар булади. Унинг 4 хили бор:

- 1) жорий бозор курси буйича, топширик (яъни брокер энг кулай моментда операцияни амалга оширади).
- 2) лимитли топширик, яъни инвесторга кайси курс маъкул булса курсатилади;
- 3) остонали топширик, яъни инвесторга хозирча усаётган, аммо тузиши мумкин булган курсининг минимуми белгилаб куйилади;
- 4) кисман еки бутунлай брокер ихтиерига куйилган топширик.

Биржа курсларини харакатини бахолаш учун хамма банкларда акциялар курсининг индекси хисобланади. Хар бир акция (облигациянинг) даражавий бахо индекси биржада котировка килинадиган ушбу тусдаги акциялар курсларининг йигиндиси ва акциялар номиналига булинмасидан иборат. Кейинчалик бу даражавий бахо индекслар умумий биржа индекси хисоблаш учун фойдаланилади.

Доу Джонс индекси (Нью-Йорк фонд биржаси). Бошка биржаларнинг индекси хам шу тарзда тузилади. Доу Джонс индекси 1884 йилдан бери

«Доу Джонс энд Ко Инкорпорейтед) фирмаси тмонидан «Уолл Стрит Джорнел) ва «Берроиз» кундалик нашрларда эълон килиб борилади. Бунда асосий Америка компанияларнинг биржа бахоси (даражасининг) уртача арифметик индекси сифатида хисобланади.

Доу Джонс индекси :

а) Инвесторлар нуктаи назаридан энг обрули АКШнинг 30 саноат компаниясининг акцияси;

б) 20 асосий транспорт компаниясининг акцияси;

в) коммунал хужаликнинг 15 асосий компаниясининг акциясининг курси олиниб уларнинг уртача арифметик йигиндиси олинади .

Бу индекснинг алохида узи хеч бир маънога эга эмас, факат уни олдинги давр билан солиштириб, акция курслари усган еки пасайганини билиб олиш мумкин. Масалан, кеча бу курс 1870, 5 ни ташкил этди. Бугун эса 1971,7 , демак акция курси 1,2 бирликка усган. Демак , унинг динамикасига караб бизнесменлар кандайдир хулосалар чикарадилар.

Нью-Йорк фонд биржасига ривожланган мамлакатлар фонд оборотининг анчагина кисми тугри келади, шунинг учун бу индекс нафакат АКШ, балки бутун дунедаги иктисодий, молиявий ишлар ахволини билдириб турувчи сигналдир.

Доу Джонс индексининг ракиби «С энд Р 500» индексидир. Бу индексни АКШнинг кимматли когозларни урганувчи энг йирик фирма – «Стендард энд Пурс» 1957 йилдан бери АКШ 500 асосий компаниялари

(400 – саноат, 20- транспорт, 40- коммунал хужалик, 40 – молиявий) акцияларнинг уртача баҳоси сифатида ҳисоблайди. Бу индекс 3 хонали рақамдан иборат (масалан, 377,75).

Бу асосий индексдан ташқари, ҳар бир биржа узида бўлган акцияларнинг даражавий индексларини ҳисоблайдилар.

Доу Джонс сингари Японияда «Никкей (225 компания учун) «Топикс» (Токио биржасининг), Германияда Дакс (30 компания учун) индекс ҳисобланади. Бошқа давлатларда ҳас уз аналоглари бор.


4- саволга жавоб

Давлат билан қимматли коғозлар бозорининг бир - бирга таъсири қўқирралидир. Давлат қарз берувчи, қарз олувчи ҳам бўлиши мумкин. Давлат бозорининг ишлашини умумий қоидаларини урнатади, назорат қилади, уз сиёсатини амалга оширади, ҳимоя қилади ва рағбатлантиради.

Давлат томонидан қимматли коғозлар бозорини тартибга солишнинг **вазифалари қўйидагилар:**

- рақобат ривожланишини таъминлаш;
- макроиктисодий муовзанатни таъминлаш;
- инвесторларни ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш.

Қимматли коғозлар бозорининг тартибга солиш механизмлари:



Давлатнинг кимматли коғозлар бозорини тартибга солишдаги роли қуйидагилар:

- а) идеологик ва ҳуқуқий жиҳатдан шароит яратиш;
- б) зарур жойларга ресурсларни концентрация қилиш;
- в) уйин қоидаларини урнатиш;
- г) бозорни барқарор ва ҳавфсиз (молиявий жиҳатдан) лиги устидан назорат қилиш;
- д) кимматбаҳо коғозлар бозори ҳолати тугрисида информация тизимини яратиш ва уни инвесторлар учун очиклигини таъминлаш;
- е) инвесторларни йукотишдан ҳимоялаш системасини ташкил этиш;
- ж) давлатнинг тартибга солишнинг бошқа турларининг (валюта, фискаль, солиқ, пул) салбий таъсирини олдини олиш;
- з) давлатнинг кимматли коғозларини ҳаддан ташқари ушиб кетишини олдини олиш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Кимматли коғоз дегнда нимани тушунасиш?
2. Кимматли коғозларнинг кандай турларини биласиз?
3. Нега дунё бўйича акция купрок тарқалган, унинг кандай афзал томони бор?
4. Фонд биржаси нима?
5. Фонд биржасида кандай турдаги операциялар олиб борилади?
6. Кимматли коғозларни тартибга солишда давлат кандай роль уйнайди?
7. Кандай биржавий индексларни биласиз?



ИКТИСОДИЙ БЕКАРОРЛИК ВА ИНФЛЯЦИЯ (2 соат).

РЕЖА :

1. Цикллар ва кризислар.
2. Инфляция: сабаблари, шакллар, улчаш.
3. Инфляциянинг оқибатлари ва уни тартибга солиш.

АДАБИЁТЛАР :

1. Йулдошев З., Косимов М. Макроиктисодиёт асослари. 11 боб.
2. Севлякянц С.Г. и др. Экономика основа жизни общества гл.7.
3. Бункина М.К., Семенов В.А. Макроэкономика гл. 4,7.
4. Фишер С. и др. Экономика гл. 31, 33.
5. Экономическая теория. Учебник для студентов ВУЗ под ред. Абдурахманова и др. гл. 17.
6. Макконнелл К. Брю С. Экономикс гл. 10.
7. Узбекистан: обзор политики социальных и структурных реформ. Стр. 123 - 125.
8. Экономика Под ред. Булатова А.С. М. 1994г.

1 - саволга жавоб

Бозор иктисодиётининг 3 та оғир касаллиги бор:

- а) ишлаб чиқаришнинг ностабил ривожланиши;
- б) ишсизлик ва
- в) инфляция.

Биз энди мана шу касаликларни чуқурроқ курамиз. Улардан биринчисини макроиктисодий тебарнишлар еки иктисодий цикл деб номлашади.

Иктисодий цикл – бу аниқ бир тавсифга эга булган иш фаолиятининг доимий равишда кутарилиб ва пасайиб туришидир.

Иктисодиётни тебраниб туриб ривожланиши мана қарийб 180 йилдан бери кузатилади. Биринчи иктисодий кризис 1821 йил Англияда содир булган. (Францияда 1837, Германияда 1840 йилда биринчи иктисодий кризис таъкид қилинган). Шундан бери 7 - 12 йилда бир такрорланади. 19 асрнинг энг кучли кризиси 1873 йилда (эркин капитализм кризиси), 20 асрнинг энг кучли кризиси 1929-33 йил (монополистик капитализм кризиси) ва ҳозирги замоннинг энг

кучлиси 1973-75 йиллар (давлат монополистик капитализми кризиси) содир булган.

Алохида иктисодий цикл бир - биридан давом этадиган вакти билан ҳамда интенсивлик даражаси билан фарк этади.

Классик цикл буйича 4 фазани ажратиш мумкин: кризис, депрессия, жонланиш, юксалиш.

Кризис даврида иктисодий фаолият кескин сусайиб кетади, баҳолар усади, ракобат беҳад кескинлашади. Капиталнинг йириклашуви ва марказлашуви тезлашади. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши натижасида бир оз кечикиб оммавий ишсизлик бошланади, иш хақи пасаяди, меҳнатқашларнинг харид қобилияти, демак ялпи талаб пасаяди. Пул кетидан қувиш бошланади, кредитнинг фоиз ставкаси кутарилиб кетади. Молиявий мажбуриятлар бузилади. Бу фаза узок давом этмайди, аммо шок сифатида иктисодиётни анча издан чиқариб юборади.

Сунгра, **депрессия** фазаси башланади, бу вақтда ишлаб чиқариш бир жойда депсиниб туради. Товар запаслари аста - секин тамом булади, уларнинг бир қисми йук қилиб юборилади, бир қисми эса нисбатан арзон баҳоларда сотилади. Эскирган, унуми паст усқуналар йук қилинади. Товарларнинг сотилиши аста - секин купаяди. Баҳоларнинг пасайиши тухтайди. Бу босқичда актив хужалик фаолияти олиб бориш учун шароит яратилади. Хужалик фаолияти янги шароитга мослашади.

Фоиз ставкаси пасая бошлайди. Тадбиркорларнинг конъюктурага ишончи секин - аста тиклана бошлайди. Технологик жихатдан илгор қорхоналар ишлаб чиқаришни устиришни бошлайдилар.

Жонланиш босқичида энг йирик ва технологик жихатдан илгор қорхоналар меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлайдиган анча самарали машина ва усқуналардан фойдаланиш йули билан баҳоларнинг паст даражада булишига мослашадилар. Фойда кетидан қувиш ва ракобат қупчилик тадбиркорларни машина ва усқуналарни янгилашга мажбур қилади. Ишсизлик қисқара бошлайди, бу эса ялпи иш хақининг ошишига, демак, ялпи талаб усишига олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажми олдинги ҳажмга (кризис бошланмасдан булган ЯММ ҳажмига) етади.

Жонланиш юксалиш фазасига утади. **Юксалиш** босқичида ишлаб чиқариш ҳажми олдинги циклда эришилган даражадан анча усиб кетади

(соф усиш). Кредитга булган талаб кенгайди. Фойда купаяди, акция ва бошқа қимматли қозғалар қурси кутарилади. Жадал иктисодий усиш даврида илмий техник янгиликлар жорий этилади, янги товарлар, янги қорхоналар ва хатто янги тармоклар пайдо булади.

Иктисодий цикллар ҳеч қачон эгизак булган эмас, уларнинг ҳар бири узига ҳос хусусиятларга эга булган. Бундан ташқари қризислар одатда қутилмаганда бошланади. Аммо кейинги тадқиқотлар қризис олди (Vorkrize) ҳолатини

ажратадилар. Бу даврни чукур тахлил килиб, катастрофа бошланишини билиб олиш мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярмида иктисодий цикллarning анчагина сусайганлигини кайд килиш мумкин. Масалан, АКШда ЯММ кризис даврида куйидагича камайган:

1973-75 йиллар – 4,3% .

1981-82 йиллар – 3,2% .

1990-91 йиллар – 1,2% .

1998-99 йиллар – 0 %.

Бундан ташкари хозирги кризисларга стагфляция ва айрим фазаларнинг тушиб қолиши хос.

Иктисодиётнинг цикли ривожланиш сабабларига хар хил караш бор:

а) кризис аҳолининг сотиб олиш қурбининг чегараланганлиги, истеъмолнинг етарли эмаслиги, бошқача айтганда, ортикча ишлаб чиқаришдир. Бу карашга утопистлар, марксистлар, қисман Кейнс ҳам қушилган. Улар кризисни даволаш учун истеъмолни рағбатлантириш керак деб ҳисоблаганлар (Кейнсчи Джоан Робинсон (1903 - 1983йй.) бу назария ва таклиф тарафдори булган). Аммо амалиёт шуни қурсатмоқдаки истеъмолнинг етишмовчилиги сабаб эмас, оқибат экан.

б) кризис сабаби мутанасибсизлик, иктисодиётда мувозанатнинг бузилишидир. Кризисларнинг сабаби тармоқлар уртасидаги тугри пропорцияларнинг йуклиги, тадбиркорлар фаолиятининг стихиялиги.

Бу гуруҳга 2 та йуналиш киритиш мумкин:

- тадбиркорлар стихияси туфайли кризис булар экан, демак иктисодиёт давлат томонидан тартибга солишни қучайтириш керак;
- пропорцияларни бузилишига давлатнинг фискаль сиёсати, пул ҳужалиги ва банк соҳадаги камчиликлар сабаб булган. Демак, бозор иктисодиётининг ички ресурсларини ишлашга шароит яратиш керак, иктисодиётга аралашмаслик керак (биринчи навбатда тугридан тугри). Билвосита тартибга солишни пухта уйлаб қилиш керак.

в) иктисодий кризисларнинг сабаби ташки омиллар – сиёсий, демографик, табиий омиллар, технологик ва бошқалардир.

Ташки омиллар таъсири бор, аммо кризиснинг сабабини иктисодиётнинг ички ривожланиш қонуниятларидан излаш керак. Бу масалада Йозеф Шумпетер шундай деган эди: «кризиснинг ягона сабабчиси «юксалиш» дир», яъни иктисодиёт жадал усаётган даврда тугилган қийинчиликларни ечиш учун зарур булган давр ва ҳолатдир.

КАТТА ТУЛКИНЛАР. Буни Кондратьевнинг катта цикллари деб ҳам аташади. Бу феноменни 1922 йил рус иктисодчиси Николай Дмитриевич Кондратьев (1892 - 1938 йил, уша давр интеллигентларидек совет лагерда улган) тушунтирган. Илмий техник ва у билан боғлиқ булган ижтимоий жараёнлар импульсив характерда ривожланади. Хар бир катта давр узининг импульсларига

эга. Катта цикл 40-60 йиллар давом этади ва бу даврда бир неча иктисодий цикл алмашади. У хам кутарилиш ва тургунликларига эга булиб, тулкинсимон характерга эга.

Голландиялик олим Я.Ван - Дейн катта циклларни куйидагича даврлайди:

1 чи тулкин	2 чи тулкин	3 чи тулкин	4 тулкин
1790 – 1815	1845 - 1872	1892 - 1929	1945 – 1973

Шу классификация буйича бешинчи тулкин саксонинчи йилларнинг охирида бошланган. Бунга тоталитар, коммунистик системалар емирилиши туртки булагн деб хисоблашади.

Катта циклларнинг двигателари:

- инновацион фаолиятни кутарувчи базис характердаги илмий - техник тунтаришлар;
- структуравий катта силжишлар ва бахолар пропорциясидаги кескин узгаришлар;
- бозор иктисодиётининг янгиланиши, уз-узини такомиллаштириши (эркин ракобатдан монополистика утиш каби);
- ижтимоий - сиесий ва ижтимоий – психологик макрокурсаткичларда туб узгаришлар (прогрессив реформалар, катта урушлар, катта демографик силжишлар).

2 - саволга жавоб

Инфляция – пулнинг кадрсизланиши, унинг сотиб олиш курбининг пасайиши еки умумий бахо даражасининг ошишидир. У хозирги замон иктисодиётининг энг огир касалидир. Албатта хар кандай нархнинг кутарилиши инфляция эмас, нарх сифат яхшиланиши билан хам кутарилиши мумкин.

Инфляциянинг лугавий маъноси – лотинча суз булиб, шиширилган дегани, яъни товар массасига нисбатан ортикча таъминланмаган когоз пуллар муомала каналларини тулдириб юборишидир. Дж. Гелбрайт :

«Инфляция – бу пулнинг товар кетидан кувишидир», деб бахо берган эди.

Инфляциянинг сабаблари куп, аммо инфляция келиб чикишига асос- пул хажмининг товар хажмига мос келмаслиги, яъни товар ва хизматларга булган талаб товароборот хажмидан ошиб кетишидир.

Талаб ва таклиф диспропорциясига олиб келадиган омиллар:

- а) давлат бюджетининг камомадлиги;
- б) инвестиция хажмининг иктисодий имкониятидан усиб кетиши;
- в) ишлаб чикариш хажми ва меҳнат унумдорлиги усишидан иш хакининг усиши олдин кетиб колиши;
- г) давлат нархларининг уйламасдан оширилиши окибатида талаб хажми ва структурасининг бузилиши.

СССРда 1990 йилдан кучли инфляциянинг бош сабабларидан бири 1985 йилдан 1989 йилгача давлат бюджети камомадлиги 3,5 % дан 19 % га (18 дан 120 млрд сумга) ушиб кетганлигидир.

Инфляциянинг сабаблари ички ва ташки сабаблари булиши мумкин:

Ташки сабаблар – ташки савдодан келадиган киримнинг камайиб кетиши (жахон бозорида шу мамлакат экспорт киладиган ва импорт киладиган товарларнинг нархи узгариши окибатида), ташки савдо ва тулов баланси колдигининг салбий булиши, куп экспорт ва импорт килинадиган давлат билан ташки иктисодий алоканинг узгариши ва бошкалар.

Ички сабаблар – халк хужалик структурасининг деформация булиши (Эски СССРда, огир саноат хаддан зиеду, истеъмол сектори яхши ривожланмаган булгани каби), инфляцияга карши курашда хужалик механизмининг яхши ишламаслиги, капитал маблагларининг имконияти ортикчалиги ва самарасининг пастлиги, иктисодий алокаларнинг узилиб кетиши (эски СССРнинг урнида вужудга келган давлатларда).

Инфляция келиб чикиш сабабларига караб уч хилини ажратадилар:

а) **талаб инфляцияси** – ялпи талаб даражасидан ишлаб чикаришнинг оркада колиши, бошкача айтганда, куп пул хажми кам товар хажми учун ов килади. Нарх усиши билан фойда усади, натижада тадбиркорлар ишлаб чикаришни кенгайтиради ва иш хакини оширади, бу талабни оширади талаб эса нархни ошишига олиб келади;

б) харажатлар инфляцияси (еки **таклиф инфляцияси**) харажатлар (хом-аше, екилги, импорт бахолар, казиб олишнинг узгариши, транспорт харажатларининг ошиши), иш хакининг ошиши (сиесий, ижтимоий ва бошка сабаблар туфайли) натижасида корхона товарларининг нархи усишига сабаб булади;

в) **кутиш инфляцияси** – инфляцияни еки бошка негатив ходисани кутиш инфляциясининг келиб чикишига, унинг чукурлашишига сабаб булади. Ноаниклик, асабийлик, келажак тугрисидаги вахимали уйловлар нарх усишига кучли таъсир килади. Бу албатта назарий жихатдан, реал хаетда эса инфляциянинг 3 шакли кушилиб кетган булади – талаб хам, таклиф хам, кишиларнинг кутишлари хам уз хиссасини кушади.

Инфляцияни улчаш учун индекслар, хар хил йилларда бахоларнинг нисбати фойдаланилади. Бунинг учун истеъмол бахолар индекси, улгуржи бахолао индекси, ЯММ дефлятори ва экспорт, импорт нархларнинг индексидан фойдаланилади.

Бахо индекси (I) – жорий йилдаги бахо (Pt) нинг базис йилдаги бахога (Pb) нисбатидир.

$$I = \frac{P_t}{P_b} \cdot 100$$

Баҳоларнинг усиш суръатига караб, одатда 4 хил инфляцияни ажратадилар:

а) **нормал инфляция** – бунда баҳоларнинг усиш суръати 3 - 3,5 % гача (йилига) булган ҳолатдир. Бунда нарх - наво асосан сифат яхшиланиши ҳисобидан содир булади. Бу даражада тадбиркорлар ва уй хужаликлари уз қарорларини узгартирмайдилар. Бу даражани ижобий роль уйнайди деб ҳисобланади. Энг илгор давлатлар инфляцияни шу даражасига чиқиб олганлар. Масалан Швецарияда, Японияда нарх - наво кейинги йилларда 1 – 2 % усмокда;

б) **муътадил еки урмаловчи инфляция** – бунда баҳолар бир йилда 10% гача усади. Бу ҳозирги ривожланган давлатларнинг қупчилигига ҳос булиб, уларда иқтисодиёт, жумладан инфляция анча яхши тартибга солинаётганидан дарак беради;

в) **сузиб юрувчи (еки супер) инфляция** - баҳонинг усиши 2-3 хонали рақам билан белгиланади. Буни бошқариш анча қийинлашади. Рақам қанча қатта булса, шунча қийин булади. Илгор давлатларда кейинги 50 йил ичида 2 марта содир булган: 1) ҳарбий экономикадан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида (1945-1952 йиллар) ва баҳолар революцияси ва ундан кейинги йиллар даврида (1973 - 1981). Қолоқ давлатлар учун эса бу одатий ҳолат;

г) **гиперинфляция (югурувчи инфляция)** – бунда баҳонинг усиши бир ойда 50% ташқил этса ва бу ҳолат 6 ойдан қуп сакланса. Гиперинфляцияни тартибга солиб булмайдди. Нарх шунчалик тез усадики, қуп уз функцияларини бажармай қуяди, бартер авж олади. Гиперинфляция одатда «инфляцион психоз» ни келтириб чиқаради ва у «уз-узини боқади».

Гиперинфляцияга классик мисол – 2 жаҳон урушидан кейин Германияда (ресторанга қирган пайтда бир нарх, тулаб кетишда бошқа нарх булган), 1918 — 1923 йилларда Россияда рублнинг қурби 10 млн. марта тушиб кетган (бозорда ҳалта қутариб қуп олиб юришган).

Бу турт ҳолатдан ташқари, реал ҳаётда нархнинг умумий ҳолда пасайиши ҳам содир булиб туради. Бу жараенни дефляция дейилади. Дефляция олдинги қамонларга (19 асрнинг урталари, 20 аср 1 чи ярмида) ҳос булган. Ҳозирги қамон учун эса инфляция ҳосдир.

Давлатнинг бозорга зуравонлик ишлатиш нуқтаи назаридан инфляцияни 2 хилини ажратадилар:

а) очик

б) яширин.

Очик инфляция - бозор иқтисодиётига ҳос, нарх бозор қонунлари асосида тарқиб топади, бу жараенга давлат сезиларли таъсир этмайди.

Яширин инфляция – бунда давлат уз қучига таяниб нархни, иш ҳақи усишини зурлик билан ушлаб туради (СССР да 1 буханка нон 30 йил 25 тийин булган, бу даврда қанча қамонлар узгарган булса ҳам). Натижада бозорнинг нарх регуляторлари деформацияга учрайди, реал ҳолатни қурсата олмайди.

3-саволга жавоб

Инфляция жамият учун жуда катта зарар келтирадиган касалликдир, унинг энг мухим салбий окибатлари куйидагилар:

- меҳнат килиш мотивацияси сусаяди;
- аҳолининг ижтимоий табакалашуви кучаяди;
- жамиятнинг жамгариш имкониятлари камаяди;
- ҳукуматнинг обрўи ва таъсири тушади;
- аҳолининг (истеъмолчининг) реал даромадларини камайтиради;
- аҳоли жамгармаларининг қурбининг пасайишига олиб келади (масалан, 1997 йил 10000 сум банкка қуйиб, 1998 йил қайтариб олган киши, кам деганда 30 % йукотган);
- ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли товар ва хизматлар яратишга булган кизикиш сунади (паст сифатли товар ишлаб чиқариш усади, арзон товар ишлаб чиқариш қисқаради);
- биринчи навбатда, катъий белгиланган даромад олувчиларнинг (нафақахурлар, студентлар, давлат хизматчилари) ҳаёт шароити ёмонлашади;
- озик - овқат нархини ошишини кутиб, қишлоқ аҳолиси қамроқ хом- ашё сотади;
- инфляциянинг энг ёмон окибати шундан иборатки, уни тартибга солиб бўлмаса, бутун иқтисодиёт ёмон тартибга солинадиган иқтисодиётга айланди. Шунинг учун жаҳон банки Ўзбекистонга 1чи навбатда қилинадиган ишлардан бири - инфляция даражасини ҳозирги 30 дан 20 га ундан қамроқ фоизга тушириш керак, деб маслаҳат берган.

Инфляция ҳаммага бир хил таъсир қилмайди, қимдир қупроқ, қимдир озроқ юткизади, қимдир эса ютади. Инфляциядан активда пул қуп булганлар юткизади, моддий қиймат булганлар ютади; қарз берувчи юткизади, қарз олувчи эса ютади.

Иқтисодий сиёсатнинг энг мураккаб вазифаларидан бири инфляцияни тартибга солишдир. Унинг усуллари, окибатлари ҳар хилдир. Инфляцияни бартараф этиш учун, авваломбор аниқ диагноз қуйиш керак. Шунга қараб даволаш йул, усуллари булади, албатта даволаш комплекс булса яхши натижа беради.

Антиинфляцион чора деб, инфляциянинг сабабини нейтраллаштирган чорани ҳисоблаш мумкин, окибатларни бартарараф қилиш эса антиинфляцион чора эмас хали. Бундан ташқари очик инфляцияни даволаб булади, яширин инфляцияни даволаб бўлмайди. Олдин яширин инфляция очик инфляцияга айланиши шароитини қилиш керак. Инфляцияни бутунлай йукотиш максadini қуймаслик керак, балки унинг суръатини камайтириш керак.

Антиинфляцион тартибга солишда 2 хил иқтисодий сиёсат ишлатилади:

1. **Дефляцион сиёсат** (еки талабни тартибга солиш). Бу сиёсат талаб инфляцияси пайтида самаралидир. Бунда бюджет камомadini камайтиришга, кредит экспансиясини чеклашга, пул эмиссиясини ушлаб туришга каратилади.

2. **Даромад сиёсати**. Бу сиёсат таклиф инфляцияси даврида яхши самара беради. Бунда иш хаки усишини бахо усиши билан боглаш максатида бахо ва даромадлар тартибга солинади.

Ривожланган мамлакатлар антиинфляцион сиёсатда кейинги 10 йилликларда анча ютуқларни кулга киритдилар. Буни куйидаги маълумотлар исбот килиб бериши мумкин:

Фоиз буйича уртача инфляция даражаси.

	70 йиллар	80 йиллар	90 йиллар
АҚШ	7,8	4,7	2,7
Япония	9,0	2,0	1,9
ФРГ	5,0	2,6	4 – 5 %
Буюк британия	13,6	6,5	3 – 4 %
Италия	14,0	9,6	4 - 5 %

Такрорлаш учун саволлар:

1. Иктисодий цикл нима ва унинг кандай фазалари бор?
2. Иктисодиётни циклли ривожаланиш сабаблари нимада?
3. Катта цикл деганда нимани тушунаси?
4. Инфляциянинг асосий сабаблари нимада?
5. Давлатнинг антиинфляцион сиёсати нима?
6. Дефляцион сиёсат нима?



17-МАВЗУ

МЕХНАТ БОЗОРИ ВА ИШСИЗЛИК.

(2 - соат) .

РЕЖА:

1. Мехнат бозорининг моҳияти.
2. Бандлик ва ишсизлик: тушунча ва курсаткичлар.
3. Ишсизликнинг моҳияти ва турлари.
4. Ишсизликнинг социал – иқтисодий оқибатлари. Ижтимоий сиёсат.
5. Ишсизлик муамосининг Ўзбекистондаги узиға хос томонлари.

АДАБИЁТЛАР :

1. Йулдошев З. Косимов М. Макроиктисодиёт асослари. 5- боб.
2. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. А.Эшмухаммедов ва бошқалар. 17 тема, 125-135 бетлар.
3. Бункина М.К. , Семенов В.А. Макроэкономика гл. 6.
4. Макконнелл К. , Брю С. Экономикс т. 1. Гл. 10.
5. Севлякянц С.Г. и др. Экономика основа жизни общества гл. 7.
6. Фишер С. и др. Экономика гл. 32.
7. Экономическая теория. Под ред. Абдурахманова и др. гл. 6.

«Бекорчилик – хамма иллатларнинг онаси».

Б.Франклин.

1-саволга жавоб

Мехнат бозори – бозор иқтисодиётининг узиға хос подсистемаси бўлиб, бунда бир томондан иш берувчилар (ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари), иккинчи томондан елланма ишчилар узаро таъсирда бўлади. Бунинг оқибатида ишчи кучига талаб, таклиф, уларнинг нисбати, таркиби, ҳажми шаклланади.

Мехнат бозорининг компонентлари:

1. Мехнатга талаб.
2. Ишчи кучи таклифи.
3. Ишчи кучи баҳоси.
4. Ракобат.
5. Ишчи кучи киймати.

Мехнатга талаб – меҳнат бозорига чиқа оладиган иш кучига эҳтиёжнинг умумий ижтимоий ҳажмини тасвирлайди.

Мехнат таклифи - аҳоли сони ва таркиби (жинс, еш, маълумот, касб...) ни характерлайдиган ишчи кучининг умумий сони.

Иш кучининг баҳоси унга туланадиган иш ҳакидир. Иш кучи киймати - уни такрор ишлаб чиқаришнинг ижтимоий харажатлари билан аникланади, яъни кишилар истеъмол қиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳажми билан улланади.

Меҳнат бозори ишлашининг асосий механизми рақобатдир – у иш берувчилар уртасида юқори малакали ишчи кучини узиға жалб қилиш учун, елланма ишчилар уртасида эгалланган еки эгалланадиган иш жойи учун, елланма ишчилар билан иш олиб берувчилар уртасида меҳнат қелишуви шароитлари ва иш ҳақи миқдори учун қурашдан иборат.

Меҳнат бозорининг асосий субъектлари:

- ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари еки уларнинг манфаатини ифодаловчилар;
- елланма ишчилар ва уларнинг манфаатини билдирувчилар;
- давлат ва унинг органлари (иш берувчи еки ораға қирувчи сифатида).

Меҳнат бозорининг динамиқлиғиға таъсир этувчи асосий омиллар:

- **демографик:** аҳоли сони, ундағи актив аҳолининг ҳиссаси, унинг мобиллиғи, аҳолининг табиий ва техник усиши ва б.;
- **ижтимоий:** ҳаёт даражаси, ҷамиятнинг социал структураси, партнерлик муносабатларнинг ривожланиш даражаси ва б.;
- **ташкилий - ҳуқуқий** : қонунларнинг мавжудлиғи, сифати, ишлай олиши, давлатнинг бандлик масалалари билан шугулланадиган муассасалари ва ундағи фаоллик ва б.

Меҳнат бозорининг қуйидағи сегментларига ажратиш мумкин:

- жадал суръатлар билан усаётган тармок ва соҳалар учун дефицитли юқори малакали ишловчилар ғуруҳи;
- ривожланмаётган тармок ва соҳалардағи ортиқча юқори малакали ишловчилар ғуруҳи;
- жадал суръатлар билан усаётган тармок ва соҳалар учун дефицитли мутахассислар ва малақаси паст ишловчилар ғуруҳи;
- ривожланмаётган тармок ва соҳалардағи ортиқча малакали ва малақаси паст мутахассислар ғуруҳи;
- меҳнат потенциалини қегараланган доирада ишлата оладиган ишловчилар (қар - соқов, қурлар, инвалидлар...) ғуруҳи.

Меҳнатға булган талаб 4 поғонада урганилади:

- а) қорҳона микесида;
- б) тармок микесида;


- в) регион микесида;
- г) бутун иктисодиёт микесида.

Мехнат бозори куйидаги сегмент буйича хам фаркланади:


1. Юкори малакали мутахассислар бозори.
2. Малакали мутахассислар бозори;
3. Янги професиялар бозори;
4. Малакаси паст ишловчилар бозори;
5. Колдик мехнат бозори.

Мехнатга талаб билан иш хаки богликлигининг 2 омили ажратилади:

- а) **масштаб эффекти**. Агар бир сабаб билан иш хаки усса, бу ишлаб чикариш харажатларини оширади. Демак нархни усишига ва таклифнинг пасайишига олиб келади, у эса ишлаб чикариш хажмининг камайишига, мехнатга талабнинг камайишига олиб келади. Иш хаки пасайганда механизм тескарисига ишлайди;
- б) **урин алмаштириш эффекти**. Иш хаки усса интенсив технология ишлатишга ундайди, мехнат капитал билан алмаштирилади. Натижада мехнатга талаб камаяди. Иш хаки пасайиши эса тескариси мехнатга талабни оширади.




мехнатга талаб эгрилиги.



мехнатга таклиф эгрилиги.

D - талаб, S – таклиф, L – мехнат микдори, W – иш хаки.



E- мувозанат холат

Иш кучи мувозанати

Давлатнинг мехнат бозоридаги сиёсати :

- еллашнинг минимал шартларини конун йули билан белгилаш;
- иш вақтининг максимал чегараси, иш хакининг минимал чегарасини белгилаш;
- мехнат шароити ва хавфсизлигининг нормаларини конун томондан белгилаш;

- маълум касб турларига ишлашни конун йули билан чеклаш ва назорат килиш;
- иш берувчи ва елланувчиларни меҳнат тугрисидаги конун буйича тутишларини назорат килиш;

Меҳнат бозорларининг 3 моделини ажратадилар;

- а) **Япон модели** – умрбод еллаш, стажга караб иш хакини белгилаш, ишдан хайдаш мумкин эмас, касб структураси билан иш жойларининг кадр структураси бир - бирига мос, ҳар бир ишчи бир неча касбга эга;
- б) **АҚШ модели** – иш кучи децентрализацияси характерли, ҳар бир штатнинг узига хос конуни бор, кризис пайтида ишдан хайдаш кулланилади, иш хаки иш кийинчилигига боғлиқ, малака ошириш билан корхоналар деярли шугулланмайди;
- в) **швед модели** – иш хаки ва фойдани ушшани ушловчи фискаль сиёсат, тенг меҳнатга тенг ҳақ сиёсати юргизилади, кам иш хаки оладиганларга компенсация килинади, янги иш жойларини яратиш, бюджетнинг асосий маблағлари ишсизларга нафақа беришга эмас, қайта тайерлаш ва янги касблар бериш учун уқитишга кетади.

2-саволга жавоб

Аҳоли бандлиги меҳнат даромади куриб, конунга зид булмаган узларининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини кондириш учун фаолият курсатаётган фуқаролар тушунилади.

Бутун аҳоли 2 қисмга бўлинади: иқтисодий фаол аҳоли ва пассив аҳоли.

Фаол аҳолига қуйидагилар қиради:

- 16 еш ва ундан катта ҳамда 16 ешдан еш кишилар бирор иш билан банд бўлиб даромад курганлар;
- касаллиги, таътил туфайли ва бошқа сабабли вақтинча ишда булмаганлар;
- оилада еки унинг корхонасида ҳақсиз бирор иш қилганлар.
- ишсизлар қиради.

Ишсиз деганда 16 еш ва ундан катта булган иш ва даромад манбаига эга булмаган, регистрациядан утган, иш қидирувчи ва ишга тайер булган кишилар қиради.

Иқтисодий жихатдан **пассив** аҳоли:

- кундузи уқийдиган уқувчи, студент, курсантлар;
- қариллиги еки бошқа имтиёз туфайли нафақа олувчилар;
- инвалидлик туфайли нафақа олувчилар;
- уйга, болаларга, касалларга қариндошларига қаровчилар;
- иш қидиришни тухтатганлар, аммо ишлашлари мумкин булганлар;

- ишлашга эҳтиёж бўлмаган, аммо ишлашлари мумкин бўлганлар.

Бандликнинг 4 хилини ажратадилар:

- а) махсулдор бандлик – ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлик;
- б) ижтимоий фойдали бандлик – факат ижтимоий ишлаб чиқариш эмас, балки харбийлар, укувчилар, уйда бандлар, касаллар, болалар, кариндошларга қаровчиларни ҳам уз ичига олади;
- в) тулик бандлик – жамиятнинг шундай ҳолати, бунда ҳамма ҳохловчилар иш ҳақи оладиган иш билан банддир. Бунда циклик ишсизлик йук, ишсизлик табиий даражада;
- г) самарали бандлик – унинг 2 томони бор:
 - иқтисодий - инсон ресурсларини иложи борида рационал фойдаланиш;
 - социал – меҳнат кишиларининг манфаатларига иложи борида тулик мос тушиши.

Меҳнат бозорида талаб ва таклиф уртасидаги дисбаланс тулик ва самарали бандликдан узоклашишни билдиради. Агар талаб таклифдан оз бўлса, очик ишсизлик бўлади, талаб таклифдан куп бўлса яширин ишсизлик бўлади.

Иккинчи бандлик – иш кунини узайтириш, еки бошқа жойда ишдан кейин ишлаш.

Бандлик даражаси деганда, маълум бир вақтда иш билан бандларнинг бутун иш кучига бўлган нисбати сифатида аникланади.

3-саволга жавоб

Ишсизлик бозор тизимида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг тухтовсиз узгариши оқибатидир.

Ишсизлик даражаси регистрация қилинган ишсизларнинг ялпи иш кучига бўлган ва фойдаланган даражасидир. У Швед ва Япон меҳнат бозори мамлакатларида 2 % атрофида, қолган ривожланган мамлакатларда эса 6 – 12 % ни ташкил этади (90 йилларда). Бу 80 ва 70 йилларга нисбатан анча юқори курсаткич бўлиб, бу муаммо ривожланган давлатларда муҳим бўлиб бормокда.

Ишсизликнинг қуйидаги турларини ажратадилар:

- а) **Фрикцион ишсизлик** – ишчи кучига талаб ва таклиф доимий равишда узгариб туради, бунинг оқибатида ишловчи вақтинча ишсиз бўлиб қолиши мумкин.
- б) **Структуравий ишсизлик** – ишчи кучига талаб ва таклиф техника ва бошқа омиллар туфайли бир - бирига мос келмай қолади (тармок, соҳа, регион жиҳатдан), оқибатда ишсизлик пайдо бўлади.

в) **Циклик ишсизлик** – ишчи кучига талаб, иктисодий кризис, ишлаб чиқаришнинг қисқариш пайтида тақлифдан кескин камайиб кетади, оқибатда ишсизлик пайдо бўлади.

Бу уч асосий турдан ташқари, яна:

- махсус ишсизлик, улаётган касбларга нисбатан пайдо бўлади;
- ихтирий ишсизлик, бу кишиларни ўз хоҳишлари билан ишни ташлашларидир.

-

Ишсизликнинг табиий даражаси ўз ичига фрикцион ва структуравий ишсизликни олади (АҚШда у ҳозир 5 – 6 % ташкил этади). Ишсизликнинг табиий даражасида ишлаб чиқариш қувватларидан кам деганда 86 % и ишлатилади, бунда ишчи кучига талаб ва тақлиф иш хаки ва баҳолар мувозанат ҳолатда бўлади.

Ишсизликнинг муддати - ишда уртача ишсиз ҳолатда бўлган танаффус тушунилади. Бу циклик ишсизликда ўзок, структуравий ишсизликда камрок, фрикцион ишсизликда ундан ҳам кам бўлади.

Ишсизликнинг классиклар содда қилиб тушунтиришади : иш хакининг пасайиши, меҳнатга бўлган талабни демакки бандликни оширади, ишсизликни камайтиради. Иш хаки усса меҳнат тақлифи усади, аммо талаб ўсишини ўшлайди.

Артур Пигу ўзининг ишсизлик назариясида (1903 йилда) «Пигу эффекти» ни қиритди. Пигу Эффекти – бандлик стихияли тартибга солиб турувчи механизм деб қаралишдир. Депрессия пайтида иш хаки баҳога нисбатан секинрок камаяди, ҳатто камаймаслиги ҳам мумкин. Демак, истеъмол талаби депрессия бўлса ҳам, анча юқорида даражада бўлади. Депрессия даврида фойиз пастлигини ҳам ҳисобга олсак, бу жонланиши учун пойдевор ҳисобланади.

Кейнс буйича бандлик даражаси самарали талаб функциясидир. Истеъмол товарлари ва инвестицияга талабнинг ўсиши жамиятнинг самарали талабини оширади, шу билан бандлик даражаси усади. Кейнс давлат томонидан ижтимоий ишларни (йўл қуриш, қучаларни тозалаш...) ташкил этиш вазифасини илгари суради.


Кейнс буйича меҳнатга талаб ва тақлиф уртасида мувозанат меҳнат бозорида ортиқча ишчи қучи бўлган шароитда (табиий ишсизлик даражасида) содир бўлади.

Пигу эффектини ҳозирги замонда ривожлантириб, иш хакини пасайишига нисбатан каттиклиги тушунчаси қиритилган, унинг 3 сабабчилари бор:

- а) давлат (минимал иш хаки белгилаши туфайли) сабабчи;
- б) қасаба уюшмалари (профсоюз қанча қучли бўлса, шунчалик у каттик ва шунчалик ишсиз қуп бўлади) сабабчи;

в) иш берувчилар ва елланма ишчиларнинг узлари. (хар вақт иш хакини узгаришини хохламайдилар) сабабчидир.

Филипс эгрилиги. Иш хаки билан ишсизликнинг узаро богликлигини курсатади. Улар бир - бирига тескари пропорционал тарзда узгариб туради.



Иш хакининг усиши инфляцияга тугри пропорционал булганлиги учун Филипс эгри чизигининг инфляция билан ишсизлик уртасидаги боглик сифатида хам ишлатилади.

4 - саволга жавоб

Бозор иктисодиёти ривожланишининг жахон тажрибаси шуни курсатадики, ишсизлик уша шахс учун хам, унинг оиласи учун хам, жамият учун хам салбий иктисодий ва социал окибатларга олиб келади.

Ишсизликнинг иктисодий окибати

- бу жамият ишчи кучи потенциални тулик ишлатмасликдир.

Артур Оукен ЯММ реал хажми потенциал ЯММдан нисбатан оркада колиши ва ишсизлик билан богликлигини математик холда исботлаб берган. Шунинг учун бу конун унинг номи билан Оукен конуни дейилади. Бу конунга биноан агар реал ишсизлик ишсизликнинг табиий даражасидан 1% ошса, миллий иктисодиёт ЯММни 2,5 % га кам олади.

Шу йул билан эса йукотилган абсолют кийматини хисоблаш мумкин.

Ишсизликнинг ижтимоий харажатлари:

- инсон уз-узени хурмат килмай куяди;
- ахлокий нормалар тушкунлиги;
- оилаларнинг бузилиши;
- ижтимоий ва сиесий тартибсизлик;

- ишсизлик жиноий ишларни оширади (ишсизлик 1% усганда жиноий ишлар 3-4% ушиби аникланган).

Давлатнинг ижтимоий сиёсатининг энг мухим предмети – меҳнатга лаекатли ва меҳнатга лаекатсиз аҳоли уртасидаги муаммодир.

Социал сиёсатнинг максади - ҳаёт даражасини ҳамма гуруҳлар учун ошириши, адолатни таъминлаш, ижтимоий қафолатдир.

Ўзбекистонда социал сиёсатнинг асосий йуналишлари:

- аҳоли даромадларини тартибга солиш;
- аҳолини ижтимоий химоялаш ва ижтимоий қафолатни таъминлаш;
- бандлик муаммоларини ечиш;
- экологик зарарли ишлаб чиқаришни йукотиш;
- республикада демографик ахволни узгартириш;
- маориф, соғликни саклаш, маданиятни молиялаштириш қайта қуриш.

Меҳнат бўйича давлат сиёсатининг асосий йуналишлари:

- юкори малакали меҳнатга мотивация яратиш;
- меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш;
- бандлик бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- аҳоли ушибини прогнозлаш;
- меҳнат масаласида давлат, профсоюз, тадбирқорлар уртасида ҳамқорликни яратиш.

Социал химоянинг асосий турлари:

1. Нафақа.
2. Пособия.
3. Стипендия.
4. Имтиезлар.
5. Бир мартали моддий ердам.

Социал химоянинг объектлари:

- пенсия ешидагилар;
- инвалидлар;
- қам даромад қурувчи оилалардаги болалар;
- боқимандасини йукотган болалар;
- ишсизлар;
- хомиладор аеллар;
- еш боласига қараетган ишламайдиган оналар;
- вақтинча қасаллиги туфайли ишламаетганлар;
- уқиеган ешлар;
- меҳнат қобилиятини йукотганларга қаровчилар.

5-саволга жавоб

Узбекистон аҳолисини (24 млн.) нинг 49,3 % и меҳнатга лаёқатли аҳоли, 43,1 % и ун олти ёшгача булганлар ва 7,8 % и нафақа ешидагилар ташкил этади. Аҳоли 90 йилларда 1,9 % суръат билан усмокда.

Узбекистонда официал маълумот буйича 100 минг, реал эса 3-4 млн ишсиз бор.

Ишсизлик муаммосининг куйидаги узига хос томонлари бор:

- а) иктисодиётнинг транзитар ҳолати Узбекистонда структура ишсизлигини урнини ва аҳамиятини кучайтирган ва якин келажакда яна ошади;
- б) якин пайтда оммавий ишсизликлар катта корхоналарда бошланиш хавфи бор;
- в) Узбекларнинг паст мобиллиги оқибатида , хатто бир районни ичида ҳам дефицитли ва ортикча меҳнат ресурслари зоналар пайда булган;
- г) яширин ишсизлик, бирнчи навбатда давлат секторида ва кишлок хужалигида жуда катта;
- д) давлат аппарати шу пайтгача анча ортикча аҳолини узига тортиб келаетган эди, энди тескари жараен бошланмокда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ишсиз ким?
2. Ишсизликнинг кандай турлари бор?
3. Меҳнат бозорининг кандай моделлари бор?
4. Узбекистонда меҳнат бозорининг узига хос кандай турлари бор?
5. Меҳнат буйича давлат сиёсатини айтиб беринг.



МИЛЛИЙ ДАРМАДНИ ТАКСИМЛАШ ВА ИСТЕЪМОЛ КИЛИШ (2 соат).

РЕЖА :

1. Таксимот жараенининг умумий тавсифи.
2. Даромадларда тенгсизлик: сабаби, мохияти, даражаси, улчаш.
3. Камбагаллик муаммоси. Даромадларни кайта таксимлаш.
4. Ўзбекистонда ҳаёт даражаси ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш.

АДАБИЁТЛАР :

1. Улмасов А, Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т. 20 боб.
2. Макконнелл К., Брю С. Экономикс Т 2. Гл. 37.
3. Ўзбекистан обзор политики социальных и структурных реформ. Гл. 8.
4. Фишер С. и др. Экономика гл. 20 -22.
5. Севлякянц С.Г. и др. Экономика основа жизни общества . гл. 11.
6. Экономическая теория. Под ред. Абдурахманова т.гл. 12.

«Агар тенглик булганда эди, жамиятда
ривожланиш булмаган булар эди.»
Й. Шумпетер.

1-саволга жавоб

Жамиятга яратилган миллий маҳсулот таксимланади.

Таксимот – бу неъматларни яратиш жараенида катнашган ҳар бир ҳужалик субъектининг ўз ҳиссаси, миқдорини аниқлаш ва нисбатини белгилаш жараенидир.

I. Яратилган миллий маҳсулот биринчи навбатда жамият ва шахс ўртасида таксимланади, яъни жамиятни ривожлантиришга, унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфлаш учун кетади ҳамда шахсга, жамият аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини қондиришга кетади.

Жамият учун узига тегадиган қисмининг қўп бўлиши муҳим, аммо жамият фаровонлик даражасининг асосий мезони – жамият аъзоларига тегадиган даромаддир. Масалан, СССРнинг хусусияти шундан иборат эдики, жамиятга катта улуш тегадиган эди, натижада космосга чиқишга маблағ топиладиган эди, аммо халққа кам

колар эди, окибатда камбагал яшар эди. Бу дисбаланс СССРнинг емирилишига катта роль уйнаган.

II. Даромадни функционал тақсимлаш. Бунда бутун даромад ишлаб чиқариш омиллари уртасида тақсимланиши, жумладан меҳнат билан капитал уртасида тақсимланиши. Меҳнатнинг хиссаси ҳаддан ташқари куп бўлиб, капиталга кам қолса, ишлаб чиқаришни қупайтиришга, техникани қуллашга стимул қолмайди. Агар меҳнатнинг хиссаси ҳаддан қамайиб қетса, эксплуатация қучайганлигини билдиради ва меҳнат қилишга стимул қасаяди.

АҚШ иқтисодиётини кейинги 90 йилини таҳлил қилиш (1900 - 1988 йиллар) шуни қурсатмоқдаки, бу нисбатда қескин қилжиш қодир бўлмаган:

1900 йилда меҳнат – 78,7% , капитал – 21,3 %.

1988 йилда меҳнат – 80,6 % , капитал – 19,4 %.

Аммо у қурухларнинг ичида анча узқариш бўлган: иш ҳақи 55 % дан 73,8 % га, муқатқил бандлар қаромади 22,7 % дан 6,8 % га, қойда 6,8 % дан 8,6 %га, қойиз 5,5 % дан 9,8 % га, қента эса 9 % дан 1,1 % га узқарган. Шундай қилиб иш ҳақи, қойда ва қойиз усган бўлса, муқатқил бандлар қаромади ва қента қамайган.

III. Қаромадни персонал тақсимланиши. Бунда қаромад ҳусусий шахс, оила ва уй ҳужалиқлари бўлмиш алоҳида иқтисодий яқейқалар уртасида тақсимланишидир. Қайсидир шахсларга қирогдан қуп тегиши, қайсиларига кам тегишидир. Бун қали қенгрок қурамиз.

Тақсимот 2 функцияни бақаради:

иқтисодий функция – тақсимотнинг миллий иқтисодиётга эҳтиёжлар, манқатлар, стимуллар системаси орқали намоеън бўлади;

соқил функция – ижтимоий эҳтиёжларни қондирш ва ривожлантиришга қаратилгандир.

2-саволга қавоб

Қаромад – маълум вақт давомида ҳужалиқ фаолияти натиқасида олинган қул маблагларидир. Қаромад ва ҳаражат қарама - қарши метаморфоза сифатида қамиятда ҳарақат қилади, биров учун қаромаднинг узи бошқа учун ҳаражат бўлади. Масалан, иш ҳақи елланиб ишловчи учун қаромад, тадбирқор учун ҳаражатдир.

Узлаштириш субъектларига қараб қаромад 4 га бўлинади:

- ақоли қаромади;
- қорқона қаромади;
- давлат қаромади;
- қамият қаромади (миллий қаромад).

Бу қаромадларнинг йигиндис қамиятнинг максимал талабини билдиради.

Ақоли қаромадининг 3 турини ажратадилар:

- а) **номинал қаромад** – олинган қулларнинг умумий суммаси;

- б) шахсий даромад – солиқлар тулангандан кейин қолган даромад;
- в) **реал даромад** – баҳолар ўзгаришини ҳисобга олинган шахсий даромад.

Даромад маълум ҳаёт даражасини яратиш учун асос бўлади. Бундан ташқари жамиятнинг, оиланинг бойлиги у оладиган даромад ҳажмига тугридан – тугри боғлиқ.

Даромад индивид (персон) лар ўртасида тақсимланаётганда, тақсимот тенгсизлик характерда эга эканлигини куриш мумкин.

Бу тенгсизликнинг сабаблари:

- 1) Қобилиятлардаги фарқ. Кишиларда ҳар хил жисмоний, ақлий ва эстетик қобилият бор. Бировларга табиат яхши қобилият берган, уларни ишга солиб , қупрок ялпи маҳсулот яратишга ҳисса қўшадилар ва даромад оладилар, бошқа бировлар эса қамрок ҳисса қўшиш қобилиятига эга ва шунга мос қамрок даромад оладилар.
- 2) Маориф ва ўқитиш. Инсоний капиталга инвестиция қилиш натижасида ҳар қим ҳар хил маълумот (олий, ўрта...) ва профессионал тайергарлик (биров врач, биров юрист, биров сартарош) қўради, демакки даромад топишга ҳар хил имконият яратади.
- 3) Профессиянал дид, иштиек ва таваққал. Бу жиҳатдан ҳам даромадлар ҳар хил. Биров оғир, еқимсиз ишни қилади, интенсив ишлайди. Биров икки – ўч жойда ишлаб даромад топади. Биров таваққал қилади, биров эса қилмайди...
- 4) Мулкка эғалик қилиш. Мулкка эғалик қилиб, ўндан даромад қўрувчилар ўртасида ҳам қатта тенгсизлик бор. Масалан АКШнинг энг қўп даромад қўрадиған 10 % ақолиси бутўн мулкнинг 50 % ига эга.
- 5) Бозорда ҳўжайинлик. Ўз манфаатини қўзлаб сўнъий равишда товар нархини шишириш қобилияти. Бу ҳам ҳар қимда, ҳар бир ўй ҳўжалиги – қорхонада ҳар хил.
- 6) Омад, алоқалар, бахтсизлик ва қамситишлар. Бу омиллар ҳам тақсимотдаги сабаблардир. Масалан, фермер еридан нефть қикиб қолса, еки биров таниш - билиш ишлатиб яхшигина мансабга эга бўлса, ёҳуд бировнинг қорхонасига қамқок тегиб ёниб қетса....


Тақсимотда тенгсизлик бўлса яхшими еки тенгликми ?

Аргументлар: 1) **тарафдор** – жамият аъзоларини эҳтиежини иложи борича яхшироқ қондириш ўчўн тенглик қерак;

2) **қарши** – ишлашга стимулни сўндиради. Стимул эса ҳаётни ҳаракатлантирувчи қўчдир. Масалан, Эшмат 1000 долларлик иш бақарди, Тошмат 600 долларга яраша ишлади, тугридан – тугри (яъни ҳақ тулаш пайтида,

корхонада) ёки солик килиб 200 долларни Эшматдан олиб Тошматга берса, иккаласида меҳнат килишга интилишини камайтиради.

Жамиятда даромадлар тақсимотининг тенгсизлик даражасини улчаш учун Лоренц эгрилигидан фойдаланилади.



Абсолют тенглик, ва Лоренц эгрилиги оралигидан жой даромадлар тенгсизлиги даражасини курсатади, у канча катта булса, тенгсизлик шунча куп. Анализ шуни курсатмокдаки, мамлакат канча илгор булса, бу майдон шунча кичик, канча колок булса, шунча катта. Макс Лоренц (1876-1959) америка иктисодчиси.

3-саволга жавоб

Камбагаллик муаммосини куришдан олдин иктисодий мобиллик категориясини куриб чикайлик.

Иктисодий мобиллик деганда, киши еки оила кандай осонлик билан иктисодий зинапоядан юкорига еки пастга тушиш даражасини курсатади. Бойнинг боласи камбагал, камбагалнинг боласи бой була олади. АКШда бу курсаткич 50X50 даражада :

АКШда авлодлар микесида иктисодий мобиллик.

Ота-оналар кайси гурухдан	Ешларнинг гурухга тушиши эхтимоли (%)		
	Куйи 40 %	Урта 20 %	Юкори 40 %
Куйи 40 %	60	18	22
Урта 20 %	34	23	43
Юкори 40%	25	20	55

Кишининг мобиллигига, бир гурухдан иккинчисига утишига 3 омил таъсир килади:

1. Келиб чиқиши;
2. Шахсий ютуқлар;
3. Омадлилик.

Келиб чиқиш уч йул билан иктисодий статусни аниқлайди:

а) авлод (ген), яъни ақлли ота - оналардан ақлли, талантчилардан талантли туғилиш эҳтимоли юқори;

б) келиб чиқиш инсонда булган қобилиятларни аниқлаш, ривожлантириш ва реализация қилишга таъсир килади (ё йул очади еки бугиб ташлайди);

в) оилавий фарқлар болаларни танлаш имкониятларига таъсир этади.

Бойларнинг болалари қобилияти паст булса ҳам институтларга киради, камбағалларнинг эса ишчи булиши учун завод беради.

Камбағалликни аниқ бир улчаб булмайди. Оила камбағал ҳолатда яшайпти деганда, инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун маблағ булмаяпти деганни тушунамиз.

АҚШда 13 % аҳоли (90 йиллар боши) камбағалликда яшайпти деб ҳисобланади. Камбағаллар нисбатан камайиб бормокда (1960 йилда 22 % булган).

Камбағалликнинг қуйидаги ёмон томонлари бор:

а) камбағаллар каторига вақтинча тушиб (1 – 2 йил) яна нормал ҳолатга қайтадиганлар ҳам бор, одатда уларни камбағаллар каторига киритмайдилар. Улар уз статусларини яширишга ҳаракат килади, яъни жамоатчилик билмайди;

б) камбағаллар бир районда (одатда шаҳар марказлари, узок кишлок районлари), бойлар бошқа жойда яшайди ва улар буни кам курадилар;

в) сиесий жихатдан камбағаллар курунмайди, на уларнинг профсоюзлари бор, на сиесий партиялари, клублари, сенатда лоббилари бор.

XX асрнинг бошидан бошлаб, миллий даромадни адолатлироқ тақсимлаш (камбағаллар фойдасига қайта тақсимлашга) га қаратилган сиёсат – **даромадларни қайта тақсимлаш сиёсати** ривожлана бошлади.

Ҳозирги даврда иктисодиёт назариясида жамиятда қаттарок тенгликка эришиш зарурлигини асословчи 3 йуналиш бор:

- 1) **социалистик таълимот.** У хусусий мулкни, «меҳнатсиз» даромадга ва мерос ҳуқуқига қарши чиқади.
- 2) **Индивидуалистик докторина.** Хар қандай шахс учун инсон номига мос ҳуқуқларига ва у билан боглиқ булган социал минимумга эга булиши керак.
- 3) **Кейнс концепцияси.** Тенгсизлик истеъмол товарларига талабни пасайтиради, иктисодий усишни ушлаб туради. Демак тенгсизликни давлат камайтириши керак.

Даромадларни қайта тақсимлаш давлатнинг фискаль ва социал сиёсатлари орқали амалга оширилади, бойлардан камбағалларга пул шаклида олиб берилади.

Бойлик ва камбагалликнинг манбаи капитализм эмас, балки иктисодий ривожланиш. Саймон Кузнец (Англия, АКШ, Германияда) изланишлар ва статистик маълумотларни урганиб шу хулосага келганки, иктисодий ривожланиш тенгсизликни камайишига олиб келади. Камбагаллик сон жихатдан ҳам, салмок жихатдан ҳам кискариб боришга мойилдир.

Кейинги йилларда даромадни кайта таксимлаш дастурларини илгор давлатларда каттик танкид килмокдалар, танкид килувчиларнинг асосий аргументлари куйидагилардан иборат:

- солик пресси купрок даромад топишга булган стимулни пасайтиради (демак иктисодий усишга ва жамият тараккиётига салбий таъсир этади);
- хар хил давлат томонидан берилган ердам бокимандачилик кайфиятини кучайтирмокда;
- бойлардан олинган пулнинг хаммаси ҳам камбагалларга етиб келмайди. Анчагина кисми давлат апаратига колиб кетади (айрим хисоб - китоблар буйича давлат ажратган маблагнинг 40 – 60 % камбагалларнинг узига етиб келмайди).

Мамлакат ахолисининг кандай яшаётганлиги курсатувчи уртача статистик курсаткич - бу жон бошига тугри келадиган ЯММдир. Аммо хаёт даражасини, унинг сифатини аниклаш учун ривожланган мамлакатларда амалиётда 37 тагача курсаткич фойдаланилади.

Хаёт даражасини аниклашда фойдаланиладиган курсаткичлар: уртача умр куриш, болалар улими (1 ёшгача болаларнинг улими тарзида аникланади), маълумот даражаси, иш хаки микдори, минимал иш хаки ва бошкарлар.

Хаёт сифатини курсатувчи курсаткичлар: - фукароларнинг хавфсизлиги, жон бошига нашр килинадиган махсулотлар, инсон хукукларини 40 пунктига риоя килиниши, ишсизлик даражаси, дам олиш кунлари сони ва бошкарлар.

4 - саволга жавоб

Узбекистон буйича хаёт даражаси тугрисида ишонарли маълумот йук. 1989 йилда Узбекистонда ахолининг 44 % камбагал (кишлокларда эса 57 %) булган. Узбекистон ахолисидаги оилаларнинг 1,4 % игина энг юкори гурухга кирган, СССР буйича эса 10 % оила кирган.

1997 йил меҳнат вазирлиги тадқиқот утказди, унинг хулосалари:

- одатда куп болали оилалар камбагал;
- камбагаллар одатда, вилоят марказларидан ташкарида мавжуд;
- пенсионерлар орасида камбагаллар нисбатан кам (10 % атрофида) бундай курсаткич бошка СНГ давлатларига нисбатан анча паст;
- болаларнинг кам овкатланиши холати (рус тилида «истощение») нисбатан паст (вилоятлар буйича 7 % дан 20 % гача), Лотин Америкаси

мамлакатларининг биздан анча юкори даромад курадиган давлатлар (Уругвай, Бразилия) даражасида.

Согликни саклашга ЯММнинг 3,3 % (ёки бюджетнинг 10%) сарфланмокда, жон бошига харажат 1990 йилнинг 50 фоизини ташкил этади. Регион жихатдан оладиган булсак, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Бухоро, Самарканд, Фаргона вилоятлари яхши курсаткичларга эга, Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Наманган, Хоразм ёмон курсаткичларга эга. Вилоятлар ичидаги контраст ундан ҳам катта.

Социал дастурларни тахлил килсак, Ўзбекистон студент ва пенсионерларни яхши химоя килаяпти, бошқаларни эса (болалар, касаллар, ишсизлар...) химоя килиш даражаси етарли эмас. Аммо демографик прогнозлар ва бюджетга тушум прогнозлари шуни курсатмокдаки, давлат шуни ҳам уддалай олмаслик хавфи бор.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Таксимот кандай функцияларни бажаради?
2. Қамбағаллик нима ва унинг чегараси борми?
3. Даромадларни қайта таксимлашда давлат кандай механизмлардан фойдаланади?
4. Даромадларни қайта таксимлашда кандай қарашлар бор?
5. Ҳаёт даражасини курсатувчи кандай курсаткичларни биласиз?
6. Ҳаёт сифатини курсатувчи курсаткичларни айтинг.



ИКТИСОДИЙ УСИШ (2 соат).

РЕЖА :

1. Иктисодий усиш назарияси.
2. Иктисодий усиш омиллари.
3. Иктисодий усиш муаммолари.
4. Иктисодий усиш моделлари.
5. Иктисодий усишни давлат томонидан тартибга солиш.

АДАБИЁТЛАР :

1. Улмасов А, Шарифхужаев М. Иктисодиёт назарияси. Т. 6 боб.
2. Макконнелл К., Брю С. Экономикс Т 1. Гл. 21.
3. Бункина М.К., Семенов В.А. Макроэкономика гл. 3.
4. Фишер С. и др. Экономика гл. 35
5. Севлякянц С.Г. и др. Экономика основа жизни общества. Гл. 10.
6. Экономическая теория. Под ред. Абдурахманова Гл.13.

1 - саволга жавоб

Иктисодий усиш иктисодиётнинг мухим категорияларидан биридир. Иктисодий усиш динамик курсаткичдир.

Бизга маълумки ишлаб чиқариш тухтовсиз жараен. Ишлаб чиқариш жараенининг тухтовсиз такрорланиб, янгиланиб туриши такрор ишлаб чиқариш дейилади.

Такрор ишлаб чиқариш жараенида ишлаб чиқариш хажми уша хажмда тикланса, такрорланса оддий такрор ишлаб чиқариш дейилади. Агар хар бир кайта тикланадиганда хажми усса, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш дейилади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш иктисодий усиш туфайли содир булади.

Иктисодий усиш – бу миллий махсулотни ва унинг ишлаб чиқариш омилларининг микдор жихатдан усиши ва сифат жихатдан такомиллашиб боришидир.

Иктисодий усиш 2 йул билан **улчанади**:

а) иктисодий усиш жамиятдаги ишлаб чиқариш хажмининг ушиб бориши билан;

б) аҳоли жон бошига яратилган товар ва хизматлар хажмининг ортиб бориши билан улчанади. (Бунда мамлакат аҳолиси камайган тақдирда, агар аҳоли 3% камайган бўлса, жон бошига яратилган товар ва хизматлар хажми 2% усган бўлса, бу тақдирда иктисодий усиш содир булган деб ҳисоблаб булмайди).

Иктисодий усиш жамиятнинг бойиб бориш шартидир.

Иктисодий усишнинг икки **даражаси** бор:

а) микро даража – бирор бир корхона ишлаб чиқариш хажмининг усиши;

б) макро даража – бутун миллий иктисодиёт микесида миллий маҳсулотнинг қупайишидир.

Иктисодий усишнинг 2 **типини** фарқ қиладилар:

1) экстенсив усиш;

2) интенсив усиш.

Иктисодий усишнинг энг осон йули қушимча ишлаб чиқариш омилларининг хужалик оборотиға тортиш ҳисобланади. Бунини **экстенсив** усиш дейилади.

Интенсив усишда эса ишлаб чиқаришнинг такомиллаштириш, технолгияни яхшилаш ҳисобидан содир бўлади.

Реал ҳаётда соф иктисодий усиш типини қузатиб булмайди, улар қушилиб кетган, чунки аҳоли усиши омилларни устиришни талаб қилади. Аммо аҳолиси усмасак даражаға чиқиб олган мамлакатларда (Дания, Германия, Швеция...) иктисодий усиш қупрок тоза интенсив бўлиб бормокда.

Интенсивлаштириш, яъни интенсив усишни ҳар хил турлари фарқ қилинади. Бунда қайси омилни тежаш биринчи даражали роль уйнаса, ушанга қараб интенсивлаштириш тури фарқланади:

а) меҳнатни иктисод қилувчи интенсивлаштириш;

б) ресурсни иктисод қилувчи интенсивлаштириш;

в) капитални иктисод қилувчи интенсивлаштириш;

Иктисодий усиш назарияси қуйидаги асосий саволни қуяди: «Иктисодиётда маъжуд иктисодий қувватлардан тулик фойдаланиш учун нима қилиш керак?».

Иктисодий усиш назариясининг **асосий муаммоси** : иш билан тулик таъминланган ҳолда, қандай қилиб ишлаб чиқариш қувватларини еки ЯММнинг хажмини ошириш мумкин.

Иктисодий усишнинг қулами ва суръати фарқ қилинади.

Кулам ушбу йилнинг ЯММ билан солиштирилатган йилнинг ЯММ уртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

$$K = ЯММ_1 - ЯММ_0$$

К – кулам

ЯММ₁ – ушбу йилнинг ЯММи;

ЯММ₀ – солиштирилган йилнинг ЯММи.

Масалан, 1997 йилда ЯММ 50 млрд доллар, 1998 йил – 52 млрд доллар була колсин. Иктисодий усиш кулами 2 млрд долларни ташкил этган.

Иктисодий усишнинг **суръати** (C) куйидагича аникланади:

$$C = \frac{ЯММ_1 - ЯММ_0}{ЯММ_1} = 100$$

Юкоридагиларни формулага куйсак:

$$\frac{52 - 50}{52} \cdot 100 = 3,85 \% \text{ ни ташкил этади.}$$

Иктисодий усишнинг микдорий ва сифат меъерлари бор. Яратилган махсулот нафакат микдоран купайиб боради, балки уз сифати жихатдан ҳам усиб боради. Колок иктисодиёт учун микдор томон бирламчи ахамият касб этса, илгор мамлакат учун сифат томони устивор ахамият касб этади. Такчил иктисодиётга микдор, тукчил иктисодиётга сифат устивор булади.

Иктисодий усишнинг ахамияти:

- а) хаёт даражаси усади;
- б) усувчан иктисодиёт янги эхтиёж ва янги муаммони тез хал кила олади;
- в) Иктисодий усиш ресурс чегараланганлик муаммосини сусайтиради;
- г) эртанги кунга ишончни келтириб чикаради.

Иктисодий усиш арифметикаси: бунда «70» катталигининг коидасини билиш керак, яъни агар иктисодий усиш суръати 1 % ни ташкил этса, 70 йилда ишлаб чиқариш хажми 2 марта усади, 2% булса $70 : 2 = 35$ йилда 10 % булса, $70 : 10 = 7$ йил ва хоказо. Иктисодий усишнинг ахамияти барқарорликдан жуда каттадир.

Келажак нуктаи назаридан усиш суръатининг ахамияти жуда катта. Куйида айрим давларларнинг даражаси ва суръати келтирилади:

Мамлакат	Жон бошига ЯММ, доллар хисобида	ЯММ нинг 1997 йилда усиши, % хисобида
Узбекистон	2010	0,3
Козогистон	2340	2,2
Киргизистон	880	4,0
Бразилия	4720	1,1
Гвинея Бисоу	240	5,0
Сингапур	32940	7,2
АҚШ	28740	2,9
Швецария	44320	1,0

Узбекистон жон бошига ЯММ ишлаб чиқариш бўйича 133 давлат ичида 66 уринни эгаллайди.

2 - саволга жавоб

Хар қандай давлатда ва даврда иқтисодий ўсишнинг 6 омилини ажратадилар.

Уларнинг 4 таси таклиф омиллари ҳисобланади:

- а) меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати;
- б) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- в) асосий капиталнинг ҳажми ва сифати;
- г) технология;

Иккитаси эса талаб омилларидир:

- д) ишловчилар сони;
- е) ишланган соатнинг уртача сони.

Умумлаштириб ҳисоблаганда иқтисодий ўсиш меҳнат сарфларига (ишловчилар сонига еки аҳоли сонига) ҳамда меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Биринчи омил анча чегараланган ва у демографик курсаткичларга бориб такалади. Иккинчи омил эса техника тараккиетига боғлиқ ва унинг имкониятлари чексиз.

Демографик жихатдан оддик такрор ишлаб чиқаришда бўлган давлатларда (дунёнинг 20 та давлати) биринчи омилнинг имконияти деярли тугаган.

Ақшда (аҳоли 0,5 % билан усаётган давлат) иқтисодий ўсишнинг 1/3 қисми биринчи омилга, 2/3 қисми иккинчи омилга боғлиқ.

Ўзбекистонда 1 чи омилнинг ресурслари ҳали катта (2 чи омил ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади):

- а) иш билан бандлик паст, аҳолининг 25 - 30 % и ишсиз, уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш мумкин;
- б) бандлик сифати паст (кишлоқнинг асосий техникаси кетмон, ҳаддан ташқари қўп яширин ишсизлик бор);
- в) миллатимиз ёш, яъни ишлаб чиқаришга тайер бўлиб, ўсиб келаётган ёшлар қўп (миллатнинг ярмини ёшлар ташкил этди);
- г) аҳоли нисбатан тез ўсаяпти (кейинги йилларда 2% суръат билан ўсмоқда).

Иккинчи омил техника тараккиетига боғлиқ деган эдик. **Техника тараккиети** – бў пировард ишлаб чиқаришни қўпайтириш мақсадида мавжуд ресурсларни янги комбинациясига имкон яратувчи, янги билимларнинг очилишини тушунамиз. Бў масала Ўзбекистон қўпроқ илғор мамлакатлардан тайерини олган маъқул. Уларга етиш ўчун ҳали жуда қўп резерв бор. (Ўлиштириб қўринг: ижтимоий меҳнат унумдорлиги бизда 2,0 минг доллар, Швецарияда 44,0 минг доллар, яъни 22 марта паст).

Илмий техник билимларнинг ривожланишининг 2 та муҳим жихати бор: а) ихтиро ва янгиликни жорий қилишдир ҳамда б) бўларни инсоний ва табиий капиталга жорий қилишдир.

Сир эмас, ишловчи канча куп асосий капитал ишлатса, шунча меҳнат унумдорлиги ошади. Шунинг учун фонд билан таъминланганлик ишловчи меҳнат унумдорлигини курсатувчи муҳим курсаткичдир.

Мамлакат микесида меҳнат унумдорлигининг усишига инфраструктура (темир йулар, автомобиль йулар, ижтимоий транспорт, сув билан таъминланганлик, аэропортлар, бозорлар, биржалар, складлар ва х.) ривожланиш даражасига куп нарсга боғлиқ. Хитой ва бошқа мамлакатларда очик иқтисодий зоналарда давлат шу инфраструктурани яратади ва айрим имтиёзлар беради, натижада эса иқтисодёт жадал суръатлар билан усаётганлигини куриш мумкин.

Маориф ва касб буйича тайерлаш. Инсон капиталига инвестиция килиш – меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситасидир.

Иш кучи сифатини курсатувчи энг содда курсаткич – бу маълумот даражаси. АКШда 1870 йил 2% ёшлар урта мактабни битирган, 1985 йил эса 85%. Хозир ишловчиларнинг чораги олий маълумотли. Япония эса бутун аҳолини олий маълумотли килиш дастури билан иш олиб бормокда.

Меҳнат унумдорлигини устириш орқали иқтисодий усишни таъминловчи яна бир омил – бу ресурсларнинг турли соҳаларга таксимланиши еки ишлаб чиқариш структурасидаги силжишлардир.

Ишлаб чиқариш масштабининг усиши (капиталнинг концентрацияси) натижасида илгор техникани куллаш имконияти ошади, бунинг оқибатида меҳнат унумдорлиги усади.

Иқтисодий усишга социал, маданий, психологик омиллар ҳамда сиёсий муҳит ҳам таъсир қилади.

АКШда 1929 - 69 йилларда ЯММнинг усиш манбалари.

Усиш манбаларни	Усиш суръатлари, % ҳисобида 1 йилда.
Ишлаб чиқариш омилларига умумий харажатлар.	1,82
- меҳнат	1,32
- капитал	0,50
ишлаб чиқарилган бир бирлик маҳсулотга сарфланган омиллар.	1,59
- билимлар	0,92
- ресурсларни таксимлаш	0,30
- ҳажм натижасида иқтисод	0,36
- бошқа омиллар	0,01
Бир йиллик усиш	3,41

3 - саволга жавоб

Иктисодий усишга салбий таъсир этувчи омилларга куйидагиларни санаш мумкин:

- а) хусусий бизнес ишига давлатнинг аралашуви;
- б) меҳнатга, бойликка нисбатан учраб турадиган инсофсиз муносабат;
- в) меҳнат конфликтлари даврида ишламаслик;
- г) табиий - иқлим шароитининг ноқулай келиши;
- д) айрим институционал тусиклар;
- е) атроф - муҳитнинг ёмон аҳволи;
- ж) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича булган айрим қонунлар;
- з) солиқни саклаш бўйича булган айрим қонунлар.

20 асрнинг охиридаги иктисодий усишнинг муҳим муаммоси – усиш суръатларининг ҳамма ривожланган давлатларда пасаетганлигидир.
Масалан ЯММ жон бошига куйидагича усган (фоиз хисобида).

<i>Мамлакатлар</i>	<i>1960 - 1973</i>	<i>1973 – 1985</i>
АҚШ	2,65	1,24
Франция	4,54	1,65
Германия	3,50	1,88
Япония	9,35	2,90
Буюк Британия	2,65	1,16

Бунинг сабаблари куйидагилар деб хисобланади:

- а) аҳоли фаровонлиги ошиши билан, истеъмол даражаси ЯММ да усмокда ва оқибатда инвестиция камаймокда;
- б) фонд билан қуролланиши даражасини қутариш қийинлашиб бормокда;
- в) меҳнат сифати яхшиланиши сусаймокда (аёллар, уй эгалари, иммигрантлар ишга жалб қилиш усганлиги туфайли);
- г) катта ойликлар олаётганликлари учун меҳнат қилиш мотивациялари сусаймокда;
- д) инвестиция меҳнат унумдорлиги анча паст булган хизмат қурсатиш соҳасига қупрок қуйилмокда;
- е) аҳоли (биринчи навбатда илгор давлатларда) усиши секинлашмокда.

Энди шундай саволга жавоб топишга ҳаракат қилайлик: «Иктисодий усиш керакми?»

Бу саволга «Йук» деювчиларнинг (улар озчилик) аргументлари:

а) атроф – мухит ифлосланади (саноат шовкини, чикиндилар, сув ва хавонинг ифлосланиши...);

б) иктисодий усиш хамма муаммоларни хал кила олмайди (масалан, камбагаллик муаммоси таксимот билан боглик деб хисоблашади);

в) тез усиш кишилар уртасида нотинчлик ва ишончсизликни келтириб чиқарар эмиш;

г) ишдаги рохат, ижод камаяр эмиш;

д) кишиларни умумий муаммоларини хал килишда ахлликларини камайтиради.

Бу саволга «Ха» деювчиларнинг (улар купчилик) аргументлари:

а) иктисодий усиш эхтиеларнинг чексизлиги ва ресурсларнинг чегараланганлиги уртасидаги конфликтни сусайтиради;

б) социал максадларни танлашда (масалан, соликми, фойдами еки иш хакими) зиддиятни камайтиради;

в) экологик муаммоларни хал килиш имкониятини беради. Масалан, урмонни кесиш урнига альтернатива топилса, урмон колади;

г) иктисодий усиш – таксимотда адолатга эришишнинг бирдан бир йулидир;

д) иктисодий усиш ноиктисодий муаммоларни хал килишга хам пойдевор яратади (масалан, узлигини билиш, ишдан рохатланиш каби).

4 - саволга жавоб

Хар хил даврда, иктисодий усишнинг хар хил моделлари таклиф килинган. Уларнинг айрим машхурларини курамиз:

а) К.Маркснинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш модели: у ишлаб чиқаришни 2 га булади:

I - булинма – ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш.

II - булинма – истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш.

Иктисодий усишнинг мухим шарти I булинма махсулотлари тулик реализация килиниши керак.

б) талаб омилига асосланган модел (Кейнсча модел). Бунда 3 та муаммо курилади:

- иктисодиётни усишини потенциал имкониятини аникловчи омиллар;
- иктисодий усишни баркарор таъминловчи макроиктисодий категорияларнинг узаро богликлиги;
- баркарор усишга эришиш характери;

бу моделнинг хусусияти шундаки, улар талаб автоматик равишда таклифга, жамгариш эса инвестицияга тенг эмас. Жамгариш хиссаси баркарор булса иктисодий усиш бор, булмаса, уни баркарор килиш учун давлат аралаши керак.

Иктисодий усиш булиши учун тулик бандлик булиши керак, бу эса доимий иктисодий усиш даврида мумкин. Демак, бу икки нарсани: тулик бандлик ва иктисодий усишни бирга ечиб бориш керак.

в) неоклассик моделлар: бунда асосий эътиборни ишлаб чиқариш омиллари ва улардан оптимал фойдаланишга қаратадилар. Улар 1928 йилда америка иктисодчиси П.Дуглас ва математики Х.Кобб томонидан ишлаб чиқилган ишлаб чиқариш функциясига таянадилар:

$$V = 1,01 \times L^a \times K^b$$

Бунда, V – ишлаб чиқариш ҳажми, L – меҳнат харажатлари, K – капитал харажатлари, a, b – даражали коэффицентлар.

Кейинчалик бу функцияни неоклассиклар анча такомиллаштирадилар.

г) тармоқлараро баланс модели. Унинг автори америкалик олим В.Леонтьев (Нобель мукофотининг лауреати) ҳисобланади. У бутун иктисодиётни яхлит олиб, тармоқлар, соҳалар уртасида оқим (харажат – ишлаб чиқариш) ни урганади. Купгина мамлакатларда иктисодиётни прогнозлаштиришда кейинги 30 – 40 йил ичида бу модель энг куп қулланилмоқда.

5 - саволга жавоб

Иктисодий усишнинг секинлашуви туфайли иктисодий жихатдан тараккий қилинган давлатларда иктисодиётнинг усишини жадаллаштириш учун сиёсий қидиришларни қучайтиришга сабаб бўлди. Бунинг учун капитални устириш, инвестицияни қупайтириш, илмий техника прогрессини жадаллаштириш, фанга қилинадиган харажатларни ошириш ва инсон омилига қатта эътибор бериш, маориф, олий таълим, қайта тайерлаш, системаларини такомиллаштиришга эътиборни қаратмоқдалар.

Давлатнинг иктисодий усиш сиёсати 3 йуналишга эга:

А) Кейнсчилар йули: улар иктисодий усишни талаб омиллари нуктаи назаридан қарайдилар. Усиш суръатларининг паст булишининг сабаби ялпи харажатлар даражасининг ЯММ усишини таъминлаш даражасида эмаслигидир, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар «Арзон пуллар» сиёсатини тарғиб қиладилар. Кейнсчилар қиска муддатли мақсадга қатта эътибор берадилар.

Б) Неоклассик йуналишлардан бири булган «таклиф иктисодиёти» (унинг асосчиларидан бири Артур Лаффер) тарафдорлари иктисодий тизимнинг ишлаб чиқариш потенциалини оширувчи омилларга катта эътибор берадилар. Улар жамғариш ва капитал маблағларини рағбатлантирувчи, меҳнат тиришқоклиги ва тадбиркорлик таваккалини муқофотловчи восита сифатида булган соликларни камайтиришни таклиф қиладилар. Улар киска муддатга эмас, балки узок муддатли мақсадга катта эътибор берадилар

В) Индустриал сиёсат. Айрим иктисодчилар (улар ҳар хил иктисодий йуналишларда бор) Европа ва Японияда индустриал сиёсатни олиб боришни таклиф этадилар, яъни ҳукумат иктисодий усишни рағбатлантириш учун саноат структурасини ташкил этишда тугридан - тугри фаол ролни давлат узига олиши керак дейдилар.

Европанинг айрим давлатлари, Япония, Корея бу масалада анча ютукка эришганлар. Масалан, Францияда 1993- 1997 йиллардаги беш йиллик режа. Аммо 1998 - 99 йиллардаги кризис, бу йуналиш обрўйига салбий таъсир этди, чунки кризис давлат иктисодиётга нисбатан аралашадиган мамлакатларда кризис содир булди. Неоклассиклар талаблари бўйича сиёсат олиб бораётган Ғарб давлатларида эса бу кризис деярли таъсир қилмади..

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нега жамиятга иктисодий усиш ута муҳим аҳамиятга эга?
2. Иктисодий усишни қандай улчаш мумкин?
3. Иктисодий усишнинг қандай моделларини биласиз?
4. Индустриал сиёсат нима?
5. Ривожланган мамлакатларда нега иктисодий усиш секинлашди?



20-МАВЗУ

ОЧИК ИКТИСОДИЁТДА МАКРОИКТИСОДИЙ СИЁСАТ.

(2 соат)

РЕЖА :

1. Очик иктисодиёт. Очиклик курсаткичлари.
2. Тулов баланси.
3. Валюта курси.
4. Катъий белгиланган ва сузиб юрувчи валюта курсида иктисодий сиёсат.

АДАБИЁТЛАР :

1. Улмасов А., Шарифхужаев М. Иктисодиёт назарияси. Т. 1995й.
2. Макконнелл К., Брю С. Экономикс т1.гл. 39.
3. Бункина М.К., Семенов В.А. Макроэкономика гл. 10.
4. Экономическая теория. Под ред. Абдурахманова . гл.28, 30.

1 - саволга жавоб

Очик иктисодиёт - жахон хужалигининг бугини, булагидир. Миллий иктисодиётларни ташки иктисодий дуне билан боғлиқлик даражасига қараб, 2 та қутбли иктисодиётни ажратадилар :

- а) епик иктисодиёт ва
- б) очик иктисодиёт.

Ёпик иктисодиёт «уз ёгига узи қоврилиб юрган», яъни чет эл билан иктисодий алоқа қилмайдиган иктисодиётни тушунадилар. У қупинча автаркия ҳолатда бўлади, натурал хужаликка таянади.

Очик иктисодиёт эса жахон иктисодий тизимига қушилиб кетган, яхлит бўлган хужалик тушунилади. Реал ҳаётда мамлакатлар иктисодиёти, улар оралигидаги ҳолатдалир. Аммо шундай боғлиқлик бор: иктисодиёт қанчалик ривожланиб, бозор иктисодиёти принципларига таяниб боради, шунсча очик иктисодиётга айланиб боради. Энг очик иктисодиёт, деб Ғарбий Европанинг кичик давлатлари иктисодиётини ҳисоблаш мумкин.

Ҳозирги замон иктисодиётида миллий хужаликлардан ҳосила бўлган муносабатлар – халқаро иктисодий муносабатлар давлатнинг иктисодий сиёсатга жуда қучли, айрим ҳолларда ҳал қилувчи ақс таъсир қилади.

Мамлакат еки регион канчалик жахон иктисодиётига интеграция булган булса, у шунга купрок халкаро меҳнат таксимои имкониятлари ва узининг нисбий устунликларидан фойдалана олади.

Мамлакат иктисодиётини жахон иктисодиёти билан нима сабабдан кушиш керак, бошқа давлатлар билан иктисодий алоқаларни, савдони олиб бориш нима беради ?, куйидагиларни беради :

- 1) мамлакат микёсида даромад (корхона микёсида фойда);
- 2) ихтисослашув (у эса хажм эффектини ҳамда абсолют ва нисбий устунликни беради) ;
- 3) харажатларни камайтириш;
- 4) ортикча ишлаб чикаришни йукотиш;
- 5) ишлаб чикариш усишини экспорт килиш;
- 6) узимиз ишлаб чикара олмаган нарсага эга булишимиз керак;

Мамлакат иктисодиётининг очиклик даражасини куйидаги

курсаткичларга караб аниклайдилар;

- а) ЯММда ташки савдонинг хиссаси;
- б) ишлаб чикариш хажмида экспортнинг хиссаси;
- в) истеъмолда импортнинг хиссаси;
- г) ички инвестицияга нисбатан чет эл инвестицияларининг хиссаси.

Юкорида айтганимиздек, Европанинг кичик индустриал давлатлари, иктисодиётнинг энг юкори очиклигига эга. Масалан ялпи миллий маҳсулотда ташки савдонинг хиссаси Голландия, Бельгия, Австрия каби давлатларда 55 – 70 %, уртача катталиқда булган Франция 40 - 45% ташкил этади. АКШ, Россия, Хитой, Хиндистон каби гигант мамлакатларда, уларнинг ривожланиши даражасидан катъий назар, 20 % дан ошмайди.

Бунинг сабаблари куйидагича :

- жуда катта ички бозорга эга булганлиги;
- хом - ашё билан анча яхши таъминланганлиги;
- АКШ учун икки томони денгиз, икки томонда биттадан 2 тагина кушника эга булганлиги ва бошқа индустриал давлатлардан узок жойлашганлиги;
- Колган давлатлар учун, узок вақт ёпик иктисодий ривожланиш моделига эга булганликнинг асоратидир.

Миллий иктисодиётнинг очиклигини улчаш юкоридаги 4 курсаткичдан ташкари, яна кушимча 2 та курсаткич фойдаланади:

а) агар давлат 2 та валюта курсига эга булган булса, бу курслар уртасидаги фарк 20 % дан ошмаслиги керак (Узбекистонда хозирча бу фарк 300 % дан хам ошиб кетади).

б) агар давлат экспорт ва импортни тартибга солса, тартибга солинадиган кисми 20 % дан ошмаслиги керак (Узбекистонда эса деярли 100 % тартибга солинади).

Миллий иктисодиётнинг очиклиги «узаро богликлик» ва «нозиклик» , «калтислик» тушунчалари билан ҳам богликдир, яъни иктисодиёт канчалик очик булиб бораверса, бир томондан вужудга келадиган мувозанатсизлик, диспропорцияларни биргаликда хал қилишга тугри келади, иккинчи томондан, жахон бозоридаги узгаришлар ички бозорга борган сари кучли уз акс - садосини қайтаради. Масалан, Жахон бозорларида нефть нархи ошса, миллий иктисодиётга кучли таъсир қилади, жахон бозорида катта партияда олтин сотилса, ички бозорда олтиннинг нархини тушушишига олиб келади ва хоказо.

Кейнс назарияси буйича, самарали талаб (Y) назарияси ташки дунёни ҳисобга олганда қуйидагича:

$$Y = C + T + G + Nx$$

Бунда, Nx – (экспорт - импорт).

Экспорт самарали туловни кенгайтиради, импорт эса торайтиради. Демак, мамлакат учун, ташки савдода ижобий сальдога эришиш маъқулдир.

Иктисодиётнинг очиклиги давлатнинг иктисодиётни тартибга солиш ишини мураккаблаштиради, фойдали иш коэффицентини туширади, агар бутун дунё иктисодиётидаги тенденцияларини билиб, инобатга олиб иш қилинсагина, яхши самара бериши мумкин, акс ҳолда катта зарар келтириш мумкин.

Капиталнинг мобиллиги, иш кучининг мобиллиги макроиктисодий сиёсатга кучли таъсир қилади. Капитал ҳам, иш кучи ҳам товар сингари даромадлик даражаси паст жойдан қочади ва даромади юқори булган жойга интилади.

2- саволга жавоб

Мамлакат иктисодиётининг очиклигини, унинг ютуқ ва камчиликларини тулов балансида ифода этади.

Халқаро валюта фонди классификацияси буйича жорий операциялар баланси ва капиталлар харажати баланси ва официал резервлардан иборат **тулов баланси** тузилади. У одатда 1 йилда бир марта (тулик ҳолда, тулик булмаган ҳолда кварталда бир марта) тузилади. Унинг биринчи қисми – савдо баланси ҳар ойда бир марта тузилади.

Бу балансларни тузишда **резидентлар** – ҳамма жисмоний ва ҳуқуқий шахсалр, агар мамлакатда 181 кунда ортиқ булган булсалар ҳисобланади (халқаро ташкилот ва элчихона аъзолари қирмайдн).

Тулов баланси долларда еки уз валютасида ҳисобланади. Ўзбекистонда долларда ҳисобланади.

Т У Л О В Б А Л А Н С И

I . Жорий операциялар счёти куйидагилардан иборат:

а) Савдо баланси, бунда экспорт кредит счётида (яъни минус) ва импорт дебет счётида, (яъни плюс) ифода этилади. Улар уртасидаги фарк савдо балансини беради;

б) Хизматлар баланси, бунда курунмас операциялар деб аталадиган операциялар буйича экспорт ва импорт ифода этилади;

в) Даромадлар. Бунда омилли хизматлар акс этади (масалан, дивиденд, рента, кредит учун фоиз).

г) Трансфертлар. Бунда кайтариб берилмайдиган пул кучиришлар (нафака, бошка давлатга ердан, стипендия...) хисобга олинади;

д) Харидлар. Бунда чет эл фукарolari мамлакатдан сотиб олиши (дебет счётида) ва чет эллардан фукарolarимизнинг сотиб олиши (кредит счётида) аск этади.

II. Капитал харакатлари счёти. Бунда активларнинг сотиб олиниши ва сотилиши акс этирилади. Сотиб олиш – бу валютани сарфлаш хисобланади, сотиш эса валюта ишлашдир:

а) Тугридан - тугри чет эл инвестициялари. Бу чет элликларнинг хиссага кушилганини билдиради. АКШ ва бошка купгина давлатларда чет элликлар 10 % акцияга эга булса, чет эл инвестицияси деб хисобланади;

б) Портфель инвестициялар. Агар чет эллик сотиб олса бу кредит, бизникилар сотиб олса, бу дебет хисобланади;

в) Кредит. Агар карз берилса, кредит, карз олинса дебет.

г) Капитал трансфертлар.

III. Биринчи ва иккинчи булимнинг суммаси, учинчи булимни ташкил этади, буни официал хисоблар баланси дейилади. Биринчиси плюс булса, иккинчиси шу суммада минус булади ва жами тулов балансини беради.

Марказий банк чет давлатларнинг валютасини узида саклайди. Ундаги узгаришлар шу III булимда акс этирилади: ошиши минус билан, камайиши плюс билан ифода этилади.

Агар тулов баланси ноль билан чикмаса, янги банд – хатолар ва нотугри хисоблар счёти киритилади.

3 - саволга жавоб

Хар бир чет эл пул бирлиги (валюта) уз нархига эга, у мамлакатнинг миллий валютасида хисобланади. Буни алмашув ёки **валюта курси** дейилади. Масалан, 1

доллар – 245 сум. Аммо бошқа товарлардан фаркли уларок валюта курси, яъни бир пул бирлигининг бошқа пул бирлигига нисбати тескари йуналишда ҳам укилиши мумкин (1 доллар = 25 рубль еки 1000 рубль = 40 доллар деб).

Курс муносабатларининг асосида нима етади? Олдин тилло фундаментида асосланиб миллий валюта курслари аниқланган. Масалан Россияда биринчи жахон урушидан олдин (1913 й) 1 рубль = 0,77423 г. тиллога тенг булган ва банкноталар эркин тиллога алмаштирилган. Энг охирги АКШда 1933 йилда 35 доллар – унция олтинга (31,1 грамм) алмаштиришда қарор қилиниб, 60 йилларнинг охиригача ишлаб келган. Бу АКШ иқтисодиёти хонавайрон ҳам қилган.

Хозирги кунда валюталарни солиштиришда асос буладиган нарса - партнер мамлакатнинг товарларининг уртача нархи олинади. Албатта рақиблар фойда олиш учун бу курсни уз фойдаларига ҳал қилишга ҳаракат қиладилар ва паритетга нисбатан юқори ва пастга ҳаракат қилади. Аммо рақобат кураши бор жойда , у мувозанатга интилади.

Агар бозор курслари паритетдан узоклашган бўлса, товар ва капиталлар оқими юқори рентабелли томонга қараб оқади ва оқибатда мувозанатга келтиради. Аммо валюта курслари иқтисодий ривожланишнинг нотексислигини акс этиб, анча беқарордир, у кутиш, қурқув, об-ҳаво қаби қуплаб омиллар таъсирига тезроқ учрайди.

4 - саволга жавоб

Валюта курсининг 2 хили ажратилади:

а) қатъий белгиланган валюта курси. Бунда бирор валютага нисбатан (доллар, марка, иен, франк қаби бақувват валюталарга нисбатан) белгиланган курс. Ўзбекистонда шу курс долларга нисбатан олиб қулланилади.

б) сузиб юривчи курс. Бозор паритетидан келиб чиқадиган курс.

Қатъий белгиланган курснинг устунликлари :

- таваққални қамайтиради;
- савдо ва молия билан боғлиқ булган ноаниқликни қамайтиради;
-

Қатъий белгиланган курснинг қамчиликлари, қуйидаги саволларга жавоб беришда ҳуқумат ҳато қилиши мумкин:

- Қачон ва қандай тез бу курсни узгартириш қерак?
- Қайси даражада валюта курсини ушлаб туриш?
- Қайси валютага нисбатан қатъий балгилаш қерак?
- Валюта курсини қайси усуллар билан қуллаб қувватлаш қерак?

Бу уринда Роберт Лукас (Нобель муқофоти лауреати) нинг фикри тугри: «Муқаммал маълумот йук, муқаммал инсонлар йук, шунинг учун муқаммал қарорлар йук».

Сузиб юрувчи курснинг устунликлари:

- ҳукуматнинг хатоларидан саклайди;
- монетар жихатдан автономияга эга, яъни мустиқил равишда уз монетар сиёсатини амалга ошира олади.

Камчиликлиги: - иктисодиётда бекарорлик.

Валюта курсини баркарорлаштиришнинг 4 асосий усули бор:

А) Захиралардан (тилло - валюта) фойдаланиш.

Агар курсни кутармокчи булса, марказий банк интервенция килиб, чет эл валюталарини сотади, агар туширмокчи булса, уз валютасини сотади.

Б) Савдо чеклашлар сиёсати (протекционизм) фойдаланилади :

- экспортни рағбатлантириш;
- экспортни субсидиялаш;
- импортни квота ва тарифлар билан чеклаш;
- импортни тақиклаш (кам кулланилади);

В) раціонлаштириш – экспортчилардан келадиган валюта тушумини импортчилар фойдасига қайта тақсимлаш. Ўзбекистон 1995 йилдан куллаб келмокда.

Г) Ички макро сиёсатдан фойдаланиш. Бунда қиммат пуллар сиёсатидан фойдаланиш мумкин.

Катъий белгиланган валюта курсида монетар сиёсатнинг самараси паст, фискаль сиёсатнинг самараси капитал, иш қучи мобиллигига тугри пропорціонал, яъни мобиллик юқори булса, самарали, мобиллик паст булса, самараси паст.

Сузиб юрувчи курсида монетар сиёсатнинг самараси юқори булади, фискаль сиёсатнинг самараси мобилликка тесқари пропорціонал, яъни мобиллик паст булса самара юқори, мобиллик ошиб бориши билан самара пасайиб боради.

Агар молия бозори яхши ривожланмаган булса, катъий белгиланган курс маъкул.

Молия бозори яхши ривожланган булса, сузиб юрувчи курс маъкул.

Нега бизда **сохта курс** бор, ундан қим ютади ?

- конвертацияга эга булганлар;
- долларга чет элдан қарз олганлар;
- савдо-саноат мафияси.

Аниқ, тугри валюта курси тақки савдо учун энг муқим нарса ҳисобланади. Ўзбекистонда сохта курс булишидан қимият жуда қуп ютқизади.

Тақки савдо сиёсати 2 хил булади:

А) индустриялаштириш ёки импортни урнини босиш. Бу узокни уйланган йул эмас. Аммо янги иктисодиёт учун вақтинча фойдали. Шунинг учун қуп қолок мамлақатлар шу йулни танлашган.

Б) экспортни ривожлантириш. Бошланғич даврда қийин, аммо узокни уйланган йулдир. Шунинг учун қуп давлатлар бу йулга утишга хайиқишади.

Узбекистон экспортида пахта 1994 йилда 50 %, 1998 йилда 40 % ни ташкил этган. Аммо 1998 йилда хали барибир экспортнинг 50 % хом - ашё.

Узбекистон 120 давлат билан (1998 йилда) савдо - сотик килади; жумладан, СНГ билан

	1994 йил	1998 йил
Экспорт	6,7 %	26 %
Импорт	5,9 %	27 %

Узбекистон импортида	1994 йил	1998 йил
Энергия	58 %	16 %
Машина ва ускуна	15 %	48 %

Такрорлаш учун саволлар:

1. Очик иктисодиёт деганда нимани тушунасиш?
2. Тулов баланси нима?
3. Валюта курси нима?
4. Сохта курс нима?
5. Валюта курсини баркарорлаштириш усуллари кандай?

Макроиктисодиёт фанидан семинар машгулотлари.

1 - семинар. Макроиктисодиётга кириш (2- соат)

- 1 Макроиктисодиёт фанининг вазифа ва максадлари.
- 2 Макроиктисодиёт ва чегараланган ресурслар.
- 3 Макроиктисодиётнинг фундаментал муаммолари.
- 4 Ишлатилмаган ресурслар, иктисодий усиш ва келажак.

2 – семинар. Макроиктисодиётдаги доиравий айланиш (2 соат) .

1. Макрокуламда товар ва пулларининг доиравий айланиш модели.
2. Бозорлар, корхоналар, уй хужаликлари, окимлар ва захиралар.
3. Макроиктисодий мувозанат.
4. Доиравий айланишда давлатнинг катнашиши, унинг мавкеи.
5. Мамлакатда макроиктисодий доиравий айланиш ва ташки иктисодий тизимлар.

3 - семинар. Миллий иктисодиёт хажми, таркиби ва динамикасини улчаш. (2- соат).

1. Макроиктисодий курсатгичлар ва уларнинг ахамияти.
2. Ялпи миллий махсулот. ЯММни улчаш.
3. Соф миллий махсулот. Миллий даромад. Шахсий даромад курсатгичлари.
4. Нархлар даражасини улчаш. Номинал ва реал ЯММ.

4 - семинар. Ялпи талаб эгрилиги. (2 – соат).

1. Ялпи талаб ва ялпи таклиф тушунчаси. Ad ва AS эгри чизиги.
- 2 Ялпи талаб эгри чизиги узгаришларининг сабаблари. Фоиз ставкаси эффекти. Импорт харидлари эффекти.
3. Ялпи талаб омиллари.
4. Ялпи таклиф эгри чизиги кесмалари.
5. Ялпи таклиф омиллари.

5– Семинар. Классик ва кейнсча даромад модели.

(2 – соат)

1. Классик назария ва унинг фундаментал постулатлари. Иктисодиётдаги амортизаторлар.
2. Инвестициянинг альтернатив киймати. Сей конуни.
3. Кейнснинг иктисодиётнинг асосий амортизаторларни танкид қилиб чиқиши.
4. Кейнснинг мультипликатив эффекти.

6 – семинар. Даромадлар ва харажатлар мувозанати модели.

(2 – соат)

1. Кейнс модели абстракциялари. Реал даромад қисмлари.
2. Истеъмол функцияси. Соф солиқлар.
3. Мулжалланган харажатлар ва унинг эгри қизиги. Харажатлар таркиби.
4. Мулжалланган харажатлар даражасини белгиловчи омиллар.

7 – семинар. Миллий иктисодиёт ва давлат.

(2 соат)

1. Миллий иктисодиёт тушунчаси. Ўзбекистон миллий иктисодиётининг таркиби, узига хос хусусиятлари.
2. Давлат ва унинг иктисодий функциялари.
3. Давлат томонидан иктисодиётни тартибга солиш.
4. Бозор иктисодиётига утиш даврида давлат.

8 – семинар. Иктисодиётни давлат томонидан тартиблаш.

(2 – соат)

1. Иктисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг зарурлиги ва аҳамияти.
2. Давлат томонидан тартиблашнинг моҳияти ва мақсади.
3. Давлат томонидан тартибга солишнинг йуналишлари ва усуллари.
4. Программалаштириш, «Усиш» сиёсати.

9- семинар. Молия ва солиқ тизими.

(2 – соат) .

1. Мамлакатнинг молия тизими: унинг моҳияти, таркиби.
2. Давлат молияси. Давлат бюджети ва унинг қисмлари.
3. Давлат бюджети даромади манбаи ва харажатлар таркиби.
4. Солиқ тизими ва унинг таркиби. Солиқ тизимини такомиллаштириш муаммолари.

10 – семинар. Макрокуламда пул бозори ва кредит тизими.

(2 – соат)

1. Пул бозори , унинг таркиби ва уни тартибга солиш.
2. Пул бозорида талаб ва таклиф мувозанати. Пул талаби ва таклифида узгаришларнинг оқибатлари.
3. Кредит тизими, унинг таркиби.
4. Маркази банк , унинг роли ва функциялари.
5. Марказий банкнинг пул кредит сиёсати.

11 – семинар. Кимматли коғозлар бозори ва унинг тартибга солиш. (2 соат)

1. Кимматли коғозларнинг моҳияти, турлари.
2. Кимматли коғозлар бозори.
3. Фонд биржасини тартибга солишда давлатнинг роли.
4. Ўзбекистонда кимматли коғозлар бозорининг узига хос хусусиятлари, урни ва истикболлари.

12 -семинар. Иқтисодий бекарорлик ва инфляция. (2 соат)

1. Иқтисодий бекарорлик. Иқтисодий циклар.
2. Ҳозирги замонда иқтисодий кризис муаммолари. Давлатнинг антициклик сиёсати.
3. Инфляция, уни аниқлаш ва улчаш.
4. Инфляцияга қарши тартибга солиш сиёсати ва унинг шакллари.

13 - семинар. Меҳнат бозори ва ишсизлик. (2 соат)

1. Аҳоли ва иқтисодиётнинг усиши. Демографик курсаткичлар.
2. Меҳнат бозори. Ишсизлик ва унинг келиб чиқиш сабаблари.
3. Ишсизликнинг даражаси, турлари.
4. Ўзбекистонда меҳнат бозори ва ишсизлик муаммосининг узига хос хусусиятлари.

14-семинар. Миллий даромадни тақсимлаш ва истеъмол қилиш. (2 соат)

1. Миллий даромаднинг тақсимланиши. Аҳоли даромадлари.
2. Даромадларни нотеқис тақсимланиши ва у билан боғлиқ муаммолар.
3. Аҳолининг табақаланиши. Қамбағаллик муаммоси.
4. Турмуш даражаси ва унинг курсаткичлари.

15 – семинар. Иктисодий усиш.
(2 соат)

1. Иктисодий усиш назарияси. Иктисодий усишнинг мохияти ва ахамияти.
2. Иктисодий усиш арифметикаси. Иктисодий усиш омиллари.
3. Иктисодий усишга халал берувчи омиллар.
4. Иктисодий усишни давлат томонидан тартибга солиниши.
5. Ўзбекистонда иктисодий усишни муаммолари.

Фойдаланиш учун асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т. 1995 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XX аср бусогасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт. Т. 1997.
3. Йулдошев З. Косимов М. "Макроиктисодиёт асослари" - Тошкент. Укитувчи 1994 й.
4. Бозор муносабатлари шароитида миллий иктисодиётнинг ривожланиши А.Эшмухамедов ва б. Тошкент. Укитувчи 1996 й.
5. К.Макконелл, С.Брю. Экономикс. М. изд. Республика 1992 г. I и II тома.
6. Экономика под. ред. Булатова А.С. из-во "Бек" М. 1994.
7. Самуэльсон П., Нердхаус Экономика М. МГТ 1992 I и II тома
8. Башкатов Б.Н. Понамаренко М. Система национальных счётов, М. 1992 г.
9. Булкина М.К. Семенов В.А. Макроэкономика (основы экономической политики) М. 1996 г. А О "ДИС".
10. А.С. Тарасевич Макроэкономика С. Петербург 1994.
11. Н.Г. Мэнкью. Макроэкономика. пер. с англ. М. 1994 г.
12. Фишер С., Дорбуш Р., Шмелензи Р. Экономика М. 1995 г
13. Н.Тухлиев Ўзбекистон иктисодиёти Т. Укитувчи. 1994 й.

Қушимча адабиётлар:

1. Клас Эклунд. Эффективная экономика. Шведская модель. М. Экономика 1991 г.
2. Каримов К., Каримова Т.А. Миллий модель муаммолари. Т. Ўзбекистон 1993 й.

3. Principles of Macroeconomics. N.Aregary Mankiw Harvad University 1997.
4. Macroeconomics of Irland. IV - ed 1997.
5. С. Г. Севлирянц. О. Э. Отто, Б.Т. Тешаев. Экономика-основа жизни общества книга I. Т. Шарк 1998 г.
6. Смит А. Исследование о природе и принципах богатства народов. М. 1962 г.
7. Кенэ Ф. Избранные экономические произведения М. 1960.
8. Милль Дж. Основы политической экономии. М. 1981.
9. Маршалл А. Принципы политической экономии. М. 1983.
10. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. М. 1978.
11. Харрод Р. Ф. К теории экономической динамики. М. 1959.
12. Хайек Ф. Пагубная самонадеянность М. 1992.
13. Гэлбрейт Д. Новое индустриальное общество М. 1992 г
14. Фридман М. Капитализм и свобода М. 1992.
15. Афанасьев В. С. Давид Рикардо. М. 1988
16. Осадчая И. М. Эволюция кейнсизма и неоклассического синтеза. М. 1971.
17. Усоскин В. М. "Денежный мир" Милтона Фридмана. М. 1988.
18. Веблен Т. Теория праздного класса. М. 1991 г.
19. Чжен В. А. Особенности экономических реформ в Узбекистане. Т. 1994.
20. Харрис Л. Денежные теории. М. 1990.
21. Карнай Я. Путь к свободной экономике. М. 1990.
22. Кандратьев Н. Д. Проблемы экономической динамики. М. 1989.
23. Меньшиков С. М. Длинные волны в экономике: когда общество меняет кожу. М. 1989.
24. Тинберген Я. Пересмотр экономического порядка. М. 1980.
25. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М. 1982.
26. Чжен В. А. Деньги и финансовые рынки. Т. 1996 г.
27. Алексеев М. Ю. Рынок ценных бумаг. М. 1992.
28. Узбекистон Республикаси конун ва фармонлар. Т. Узбекистон.

"Макроиктисодиёт" фанидан 2 курс, кундузги булим "Иктисодиёт"
мутахассисликлари учун рейтинг утказиш
тартиби.

юкори балл - 94 б.
саралаш бали - 52 б.

Баҳолаш турлари	Неча соатдан кейин утказилади	Неча марта	Балл	% хисобида	Баҳолаш хили	Мавзулар	Ким утказди
Ж Б.	Хар 8 соат семинардан кейин	4	28 б. шу жумладан 4*5=20.	30 %	Огзаки савол жавоб	1-ЖБ:1-4 семинар 2-ЖБ:5-8 семинар 3-ЖБ:9-12 семинар 4чи ЖБ: 13-15 семинар	Амалиёт уқитувчиси
	Уй вазифаси мустакил иш учун	1	8 балл		Уй иши (ёзма рейтинг)	Мустакил утиладиган дарслар буйича	
О Б.	Хар 20 соат маърузадан кейин	2	38 б. 19*2=	40 %	Ёзма коллоквиум Ёзма коллоквиум	1-ОБ:1-10 маърузалар 2-ОБ:11-20 маърузалар	Маъруза уқитувчиси
Я Б.	Дарслар утиб булингач		28 б.	30%	Савол-жавоб, ёзма баҳолаш	1-20 мавзулар	Маъруза уқитувчиси

Изох: ЖБ – жорий баҳолаш,
ОБ – орalik баҳолаш,
ЯБ – якуний баҳолаш.

Баҳолаш мезонлари:

81 дан 94 баллгача - “аъло”

67 дан – 80 баллгача - “яхши”

52 дан – 66 баллгача - “коникарли”.

ФАН БУЙИЧА КИСКАЧА ЛУГАТ - МАЪЛУМОТНОМА.

"АРЗОН" ПУЛЛАР СИЁСАТИ - муомалада пул массасини купайтиришга каратилган сиёсат.

БАРКАРОРЛАШТИРИШ СИЁСАТИ - бу макроиктисодиётда мувозанатни саклаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йул қўймасликдир. Бу сиёсатнинг максоди бошқариб бўлмайдиган ички ҳамда ташқи мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тугрилашдан иборат.

БАРКАРОРЛАШТИРИШ ФОНДИ - бахонинг ўзгаришига қаршилик қилиш учун маълум бир товарнинг нархи тушаётган /қутарилаётган/ пайтда сотиб олиш /сотиш/ учун ишлатиладиган пул ёки товарлар захираси.

БАХО ДАРАЖАСИНИНГ БАРКАРОРЛИГИ - бу шундай ҳолатга эришиш, инфляция даражаси шундай пастки, тадбиркорлар ва оила ҳужаликлари ўз қарорларини қабул қилишда унга умуман эътибор бермайдилар.

БОЗОР СИЁСАТИ - бозорда қасаба уюшмалар ва йирик фирмаларнинг ҳуқмронлигини қамайтиришга, иш қучи бозорида мавжуд мутаносибсизликларни қамайтириш ёки йукотишга қаратилган давлат сиёсатидир.

БЮДЖЕТ КАМОМАДЛИГИ - бюджетнинг харажатлар қисми даромадлар қисмидан ортиқча бўлган суммасидир.

БЮДЖЕТ СИЁСАТИ - приоритет тармоқлар ва социал аҳамиятли дастурларга бюджетдан тугридан - тугри молиялаштириш йули билан иқтисодиётга таъсир қилишга қаратилган давлат сиёсатидир.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ - бу давлат харажатларининг ва уларни молиявий жихатдан қрплаш манбаларининг йиллик режасидир. Уни ҳар йил ҳуқумат қўриб чиқади ва қонун томонидан тасдиқлайди. Давлат бюджети молия сиёсатининг асосий қуролидир.

ДАВЛАТ СЕКТОРИ - мамлакат иктисодиётининг давлат /хукумат/ томонидан тулик назорат килинадиган кисми.

ДАВЛАТ КАРЗИНИ СОТИБ ОЛИШ - тулаш вакти келиши муносабати билан давлат кимматбахо когозлари эгаларига пулини тулаш йули билан давлат карзининг камайиши.

ДЕЗИНФЛЯЦИЯ - инфляция узиш суръатларининг пасайиши ёки бутунлай тухташи.

ДЕФЛЯЦИЯ - нарх-наво пасайишини, пул кадрили ортишини билдиради, яъни инфляцияга тескари жараёндир.

ДИСКРЕТ СИЁСАТ - харажатлар даражасини узгартириш ва соликлар даражасини ёки солик солиш структурасини манипуляция килиш.

ЖАМГАРМА - мамлакат ёки фирмалар ихтиёрида турли мажбурий туловлар чегириб ташлангандан колган даромаднинг бир кисми. Жамгарма истеъмол максадида ишлатилмайдиган даромаддир.

ЖАМГАРИШ ЭФФЕКТИ - даромад усимтаси билан жамгарма усимтаси уртасидаги боғликлик. Даромад канча юкори булса, ундаги жамгариладиган хисса шунча юкори булади.

ИНВЕСТИЦИЯ - бу умумий капитал хажмининг узишга ёрдамлашувчи хамма харажатлардир. Инвестиция икки хил булади: а) асосий капиталга инвестиция; б) товар - моддий захираларга инвестиция.

ИНФЛЯЦИЯ - пулнинг кадрсизланиши, унинг сотиб олиш курбининг пасайиши, бошкача пйтганда умумий бахо даражасининг ошиши. Хозирги замон иктисодиётининг энг огир касалидир. Инфляция лотинча суз булиб, шиширилган маъносини билдиради.

"ИНЪЕКЦИЯ" - "даромад-харажат" доиравий окимида кушиладиган кушимча воситалар: инвестициялар, давлат харидлари ва экспорт.

ИСТЕЪМОЛ БАХОЛАР ИНДЕКСИ - инфляцияни курсатувчи курсаткич булиб, оила хужаликлари учун зарур булган энг мухим рузгор товар ва хизматларнинг 300 тасининг нархларидаги уртача

узгаришларни курсатади.

ИСТЕЪМОЛГА НИСБАТАН УРТАЧА ОГИШЛИК - истеъмолга кетувчи умумий даромад хиссаси.

ИШСИЗЛИК - шундай иктисодий ахволки, бунда меҳнат ресурсларнинг маълум бир қисми ишга эга эмас ва ишлаб чиқариш билан шугулланмайди.

ИШСИЗЛИК НОРМАСИ - ишсизлар хиссасининг бутун меҳнат ресурслари миқдорига нисбатидир.

ИКТИСОДИЙ ЦИКЛ - иш фаолиятини аниқ бир тавсифига эга бўлаган, доимий равишда қутарилиб-тушиб туришидир.

ИКТИСОДИЁТ - неъматлар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бўйича кишиларнинг хужалик фаолиятини урганувчи фан. Бу терминни биринчи грек файласуфи Ксенофонт томонидан киритилган. Экономиканинг лугавий маъноси грекча суз бўлиб, "уй хужалигини юритиш санъати" деганидир. Иктисодиёт деганда кишилар томонидан неъматларни ишлаб чиқариш жараёни ҳам тушунилади.

ИКТИСОДИЁТНИ ТАРТИБЛАШ - бу ундаги турли бугинлар фаолиятининг бир-бирига боғланиши ва мос ҳолда ривожланиб боришидир.

КВАЗИ ДАВЛАТ БАНКИ - хусусий мулк бўлган, аммо давлат томонидан назорат қилинадиган банк. АҚШдаги ҳар бир /12 та/ федерал резерв банк шу ҳолатдадир.

КЕЙНСЧИЛИК - иктисодиёт назариясининг йуналишларидан бири бўлиб, иктисодиётни давлат томонидан тартибга солиш гоёсини ҳимоя қилади. Кейнсчилик макроиктисодиётнинг асосчиси Жон Мейнард Кейнс номи билан аталади. Кейнсчилик иктисодий усиш, иктисодий цикл, ишсизлик, давлатнинг бюджет, солиқ сиёсатларига катта эътибор беради.

КРЕДИТ РЕСТРИКЦИЯСИ - иктисодиётнинг инфляциявион усиши даврида иш фаоллигини ушлаб туриш ҳамда харажатларин

камайтиришга каратилган пул таклифининг чегараланишидир.

КРЕДИТ ТИЗИМИ - кредит хисоблаш муносабатлари, карзлаштиришнинг шакл ва усуллари мажмуасидир. Иккинчи томондан, эркин пул ресурсларни яратувчи, аккумуляция килувчи ва карзга берувчи кредит-молия институтлар мажмуасидир.

КРЕДИТ ЭКСПАНСИЯСИ - монетар сиёсатнинг бир кисми булиб, иш фаолиятини рағбатлантиришга каратилган пул таклифининг купайтирилишидир.

"КУТИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ" - маълум вақт даврида кутилган даражага мос равишдаги инфляциянинг даражаси.

ЛАФФЕР ЭФФЕКТИ - солиқ туловларнинг солиқ ставкасининг узгаришига реакцияси. Солиқ ставка даражаси билан давлат бюджетига киримларнинг узаро богликлик ҳолати. Солиқ ставкасининг ошиши маълум чегарагача киримларни оширади, кейин эса мотивация ва рағбат сусайиши оқибатида киримлар камая бошлайди.

МАРКСИЗМ - иқтисодий назариянинг бир йуналиши булиб, илмий социализм (коммунизм) назарияси сифатида тан олинган.

МАРЖИНАЛИЗМ - чегаравий катталиклар назариясидир. Ҳозирги замон иқтисодий назариянинг ҳамма йуналишлари асосида ётади. Лугавий маъноси-французча суз булиб "чегаравий" деганидир.

МАКСАДЛАР ДИЛЕММАСИ- давлатнинг молия бошқармаси бир вақтнинг узида муомаладаги пул массасини барқарорлаштириш ҳамда фойиз ставкаси даражасини барқарорлаштиришни уддалай олмаслик билан боглиқ бўлган муаммо.

МИЛЛИЙ ДАРОМАД- жамият миқёсидаги барча даромадлар йигиндисидир, у табиатан янгидан ҳосил этилган кийматга тенгдир. Миллий даромад - соф миллий маҳсулотнинг жамият аъзоларига теккан қисмидир.

МОНЕТАР ҚОИДА - монетарчилар томонидан таклиф қилинган муҳим қоида булиб, бу қоида буйича муомаладаги пул миқдори ҳар йил

ялпи миллий махсулотнинг потенциал жихатдан мумкин булган реал усишига мос булиши керак. Уларнинг фикрича пул массаси хар йил 3% дан 5% гача усиши керак.

МОНЕТАР ЁКИ ПУЛ КРЕДИТ СИЁСАТ - ишлаб чиқаришнинг ялпи хажми, бандлик ва баҳо даражасини барқарорлаштиришга қаратилган пул массасини тартибга солиниши, пул таклифининг узгартиришдир.

МОЛИЯ СИЁСАТИ - давлат томонидан иқтисодий тартибга солишнинг усуллари билан бўлиб, бюджет, солиқ ва пул - кредит сиёсатини ўз ичига олади.

МОДЕЛЬ - абстракт умумлаштириш, реал ҳаётнинг соддалаштирилган картинаси.

МОНЕТАРИЗМ - неолиберализмнинг йўналишларидан бири. Иқтисодий тартибга солишга асосий ролни пулга ва пул-кредит сиёсатига беради. Монетаризм (лугавий маъноси пул, монета сузидан олинган) йўналишининг асосчиси америкалик иқтисодчи Чикаго мактаби вакили Мильтон Фридмен (1912 йил тугилган) ҳисобланади.

МУЛЬТИПЛИКАТИВ ЭФФЕКТ - мультипликатор коэффиценти орқали ифодаланувчи даромад ўсимтаси билан инвестиция ўсимтаси ўртасидаги боғлиқлик.

НЕОЛИБЕРАЛИЗМ - неоклассик назариянинг энг сунгги интерпретацияси. Неолиберализм вакиллари энг охириги илмий изланишларнинг натижаларига таяниб, иқтисодий эркинлик ва иқтисодий давлатнинг аралашмаслиги принципини ҳимоя қилиб чиққанлар. Бу йўналишнинг асосчиси инглиз иқтисодчиси, Лондон иқтисодий мактабнинг вакили Фридрих фон Хайек (1899 - 1992) дир.

НЕОКЛАССИК СИНТЕЗ - кейнсчилик ва неоклассик назарияларнинг бирлашуви. Бу йўналиш вақллари (П. Самуэльсон, Ж. Хикс) давлат иқтисодий фақат иқтисодий кризислар даврида аралашуви керак, бошқа пайтда хусусий тадбиркорлик эркинлигига

катта эътибор бериш керак деб ҳисоблайдилар.

НОМИНАЛ ДАРОМАД - бу киши уз кулига иш хаки, фойда, рента, фоиз ва бошқа шаклда оладиган пул даромадлардир.

НОМИНАЛ ФОИЗ ДАРАЖАСИ - кредитор оладиган пул шаклидаги фоиз.

НОМИНАЛ ЯММ - пулда ифодаланган ва муайян нархларда ҳисобланган ялпи миллий маҳсулотдир.

ОУКЕН КОНУНИ - ишсизликнинг жорий даражасининг тулик ишсизлик даражасидан 1 % ошиши, реал ялпи миллий маҳсулотни потенциал ялпи миллий маҳсулотдан 2, 5 % га камайиб кетишига олиб келиши тугрисидаги хулоса.

РАЦИОНАЛ КУТИШ НАЗАРИЯСИ - ҳозирги замон иқтисодий субъектлар давлат кулلامокчи булган ҳар қандай чорани билиб олишга етарли билимга эга, шунинг учун унга уз вақтида жавоб бера олади, оқибатда давлатнинг чора-тадбирлари етарли самара бера олмайди деб қараш.

РЕАЛ ЯММ - нарх узгариши назарда тутилиб ҳисобланган, ишлаб чиқаришнинг амалдаги миқёсини ифодаловчи ялпи миллий маҳсулотдир.

РЕАЛ ФОИЗ ДАРАЖАСИ - кредитор кредит олувчидан олган фоизнинг сотиб олиш қурбининг қупайишидир.

РЕАЛ ДАРОМАД - бу номинал даромадга сотиб олиш мумкин булган товар ва хизматлар миқдори билан улчанади.

СОФ ЭКСПОРТ- чет элдан сотиб олинадиган товарлар ва хизматлар, яъни импорт миқдори, чет элга сотиладиган товарлар ва хизматлардан кам булиши, яъни улар уртасидаги фарқ.

СОФ МИЛЛИЙ МАХСУЛОТ - ялпи миллий маҳсулотдан амортизация ажратмаларини чегириб олингандан сунг қолган қисмига тенг булади.

СОЛИК СИЁСАТИ - соликларни манипуляция қилиш орқали иктисодиётга таъсир қилишга қаратилган иктисодиётни давлат томонидан тартибланишидир. Чунки соликларни қупайтириш иш фаолиятини сусайишига олиб келади, соликларнинг камайиши эса, иш фаолиятини рағбатлантириувчи ҳисобланади.

СУБСИДИЯ - давлат бюджетидан тадбиркорларга аниқ мақсад йулида ишлатиш учун бериладиган маблағдир. Субсидия давлатнинг молиявий ёрдами бўлиб, бюджетга қайтариб берилмайди.

СТАТИК ИКТИСОДИЁТ - иктисодиётнинг сокин ҳолатда бўлиши, яъни ялпи инвестиция билан амортизациянинг бир-бирига баробар бўлиши. Иктисодиётда шунча миқдорда капитал ишлаб чиқариладики, у ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қилинган капиталга баробардир.

ТАКЛИФ ИКТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ - Бу назария тарафдорлари асосий эътиборни ялпи талабни эмас, балки ялпи таклиф ва уни аниқловчи омилларни урганишга қаратадилар. Ялпи таклифни рағбатлантиришни ёклаб чиқадилар, жумладан ялпи таклифни ошириш учун соликларни камайитиришни ёклаб чиққанлар

ТЕЖАМКОРЛИК ПАРДОКСИ - бу шундай ҳолатки, айрим пайтда жамият бирор нарсани тежашга ҳаракат қилиб, охир-оқибатда ҳеч нарсага эриша олмаслиги ёки бошқа бир жихатдан зарарга тушишидир.

"ТОРТИБ ОЛИШ"- "даромад-ҳаражат" доиравий оқимдан тортиб олинган потенциал ҳаражатлар: жамғармалар, солиқ туловлари ва импорт.

ТУЛОВ БАЛАНСИНING ДЕФИЦИТЛИГИ- жорий операциялар баланси ва капиталлар ҳаракати балансининг пассив сальдо билан чиқиши.

ТУЛИК БАНДЛИК - ишсизликининг табиий даражасидаги бандлик, яъни факат фрикциявий ва структуравий ишсизлик бўлган ҳолат.

ТУШУМЛАРНИНГ СОФ ХАЖМИ - ҳукуматга келиб тушадиган солик тушумлардан давлатнинг трансферт туловлар айирмасидан иборат.

ФАОЛЛИК КАМАЁТГАН ИКТИСОДИЁТ - иктисодиётнинг стагнация холати, бунда ялпи инвестиция амортизациядан кам булиши, яъни иктисодиётда ишлаб чиқарилган капиталдан куп микдорда истеъмол килинишидир.

ФИЛЛИПС ЭГРИЛИГИ - ишсизлик даражаси билан инфляциянинг бир йиллик ўсиш суръати ўртасидаги боғлиқликни курсатувчи эгриликдир.

ХУСУСИЙ СЕКТОР - мамлакатдаги ўй хўжаликлари ва фирмаларнинг мажмуаси.

ЦИКЛИ ДЕФИЦИТ - иш фаолиятининг пасайиши ва у билан боғлиқ равишда солик тушумларнинг қисқариши билан боғлиқ бўлган тарзда давлат бюджетининг камомадлиги.

ШАХСИЙ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ - ўй хўжаликларининг ўзок муддатли ва қисқа муддатли истеъмол товар ва хизматларига қилинадиган харажатлардир.

ЭГРИ СОЛИКЛАР - бу ишлаб чиқарувчилардан давлат томонидан улар даромадига қиритмасдан (товарлар баҳосига қўшилган бўлса ҳам) олинадиган ҳар хил соликлардир. Бунга қўшимча қиймат солиғи, акциз, мулкдан олинадиган солиklar мисол бўлса олади.

"ЯЛПИ МИЛЛИЙ ҚЎШИМЧА МАХСУЛОТЛАР"- ишлаб чиқариш ва ялпи миллий махсулотнинг ўсиши билан бирга қўпайиб борадиган сув ва ҳавонинг ифлосланиши, автомобиллар мазорининг ўсиши, аҳоли сонининг ортиб бориши, умуман атроф-муҳитнинг ифлосланишининг қўпайишидир.

ЯЛПИ ТАЛАБ - ўй хўжаликлари, фирмалар ва давлатнинг нархни маълум даражасида сотиб олишга тайёр бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмидир.

ЯЛПИ ТАҚЛИФ - маълум нарх даражасида ишлаб чиқаришнинг

миллий хажми даражаси.

ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАХСУЛОТ - мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган пировард товар ва хизматларнинг бозор қийматида ҳисобланган мажмуасидир.

ЯЛПИ ИЧКИ МАХСУЛОТ - мамлакатда 1 йилда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор қийматида мажмуаси, аммо экспорт-импорт операцияларини инобатга олмаган ҳолда.

ЯММ ДЕФЛЯТОРИ - иқтисодиётда, шу жумладан инвестициявий товарларга бутун нархлар канчага ошганлигини курсатувчи баҳолар индексиدير. Баҳолар индекси эса маълум вақт давомида нархлар канчага ошганлигини курсатувчи иқтисодий индикатордир.

ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАХСУЛОТ ХАЖМИНИНГ ОРҚА КОЛИШИ - потенциал реал ялпи миллий маҳсулотдан мавжуд, аслидаги ялпи миллий маҳсулот айирмаси.

УСУВЧАН ИҚТИСОДИЁТ - ялпи инвестиция амортизациядан ортиқ бўлиши, иқтисодиёт усиш ҳолатида, ишлаб чиқариш қувватлари купая боришидир.

"КИММАТ" ПУЛЛАР СИЁСАТИ - муомалада пул массаси қисқаришига ёки чегараланишга қаратилган сиёсат.

КУРИЛГАН СТАБИЛИЗАТОРЛАР СИЁСАТИ - соф солиқ солишнинг прогрессив шкаласи бўлиб, миллий даромад даражасининг узгариши билан мос равишда солиқларнинг узгаришидир.

ХИСОБ СТАВКАСИ - депозитли ташкилотларга бериладиган қарз бўйича марказий банк оладиган фоиз ставкасидир.

Макроиктисодиёт фанидан I оралик ёзма назорат саволлари.

1. Макроиктисодиёт ва чегараланган ресурслар.
2. Макроиктисодиёт ва иктисодий сиёсат
3. Макроиктисодиётнинг эмпирик базаси
4. Макро ва микро куламдаги инструментларнинг фарқи
5. Макроиктисодиётнинг фундаментал муаммолари.
6. Чекланган эҳтиёжлар ва камёб ресурслар
7. Ишлатилмаган ресурслар, иктисодий узиш ва келажак
8. Макроиктисодиёт ва бошқа фанлар
9. Макроиктисодий айланиш тушунчаси.
10. Макрокуламда товар ва пулларнинг доиравий айланиш модели.
11. Товарлар ва пуллар оқими.
12. Ресурслар бозори ва махсулотлар бозори. Молия бозори
13. Корхоналар ва уй хужаликлар.
14. Доиравий айланишда давлатнинг катнашиши, унинг маъқеи.
15. Давлатнинг макроиктисодий доиравий айланишга таъсир қилиш йуллари.
16. Мамакатда макроиктисодий доиравий айланиш ва ташқи иктисодий тизимлар
17. Макроиктисодий курсатқичлар ва уларнинг аҳамияти.
18. Ялпи миллий махсулот ва унинг икки томони
19. Ялпи миллий махсулотни ҳисоблаш.
20. Миллий ҳисоблаш тизими курсатқичлари орасида боғлиқликлар.
21. Номинал ва реал ЯММ. Нархлар даражасини улчаш.
22. Ўзбекистоннинг ЯММ ҳажми, структураси ва динамикаси.
23. Хусусий ва умумий мувозанат ҳақида тушунча.
24. Л. Вальраснинг "умумий мувозанат" назарияси.
25. Миллий бозор ва унинг мувозанатини барқарорлаштириш.
26. Давлатнинг иктисодиётга аралашуви.
27. Барқарорлаштириш сиёсати.
28. Барқарорлаштиришда 2 хил ёндашув.
29. Ўзбекистонда иктисодиётни барқарорлаштириш.
30. Ялпи талаб ва ялпи таклиф тушунчалари.
31. Ялпи талаб ва ялпи таклиф эгри қизиклари.
32. Ялпи талаб эгри қизиги ўзгаришининг сабаблари.
33. Ялпи талаб оқимлари.

34. Ялпи таклиф омиллари.
35. Ялпи таклиф эгри чизиги кесмалари.
36. Ялпи таклиф эгри чизиги узгаришлари.
37. Классик назариянинг фундаментал постулатлари.
38. Иктисодиётдаги амортизаторлар.
39. Инвестициянинг альтернатив киймати.
40. Инвестициянинг даромадлиги.
41. Сей конуни.
42. Ж. М. Кейнс ва кейнсчилик
43. Классик концепция инкирозининг сабаблари.
44. Кейнснинг иктисодиётнинг асосий амортизаторларини танкид қилиб чиқиши.
45. Кейнснинг мультипликатив эффекти.
46. Реал даромад қисмлари: истеъмол ва жамгарма.
47. "Автоном истеъмол" тушунчаси.
48. Истеъмол эгрилиги ва унга таъсир қилувчи омиллар.
49. Мулжалланган харажатлар, унинг эгрилиги.
50. Мулжалланган харажатлар даражасини белгиловчи омиллар.
51. Харажатлар мультипликатори.
52. Миллий иктисодиёт тушунчаси.
53. Ўзбекистон миллий иктисодиётнинг структураси, узига хос хусусиятлари.
54. Давлат ва унинг иктисодий функциялари.
55. Давлат томонидан иктисодиётни тартибга солиш.
56. Солик механизми билан иктисодиётни тартибга солиш
57. Дотация ва субсидия билан иктисодиётни тартибга солиш
58. Баҳо белгилаш билан иктисодиётни тартибга солиш.
59. Давлат буюртмалари йули билан иктисодиётга таъсир этиш.
60. Программалаштириш йули билан иктисодиётни тартибга солиш.
61. Молиянинг моҳияти, ресурслари, механизми.
62. Молия бозори ва унинг ички тузилиши.
63. Давлат бюджети.
64. Соликлар, уларнинг турлари.
65. Солик мультипликатори. Лаффер эффекти
66. Ўзбекистоннинг солик тизими.
67. Ўзбекистон республикасининг давлат бюджети ва унинг хусусиятлари.

Макроиктисодиёт фанидан II оралик ёзма назорат саволлари.

1. Фискал сиёсатнинг моҳияти, мақсадлари.
2. Фискал сиёсатни амалга оширишдаги қийинчиликлар.
3. Классик макроиктисодий моделда фискал сиёсат.
4. Фискал сиёсат механизмига кейнсча ва монетарча қарашлар.
5. Дисрекция фискал сиёсат.
6. Рағбатлантирувчи ва ушловчи фискал сиёсат.
7. Нодисрекция фискал сиёсат. Курс стабиллашувчилар.
8. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фискал сиёсат.
9. Бюджет қамқовдорлиги.
10. Бюджет қамқовдорлиги билан боғлиқ муаммолар.
11. Ўллат қарзи: моҳияти, сабаблари, манбалари.
12. Қарз ва ялпи миллий маҳсулот.
13. Ўллат қарзининг иқтисодий оқибатлари.
14. Ўшқи қарз ва унинг оқибатлари.
15. Нақд пул муомаласи. Зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш.
16. Пул мультипликатори.
17. Пул бозорида талаб ва таклиф мувозанати.
18. Пул талаби ва таклифида ўзгаришларнинг оқибатлари.
19. Қредит тизими.
20. Марказий банклар ва уларнинг вазифалари.
21. Марказий банкнинг пул-қредит сиёсати.
22. Қимматли қозғалар бозори.
23. Ўллатнинг қимматбаҳо қозғалари.
24. Акция бозори.
25. Фонд биржаси ва уни тартибга солишда ўллатнинг роли.
26. Макроиктисодий мутаносибликнинг бўзилиш сабаблари.
27. Классик иш цикли. Цикл фазалари.
28. Цикли ривожланиш сабаблари.
29. Ўшқи омиллар назарияси.
30. Ж. М. Кейнснинг "самарали талаб" концепцияси.
31. Н. Д. Кондратьевнинг катта цикллари.
32. Структура қризислари.
33. Инфляция ва унинг моҳияти.
34. Инфляциянинг қелиб қиқиш сабаблари.

35. Инфляцияни аниклаш ва улчаш.
36. Инфляция турлари.
37. Инфляциянинг окибатлари.
38. Инфляцияга кейнсча караш.
39. Инфляцияга карши тартибга солишнинг шакллари.
40. Дефляцион тартибга солиш чоралари.
41. Ахоли ва иктисодиётнинг усиши.
42. Демографик курсатгичлар.
43. Институционал ахоли.
44. Иш билан бандлар ва ишсизлар.
45. Кейнснинг иш билан бандлик назарияси.
46. Мехнат бозори ва ундаги ракобат.
47. Ишсизликнинг мохияти ва келиб чиқиш сабалари.
48. Ишсизлик даражасини аниклаш.
49. Ишсизликнинг иктисодий ва ноиктисодий окибатлари.
50. Ўзбекистонда ишсизлик муаммоси.
51. Иктисодий усиш назарияси.
52. Иктисодий усишнинг мохияти ва ахамияти.
53. Иктисодий усиш арифметикаси.
54. Иктисодий усиш омиллари.
55. Иктисодий усишга халал берувчи омиллар.
56. Ялпи талаб, тасодифий тебранишлар ва иктисодий усиш.
57. Иктисодий усишга ҳамда унга карши булган аргументлар.
58. Иктисодий усишни давлат томонидан тартибга солиш.
59. Очик иктисодиёт нима.
60. Иктисодиётни очиклигини курсатувчи курсатгичлар.
61. Тулов баланси ва унинг таркиби.
62. Катъий белгиланган валюта курси.
63. Сузиб юрувчи валюта курси.

Бухор давлат университети «Иктисодиёт назарияси»
кафедраси мудири Хамроев Халим Розиковичнинг
«Макроиктисодиёт» фанидан ёзган маъруза – матнларига

Т А К Р И З

Хамроев Халим Розикович иктисодиётнинг янги фанларидан бири булмиш «Макроиктисодиёт» фанига маъруза – матнлари тайёрлаган эканлар, бу талабалар учун айти муддао хисобланади.

Маъруза – матнлари 170 бетга яқин бўлиб, лектор кафедра тасдиқлаган дастур асосида ишлаб чиққан. Маърузалар уқув соати уз ичига 20 мавзунини олади. Шу мавзуларнинг ҳаммасига бўйича маърузалар тайёрланган. Маърузалар тартиби, структураси уқув соатлар таксимотида берилган режага мос бўлиб, унинг ҳар бири 2 (факат бир маъруза 4 соат)га мувожааб тайёрлаган.

Маърузачи жуда мураккаб категорияларни соддарок қилиб, бакалаврият даражасига мослаштириб тушунириб беришга ҳаракат қилган.

Маъруза матнларини тайёрлашда автор қўлгина чет эл ва Россия адабиётларидан, Ўзбекистон бўйича қизиқарли, муаммоли материаллардан фойдаланган.

Маъруза матнларида давлатнинг иктисодий сиёсатлари: макроиктисодий, фискаль, монетар, антимонопол, социал, уқув ва бошқа турларининг моҳиятини очиқ бериб, мисоллар билан ёритиб берган.

Хамроев Халим Розикович ишсизлик, инфляция , бекорорликнинг бошқа жиҳатларини Ўзбекистон мисолида ёритиб берган. Ўзбекистон ҳукумати яқин келажакда қилиши керак бўлган айрим таклифлар ҳам қиритилган.

Маъруза матнлари «Иктисодиёт» йўналиши бўйича ўқийтган талабалар талабига мос, ҳатто уни нашр қилишга ҳам арзийди.

Бухоро озиқ овқат ва енгил саноати технологияси
Институтига қарашли «Бизнес мактаб» директори,
доцент , иктисодиёт фанлар номзоди Алимов Н.Х.

«Иктисодиёт назарияси» кафедраси мудир, доцент Хамроев Халим Розиковичнинг «Макроиктисодиёт» фани бўйича ёзган маъруза – матнларига

Т А К Р И З

Хамроев Халим Розикович бакалавриятнинг Б-022000-«ИКТИСОДИЁТ» мутахассислигига мулжалланган, 94 соатли дастурга мос қилиб маъруза матнлари ёзган. Маъруза матнлари режа бўйича ёзилган бўлиб, уларнинг сони 20 та. Хар бир мавзу 2 соатга мулжалланган, фақат учинчи мавзу 4 соатга мулжалланган.

Хамроев Х.Р. биринчи мавзуда фанга кириш сифатида, фаннинг максоди, вазифалари, инструментарийсининг узига хослигини ёритиб берган. Иккинчи мавзу макроиктисодиётнинг доиравий айланиши кенг ёритиб берилган. Учинчисида эса миллий махсулотни улчаш усуллари тушунтириб берилган. Туртинчи мавзу эса иктисодиётнинг мувозанатига бағишланган. Кейинги уч мавзу эса макроиктисодий моделлар муҳокама қилинган. Кейинги мавзуларда макроиктисодиётнинг бирор бир жиҳати ва шу билан боғлиқ бўлган давлатнинг иктисодий сиёсати тушунтириб берилган. Маърузачи фискаль, монетар, антимонопол, макроиктисодий ва бошқа тур сиёсатлар ёритиб берилган.

Охириги мавзу очик иктисодиётнинг муаммолари ёритиб берилган.

Маърузачи иктисодиётнинг касалликлари бўлган ишсизлик, инфляция, даромадаларни тақсимлашдаги адолатсизлик, иктисодиётнинг циккли ривожланиши қабилар алоҳида мавзуда, бирма – бир ёритиб берилган.

Маъруза матнларини ёзишда қўлаб адабиётлар, шу жумладан чет эл адабиётлари фойдаланганлиги яққол қўринади. Маърузачи мураккаб макроиктисодий категория ва жараёнларни соддалаштириб тушунтиришга ҳаракат қилган, аммо материал барибир узининг мураккаблиги билан қўзғатиланади, Шунинг учун маърузачига уз маърузаларини янада соддарок тилда ёзиш учун иш олиб боришларига тилакдошман.

Бухоро давлат университети «иктисодиёт
факультети декани, профессор Навруз-зода Б.Н.

